— Худо ёрлақасин сизни, — деди.

Бошлиқ унинг юзига тарсаки тортиб юборди.

— Бу хонада Худони тилга олма демабмидим?, деди Ғазаб билан.

Айғоқчи кутилмаган тарсаки зарбидан бир чайқалди-ю, ўзини тутиб олди.

— Билмай айтворибман, кечиринг. Мулланинг атрофида юравериб, тилим ўрганиб қолибди.

— Бунақа тилни кесиб, итларга ташлаш керак. Хўш, нима дейди мулланг?
— Кўнмаяпти, — айғоқчи шундай деб яна лабини ялади. Бошлиқ жавобдан қоникма”ганини англаб, қўшимча қилди:

— Индамай ётаверсак гуноҳ-ку, қочиш ҳам жиҳоднинг бир тури, деб ҳам кўрдим.

— Нима дейди?

— Кўп гапирмайди, бош чайқайди, холос.

— Бошқалар-чи?

— Бошқалар анча кўнган.

— Анча деганинг нимаси?

— Муллага қараб туришибди.

— Ўзларида калла йўқми?

— Мулланинг кўзи ёмон. Бир қараса, одамни ғалати қилиб қўяди.

— ғалати деганинг нимаси?

— Қўл-оёқ бўшашиб, жон ҳалқумга келиб қолганга ўхшайди.

— Жонинг ҳалқумингга келдими? Бошлиқ шундай деб унга қаттиқ тикилди. Сўнг жағига мушт туширди. Айғоқчи икки қадам нарига учиб тушди. Бундай муштан кейин тепкилаш бошланишини билгани учун ғужанак бўлиб олди. Бу сафар Бошлиқ марҳамат қилиб, тепмади.

— Ёмғир тинганидан кейин қочасанлар, деб гапни калта қилди.

Айғоқчи чиқиб кетгач, минорадаги соқчилар ўрмонга қараб ўқ ота бошладилар. «Яна келдими?» деб ўйлади Бошлиқ дераза оша ҳовлига қараб. Кейин ёрдамчисини чақириб «Нима гап?» деб сўради.

— Ўқ ўтмас буғу яна пайдо бўлибди, — деди ёрдамчи.

Эрта баҳорда камоқхона атрофида катта шохдор бир буғу пайдо бўлган эди. Унга қараб отилган ўқ изсиз кетарди. Ҳатто мерганлар ҳам пойлаб отишди — фойда бермади. Шундан сўнг буғуни кўрганда аскарларни саросима босадиган

бўлди. Бошлиқ «Ўқ отишса, қўрқувлари камаяр», деган фикрда соқчиларга буғу кўриниши билан отишга рухсат берган эди.

2

Тоза ҳаводан нафас олишга кўниккан таъби нозик одам тўққизинчи баракка кириб қолса, бу жойнинг қўланса ҳидига тоқат қилолмай қочиб чиқиши тайин. Одам бўйидан икки қаричгина баландроқ қилиб солинган бу бостирманинг белдан сал юкорисигина ер сатҳидан тепада. Икки шапалоқ ҳажмдаги дарчалардан хира нур базўр киради. Қўпол эшик очилган маҳалда тоза ҳаво ёпирилиб кириши мумкин. Ғўлалар тирқишидан сизиб ўтувчи ҳаво эса тамаки, тер ва яна алламбалоларнинг ҳидини ҳайдаб чиқара олмайди.

Раҳматуллоҳ бу баракка қадам босган дастлабки дақиқада кўп қийналди. Ўқчиқ тутавериб тинка-мадорини қуритди. Бундан баттар балоларга чидаган одам боласи, тақдир экан, бу сассиқ ҳавога ҳам кўникди. Раҳматуллоҳ билан бирга келган Мирҳосил барак остонасини ҳатлаш билан бурнини беркитиб:

— Худди лаҳадга ўхшайди-я, — деганида Раҳматуллоҳ:

— Ундай деманг, биродар, лаҳад бунақа сассиқ бўлмас, — деб эди.

Қишда ёққан қор барак бўғотигача босиб, Ғўла тирғишларидан кириб турувчи ҳаво йўли ҳам беркилганида, ўпкаси заифроқ маҳбус баҳорга етиб боришидан умидини узади. Раҳматуллоҳ ёмғир ёққан кунлари қийналади. Бошқа маҳал, қор ёғиб турганида ҳам, ўрмонда ишлаб, кўнгли сал овунади. Туни билан қийналган ўпкаси роҳатланади.

Икки кун эзиб ёққан ёмғир уни сил қилиб юборай деди. Кеча оқшомда, жала авжига чиққан маҳалда Бошлиқ «Зерикиб қолишмасин», деб раҳм қилиб, барчани ташқарига қувиб, югуртирди. Ўшандан бери баракдан чиқишга ҳеч кимнинг тоқати йўқ. Раҳматуллоҳ ўрмондаги аллақандай ёввойи меванинг нўхатдек келадиган данагидан ўзи ясаб олган доналарни ўгириб, тасбеҳ айтади. У Оллоҳга нолалар қилмайди. «Э Танграм, не учун менга бундай азобларни раво кўрдинг, гуноҳим не эди?» деб фиғон чекмайди. Шундайгина ёнида жағини

муштумига тираган холда, кирланиб кетган дарча орқали ташқарига тикилиб юзтубан ётган Мирҳосил бир куни шундай деб зорланганида, Раҳматуллоҳ:

— Асти ундай деманг, биродар, неки кўргулик кўрган бўлсак, ўзимизнинг феълимиздан. Қолаверса, Оллоҳнинг имтиҳони ҳам бир марҳамат, — деган эди.

— Мен-ку, Худони унутаёзган бир банда эдим, менга бир оғир синовни раво кўрибдими, тақдиримга тан берай. Аммо сиздай тақво эгасини бунчалар хор қилмаса? — деган эди

Мирҳосил. — Астағфируллоҳ! Кимни қандай синашни ўргатмоқ ожиз бандаларнинг юмуши эмас. Кимни иймонга қайтарми ё йўқми, деб синаса, кимни иймони нақадар собит эканини аниқламоқдир, валлоҳи аълам...

«Йаъ Ибадии! Иза ибталайту ʼабдан мин ʼибадии муъминан фаҳамидани ва сабара алайя ма ибталайтуху фаиннаху йақуму мин маджаъихи залика кайавма валадатху минал хатайаа».(Мазмуни будир: “Эй бандаларим! Мен бандаларим ичидан бир мўмин кишини бирон мусибат етказиб) имтиҳон қилсам, у менга ҳамд айтиб, менинг имтиҳонимга сабр қилса, у ўша жойдан турганида хатодан (гуноҳлардан) онаси тукқан кишидек пок бўлиб туради”. Хадиси Қудсийдан)

Табиатан жиззакироқ бўлган Мирҳосил Раҳматуллоҳ билан бу хусусда яна бир неча карра баҳс юритди. Мирҳосилнинг гаплари баъзан шаккоклик сари етакласа ҳам Раҳматуллоҳ унга ҳақиқатни сабр билан уқтирмакчи бўлаверди. Устози шайх Исмоил унга шундай таълим берган: «Иймондан қайтганларга ёки кофирларга дуч келсанг, сабрли бўл, Ҳақ-таолонинг йўлини сабр билан тушунтир. Шояд, бугун бўлмаса эртага Оллоҳ улар қалбидаги қулфни очса...»

Оллоҳнинг зикри билан банд бўлиб ўтирган Раҳматуллоҳ хаёлини Мирҳосилнинг овози бузди:

«Мен энди худди бир сомон парчаси...

Локин зўр денгизнинг чексиз қўйнида,

Жимгина борадир кирсиз қўйнимда,

Эркин кўпакларнинг аллақанчаси...»

Раҳматуллоҳ тасбеҳ доналаридан кўзини олиб Мирҳосилга қаради. Унинг қимир этмай ётганини кўриб «ўзича гапиряпти», деб ўйлади-да, яна тасбеҳ доналарига тикилди. Шу онда Мирҳосил яна тилга кирди:

Қипғизил қон бўлиб

Кунлар ботадир...

Ёмон ҳидга тўлиб

Тонглар отадир...

Оғир кунлар тушди менинг бошимга...

Мирҳосил қаддини кўтариб, чордона куриб ўтирди-да, айбдор одамдай бошини эгди.

— Шеър туғилиб қолдими, шоир биродар? — деди Раҳматуллоҳ ҳилмлик ила.

— Устознинг шеърларини эсладим. Ҳозир қайда эканлар, қайси сассиқ баракда ётибди эканлар?

«Эркин бошқалардир, қамалган менман...»

Ҳайвон қаторида саналган менман...»

— Шундай одамга жабр қилишди-я! — Мирҳосил алам билан бош чайқади.

— Ўз ҳамкасблари қўлларига кишан уриб беришди-я! Таксир, эрта индин-устоз қамокдан чиқиб келсалар, уларнинг виждонлари азоб чекмасмикин?

— Виждонлари дейсизми? — Раҳматуллоҳ ажабланди.

— Мунофиқда виждон бўлади, деб сизга ким айтди?

— Улар дўзахимилар?

— Бун қиёматда ёлғиз Оллоҳнинг ўзигина белгилайди. Биз ожиз бандалармиз. Ким дўзахга, ким жаннатга ноил бўлмоғи бизга қоронғи.

— Шунақа дейсиз-у, кўриниб турган аниқ нарсани тан олгингиз келмайди. Одам гўштини ейиш ҳаромми? Ҳаром! Ҳаром еганлар дўзахга тушадими?

Тушади. Тухмат, ғийбат одам гўшти ейиш билан баробарми? Баробар... Дўзахдан бошқа ерга тушмайди у малъунлар. Аммо мен ҳам уларнинг кетидан дўзахга тушишни истардим. Уларнинг куйибб, жизғанақ бўлиб, азоблар чекишларини кўриш учун ҳам дўзахда бўлишни истардим.

— Астағфируллоҳ! — Раҳматуллоҳ шундай деб тасбеҳ ўгирганича пичирлади: «Ва ма-а алламноҳу-ш-шеърра ва ма-а йанбағйи лаҳу...» (Маъноси: Биз унга муҳаммадга шеър ўргатмадик ва шоирлик унинг учун дуруст эмасдир...Ёсин сураси, 69-оят)

Раҳматуллоҳ шоирларнинг феъл-атворини билмагани учун шу пайтгача бу оятнинг моҳиятини дуруст англамас эди. Тўғри, устози бу хусусда ҳам таълим берган. Раҳматуллоҳ у зотнинг айтганларини яхши эслайди. Ҳозир ҳам тасбеҳ ўгира туриб, ёдга олди: «Муҳаммад алайҳиссалом модомики, Оллоҳ-таоло томонидан юборилган пайғамбар эканлар, демак, фақат ва фақат рост сўзламоқликлари шартдир. Назм эса ўз эҳтироси, муболағаси билан ростгўйликни кўтара олмайду. «Шеърнинг энг ширини ёлғонидир», деб шоирларнинг ўзлари ҳам эътироф этурларким, ўз умматларига бир умр амал қилинадурғон дин арконларини ўргатувчи, хусусан, ғайб олами, охираат диёри ҳақида хабар берадурғон пайғамбарнинг шоир бўлиши чиндан ҳам дуруст эмасдур...»

Раҳматуллоҳ Мирҳосилга кўз қири билан боқади. «Бу банданинг кўкрагида олов бор. Ёндиради, куйдиради... Буки юрт қайғусида бунчалар ёнса, устози қанчалар ёнар экан?» деб ўйлайди.

Мирҳосил гаплари Раҳматуллоҳга ёқмаганини фаҳмлади. Кўз қири ташлаб қўйганини ҳам сизди. «Тақсирга маъкул гап айтиш мушкул. Уни айтсанг, макруҳ дейди, буни айтсанг, шайтон васвасаси, дейди. Пичирлаб дуо ўқийверар, ўқийверар... Дуруст, Оллоҳни зикр этмоқ — муслим учун фарз. Аммо жиҳод деган тушунча ҳам бор-ку?! Нечун эсламайди буни?» деб хаёлдан кечиради. Тунов куни Комиссар шундай деганида Раҳматуллоҳ унга каттиқ тикилди-ю, индамади. Сўнг холи қолиб, Мирҳосил буни такрорлаганда, «Жиҳодга қандай

кўтариласиз? Чор-атроф ғайри дин бўлса, фаросат эгалари оз, каллакесар-муттаҳамлар кўп бўлса, яна мунофиқлар...» деди.

Мирҳосил сезиб юрибди: Раҳматуллоҳ Комиссарни ёқтирмайди. Шундан бўлса керак, унинг таклифларига беписанд қарайди. Қочишдан кўрқадими ё Комиссарга ишонмайдими? Баракда уни ҳеч ким исми билан чақирмайди. Ҳамма «Комиссар» дейди. Мирҳосил унинг чиндан комиссар бўлган-бўлмаганини билмайди. Аммо катта папка қўлтиқлаб извошларда, сўнг автомобилда керилиб ўтирганини кўрган. Бу таксир-ку, маълум — большевикларни ҳазм қила олмайди. Қизил командир-чи? У нимага ишонмаяпти? Раҳматуллоҳнинг ўнг томонида ғужанак бўлиб ётган сочу қошлари сап-сарик бу одамни «Қизил командир» дейишлари нотаниш кишига ғалати, ҳатто кесатик каби туюлади. Аслида эса у чиндан ҳам қизил командир бўлган. Фрунзе тақдим этган қиличини ўйнатиб, хўп давр сурган. Ҳақиқат деб қилич чопганида, раҳмат эшитарди, ҳақиқат гапни айтиб қўйиб, ўзини бу ерда кўрди. Кеча ёмғир остида маҳбуслар югуртирилганда яна бир ҳақ гап айтди, ўзи каби қилич чопган, ўзи каби қизил командир бўлган, бироқ, тилини тия олгани учун маҳбус кийимини киймаган собиқ қуролдоши биргина мушт билан кўзи атрофини кўкартди. Бу кўк кетар, аммо қоринга тушган тепкилар асорати кетмас кўринади. Кечадан бери оғриқ кучайса кучайдики, камаймади. Оғриқ забтига олганида беихтиёр инграб кўяди.

Ҳозир ҳам ингради. Раҳматуллоҳ тасбеҳ донасидан кўзини олиб, Қизил командирга қаради. Кафтини унинг пешонасига қўйди.

— Иситмаси борми? — деб сўради Мирҳосил.

Раҳматуллоҳ «Ҳа», деб бош ирғади. Қизил командир кўзларини очиб, қаддини сал кўтарди.

— Комиссар қани? — деди заиф овозда.

— Чақириб кетишди, — деди Мирҳосил.

— Унинг таклифини ўйладим, — деди Қизил командир.

— Тўғри айтади: қочиш керак. Қутулиб кетолмасмиз балки, аммо ўлганда ҳам исён қилиб ўлиш керак. Бундай яшаш мумкин эмас. Бошқаларга сабоқ бўлсин. Таксир, бошқа йўл йўқ.

Кечаги кунга қадар қочиш ҳақида сўз кетса, Қизил командир қатъий рад этаётган эди. «Биз англашилмовчилик туфайли бу ерларга келиб қолдик. Ўртоқ Сталин бу номаъқулчиликларни шундайлигича қўйиб қўймайди. Мен доҳийга хат ёздим. Ҳадемай уйимизга кетамиз», деб ишонтирмоқчи бўларди. (Мактублари Бошлиқ хонасида умрини яшаб бўлганини у нодон банда қайдан билсин?) Кеча ёмғирда бўкиб, майдоннинг аталасини чиқариб югуришганидан сўнг Бошлиқ хонасига ҳақиқат излаб кирди. Киришда дадил эди, дам ўтмай чап кўзи хиралашган, тепки азобидан букчайган ҳолда чикди. Ҳозир ухлаб ётгандир, деб ўйлашган эди. Йўқ, уйғоқ экан. Уйқусиз тун уни доҳийдан марҳамат кутиш бефойда эканига ишонтирибди. Дилида исён руҳини уйғотибди. Кимга, нимага қарши исён қилади? Нимага эришади? Бир марта исён қилиб-ку, кўрадиганини кўриб ётибди.

— Таксир, гапирсангиз-чи... — деди Қизил командир.

Раҳматуллоҳ тасбеҳ доналаридан кўзларини олмаган ҳолда:

— Мен сизга тўғри йўл кўрсатишга ожизман. Тўғри йўлни Яратганнинг ўзи кўрсатади. Бу ердан-ку қочиб қутуларсиз, кейин-чи? — деди. Сўнг пичирлаб қўшиб қўйди:

—Иннаа лилаҳи ва иннаа илайҳи рожибун...

— Сиз... ўзингиз биласиз... хоҳласангиз, ўтираверинг. Қизил командир шундай деб Мирҳосилга қаради:

— Булар ҳеч қачон биз билан бирга бўлишмаган.

— Командир, — деди Мирҳосил кескин оҳангда,— ўйлаброқ гапиринг.

— Ранжиманг, биродар, бу киши тўғри гапни айтдилар, — деди Раҳматуллоҳ хотиржамлик билан. — Биз фақат Оллоҳдан юз ўғирмаганлар билан бирга бўламиз.

— Ҳа... бирга бўласиз... — Қизил командир шундай деб ингради. Бу инграш тан оғриғи азобиданми эди ёинки руҳ азобиданми эди, ҳамсухбатлар фарқлай олишмади. Бир-икки нафас ўтмай, Қизил командир яна тилга кирди: — Оллоҳ «сабр қилгин», деган — сабр қилдик. Оллоҳ «бойликка берилма, кибрга берилма», деди. Аммо бойлар кулоқ солмадилар. Сабрлилар азобда юраверди. Оллоҳга бўйинсунмаганлар роҳатда яйрайверди. Шуми ҳақиқат? «Оллоҳ», «Оллоҳ» дейсиз... Оллоҳингиз сиздан юз ўгирган, шунга ақлингиз етмаяптими?

Раҳматуллоҳ пичирлаб истиғфор айтди, аммо Қизил командирга жавоб қайтармади, баҳсга киришмади. Мана шу одати маҳбус биродарларининг юрагини ёриб юборай дерди. Қизил командир ҳам, Комиссар ҳам, баъзан Мирҳосил ҳам уни баҳсга тортишга уриниб кўрарди. Бироқ, Раҳматуллоҳ улар бошламоқчи бўлган йўлга яқинлашмас эди. Бир куни Комиссар: «Сиз нима учун баҳсдан қочасиз, бизнинг ҳақиқатимиз олдида сиз ожизсиз», деганида унинг хаёлига дастлаб «Йа ибни Адама! Ила кам тажолису-солиҳийна ва ла тақуну минҳум фаиза жаластаҳум ва лам тақун минҳум фамато туфлиҳу?» деган калима келди. Аммо бу муборак сўзларга Комиссарнинг фаҳми етмаслигини эслаб, фикрини лўнда баён қила қолган эди: «Сизнинг қалбингизга шайтон ин қуриб жойлашиб олган. Сиз аввал қалбингизни покланг, сўнг ҳақиқат хусусида мен билан сўзлашинг».

Комиссар кириб жойига чўзилди. У ҳар сафар навбатдаги «сўроқ»дан қайтгач, шундай қилади. Айниқса, хўжайин ароқ билан сийлаган дамда, ҳидидан пайқаб қолишмасин, деб бошини ҳам чойшабга ўраб олади. Раҳматуллоҳ буни фаҳмлаган, унинг қадам олиши бежо эканини сезган. Шу боис унинг гаплари, таклифларини эътиборсиз қолдирарди. Комиссар бошини чойшабга ўраб олган бўлса-да, Раҳматуллоҳнинг ўтқир нигоҳини ҳис қилди. У шарт чойшабни юлқиб, қаддини кўтарди — янглишмаган эди, Раҳматуллоҳ унга қаттиқ тикилиб турарди.

— Нимага менга бундай қарайсиз? — деди Комиссар титроқ овозда. — Гапиринг, мақсадингизни яширманг, айтинг!

Раҳматуллоҳ ундан нигоҳини олиб қочмади. Комиссар бундан баттар талвасага тушди.

— Қараманг менга, — деди бу сафар ялиниш оҳангида.

Соқчи кириб, Раҳматуллоҳни чақирмаганида охири нима бўлишини айтиш мушкул эди. Ҳар ҳолда Комиссарнинг бу нигоҳга чидай олмасдан талваса оловида қоврилиб, оқибат портлаши ҳақиқатга яқин эди.

Раҳматуллоҳ ўрнидан тураётиб, Мирҳосилга бир қараб олди. Мирҳосил бу қарашнинг маъносини тўғри англаб, унга эргашди. Эшикка яқинлашганида Раҳматуллоҳ Мирҳосилга қарамаган ҳолда, худди ўзига-ўзи гапираётгандай деди:

— Сиз эсли одамсиз, эҳтиёт бўлинг. Бошқа гап айтмади. Ранда кўрмаган қалин тахталардан ишланган беўхшов⁴⁶ эшикни очиб, ташқарига чиқди.

3

Айғоқчи чиқиб кетиши билан Бошлиқ унинг изидан тупурди. Гарчи Комиссар холис хизмат қилаётган бўлса-да, Бошлиқ ундан нафратланар эди. «Сотилиши бу қадар осон бўлган одам қандай комиссарлик қилган, одамларни нималарга даъват этган, бунга эргашганлар қандай аҳмоқлар экан?» деб ўйлар эди. Ҳозир ҳам шу ўй хаёлига келиб, ғижиниб тупурди. Сўнг лабига папирос қистириб, қўлларини шимининг чўнтагига солган ҳолда, ғоз келбатида⁴⁶ у ён-бу ён юрди.

Худди шу онда минорадаги соқчилар ўқ ўтмас буғуни кўриб қолиб, палапартиш ўққа тута бошладилар. Бошлиқ «Ўқ ўтмас буғу яна пайдо бўляпти», деган хабар билан кирган ёрдамчисига қаттиқ тикилди. Ёрдамчи бу қарашга дош беролмай, буғуни ўзи атайин бошлаб келиб⁴⁸ гуноҳга ботган одамдай, бошини эгди.

— Тўққизинчи баракдаги муллани чақир. Туннелдан келсин. Ёрдамчи «Хато эшитмадимми?» деган хаёлда бошлиғига савол назари билан қараб олди. Бошлиқ буни сезиб, кескин таъкидлади:

— Ҳа, туннелдан!

«Туннел» деганлари симтўр билан ўралган итхонанинг ўртасидан кесиб ўтувчи дахлизмонанд йўл. Ҳамиша ярим оч ҳолда сақланувчи, «бос!» дейилса, ҳар қандай тирик жонни Қажиб ташлашга тайёр итлар орасидан ўтиб келишнинг ўзи бўлмайди. Бу ҳам Бошлиқнинг ихтироларидан бири. Жазога лойиқ маҳбуслар бошларига шундай кўргулик тушишидан кўрқишади. Бошлиқ эса «Халқ душманларидан ҳатто итлар ҳам ҳазар қиладилар», деб уларнинг таланишларини ҳузур билан кузатади. Ёрдамчи мўъминғобил ҳолда юрувчи муллани билар эди, шу боис ҳам «У қандай гуноҳ қилибди?» деган ўйда бошлиғига савол назари билан қараган эди.

Раҳматуллоҳ Бошлиқнинг хонасига тўғри йўлдан эмас, орқа томондан боришларини билиб, туннелдан ўтишга ҳукм бўлганини фаҳмлади. Симтўр эшик очилмай туриб Яратганга муножот этиб, бу азоблардан қутқаришни сўраб эди, шу дақиқада қамокхона девори ортидаги ўрмонзорда буғунинг узун ўкириқ овози эшитилди. Муножот билан банд бўлган Раҳматуллоҳ аввалига бу зорли овозга унчалик эътибор бермади. Иккинчи ўкириқ янада баланд овозда, бутун ўрмонзорни, ўрмонзорнинг покиза бағрига канадек ёпишиб турган қамокхонани ларзага солгандек бўлди. Раҳматуллоҳ бир зум тўхтади. Унинг қулоғи остида буғунинг оддий ўкириғи эмас, «Оллоҳу акбар!» деган соф, жарангли овоз янраган эди. Бундай овозни у Каъбатуллоҳда эшитар эди. Улғайиб, Туркистонга қайтганидан кейин неча минг марта азон овозини эшитди, аммо Каъбатуллоҳдаги муаззин овозига ўхшаганини учратмади⁶¹. Болаликда қулоғига қуйилиб қолгани учунми, бу соф, жарангдор овоз, бу оҳанг Раҳматуллоҳ учун кадрли эди. Нима учун буғунинг ўкириғи унга «Оллоҳу акбар!» бўлиб эшитилди

— ўзи ҳам англамади. Аввалига, менга шундай туюлди, деб ўйлади, бироқ, бу ҳолат яна уч карра такрорлангач, калимаи тоййибани айтиб, беихтиёр осмонга қаради. Юзларини совуқ томчилар савалади. Минорадаги соқчилар ўрмонга қараб палапартиш ўқ отавердилар. Соқчи елкасига аста туртиб, уни туннелга йўллади. Раҳматуллоҳ «Бисмиллоҳ», деб остона ҳатлаб, калимаи шаҳодатни айтди-ю, сўнг «Оятал курсий»ни ўқиб, ўзи томон югуриб келаётган итларга тикилди. Орадаги масофа уч қадам қолганида «Шу қоқсуяк бандани

эрмак қиламиз» деб вовуллаб югуриб келаётган итлар бирдан думларини қисиб, тўхтаб қолдилар. Сўнг орқаларига қайтиб, ин-инларига кириб кетдилар. Раҳматуллоҳ туннелдан ўтиб олгач, худди бўри каби бўйинларини чўзиб бир неча марта улидилар.

Бу манзарани кўрган соқчининг эси чиқиб кетаёзди. Дераза оша қараб турган Бошлиқ ҳам саросимага тушди. Саросима тўридан чиқишга улгурмай, эшик очилиб, остонада Раҳматуллоҳ кўринди.

Бошлиқнинг Раҳматуллоҳ билан гаплашиш истаги йўқ эди. Аниқроқ айтилса, унинг бус-бутун ҳолда, бирон ери ҳатто тирналмаган тарзда кириб келиши мумкинлигини мутлақо кутмаган эди. На илож қилсинки, эти устихонига ёпишган, қорачадан келган, ботик кўзларида қатъият зухур бўлган бу маҳбус рўпарасида турибди. Бир неча дақиқа муқаддам шу ерда турган айғоқчи каби кўзлари жавдирамайди, қадди эгилмайди. Бошлиқ унинг қорамағиз юзига қараб ажабланди: айғоқчи ҳам, ёрдамчиси ҳам оқ-сарикдан келган бўлса-да, юзи тунд кўринади. Бу маҳбуснинг қорамтир юзи эса ёришиб турганга ўхшайди. Бошлиқ бу муаммога жавоб топишга ҳаракат қилмайди. У маҳбусни чақиртирди. Маҳбус рўпарасида турибди. Энди нимадир дейиши керак.

— Сен нима учун аксилинқилобий ташвиқот билан шуғулланяпсан? — деди тўнг охангда. Бошлиқ бу саволни жазоламоқчи бўлган маҳбусига қараб, одатда бақириб айтарди. Тўққизинчи баракдан чақиртирилган бу муллага нима учундир бақиролмади. Бунга дастлаб ўзи ҳам ажабланди. Сўнг ўзидан ўзи нафратланди. Мулланинг саволга дарров жавоб бермай, киприк қоқмаган ҳолда туриши унинг Ғазабини янада оширди:

— Айт, нима учун аксилинқилобий ташвиқот юргазяпсан?

Бу сафар одатини қанда қилмади — овози баралла чиқиб, ҳовури бир оз кўтарилди. Бу сафар ҳам саволи жавобсиз қолгач, уришга шайланди-ю, аммо беихтиёр равишда ўзини тийди.

— Гапга тушунасанми ўзинг?

Раҳматуллоҳ унинг тилида сўзлашишни билмас эди. Фақат айрим буйруқларнинг маъносинигина тушунар, соқчилар, ишдаги назоратчилар пўписа қилиб қолса, Мирҳосил ўргатган икки сўзни ишлатиб, уларнинг дағдағасидан қутуларди. Ҳозир ҳам бисотидаги ўша сўзларни ишлатди:

— Нет понимаш.

Бошлиқ «Тфу!» деб сўқинди. Чиндан ҳам, ўзи бу маҳбуснинг тилини билмаса, бу маҳбус эса унинг гапларига тушунмаса, нима десин? У муллага нафрат кўзини бир оз кадаб турди-да, кимир этмаган ҳолда бақириб, ёрдамчисини чақирди:

— Бу маразнинг тилини биладиганлардан биттасини бошлаб кел!

Бунинг тилини ким билиши ёрдамчи учун қоронғи эди. Аниқроқ айтилса, ҳозиргина ҳаммани ҳайратга солиб туннелдан ўтиб келган бу одамнинг миллатини билмас эди. Қамокда осиеликлар кўп, аммо, уларнинг миллати ҳар хил бўлса... Бошлиқ ёрдамчисининг талмовсираб турганини кўриб, Ғазабини унга сочди:

— Буйруққа тушунмадингми, галварс?!

— Тушундим, лекин...

— Нима, «Лекин»?

— Қайси тилда гаплашар экан?

— Бориб, баракдаги ҳамтовокларидан сўрайсан. Шунга ҳам калланг ишламайдими?

Орадан кўп вақт ўтмай, хона эшиги очилиб, Ёрдамчи буйруқ бажарилганини маълум қилди. Унга на Бошлиқдан, на Раҳматуллоҳдан садо чиқди. Бошлиқ нигоҳи ўткир бу муллани нима деб қийинғистовга олишни ўйларди. Мана шу қисқа фурсат ичида у ниҳоятда оғир вазифага тайин этилганини яна бир бор ҳис этди. Фукаро урушида минг чандон дуруст эди. Бунақаларга нима десам экан, деб бош қотириб ўтирмасди. Қиличини яланғочлаб бир силтар эди, тамом.

Раҳматуллоҳ Бошлиқнинг дўппослаб қолиш одати борлигини эшитган, шу сабабли ундан кўз узмай турарди. «Йа бани Адама! Инни ҳаррамту-з-зулма ала нафсии ва жаалтуху байнакум муҳарраман фала тазааламуу»... Бу ҳам одам фарзанди-ку, зулмга бунча ошна бўлмаса, — деб ўйлар эди у.

Хонага кириб келган Комиссар унинг хаёлини тўзитиб юборди. Хона ўртасида Бошлиқ билан юзма-юз турган Раҳматуллоҳни кўриб, Комиссар кўрқиб кетди. У тилмочлик қилажагидан беҳабар эди, шу боис «Бу мулла менинг ҳақимда ёмон гап айтдимми?» деган ўй баданига совуқ титроқ тарқатди. Комиссарнинг хиёнатга мойил эканини гумон қилиб юрган Раҳматуллоҳ ҳам «Бу бирон нимани чаккан экан-да», деб ўйлади. Уларнинг гумонли ўйларига Бошлиқнинг Ғазабли овози барҳам берди:

— Бунинг тилини биласанми?

— Биламан... — Комиссар Бошлиққа нажот назари билан боқди-да, пастроқ овозда қўшиб қўйди: — биттасини биламан.

— «Биттаси» деганинг нимаси?

— Бу кўп тилларни билади.

— Менга биттаси ҳам етади. Таржима қил: нима учун лагерда аксилинқилобий ташвиқот юргизяпти?

Комиссар таржима қилди. Раҳматуллоҳ саволни тушунмай, Бошлиққа қаради:

— Аксилинқилобий ташвиқот нима?

Бошлиқ яна ён томонга тупуриб, сўкинди:

— Худога сиғинасанми?

— Ҳа, мен ёлғиз Оллоҳга сиғинаман.

— Дарахт кесгани чиққанингда беркиниб ибодат қиласанми?

Бу саволдан сўнг Раҳматуллоҳ Комиссарга тикилди. Комиссар кўзини олиб қочди.

Қамоқхонада ким бўлсин — мусулмонми, насронийми, яҳудийми — фарқи йўқ, ибодат қилиш қатъиян ман этилган эди. Раҳматуллоҳ ичкарида эканида имо-ишора билан бўлса-да, намозини ўқир, дарахт кесишга чиққанида эса буталар орасига яшириниб ибодат қилар, бундай дамларда ўзини сувга қайтиб тушган балиқдек роҳатда ҳис этар эди. Соқчилар кўришса ҳам индашмас, Раҳматуллоҳ шунинг учун ҳам Яратганга шукрлар қилар эди. Унинг намоз ўқишини соқчилар Бошлиққа чақишмайди. Раҳматуллоҳнинг Комиссарга қараб қўйиши шу важҳдан бўлди.

— Мен фақатгина омонатини Ўзига топширганимдан кейингина ибодатни қўяман, — деди Раҳматуллоҳ қатъий оҳангда.

— Омонати нима экан? — деб ажабланди Бошлиқ.

— Жонини айтяпти, — деди Комиссар, ўлгунича ўқийвераман, демоқчи.

Бошлиқ бу ўжар одамни фақатгина уриб хумордан чиқиш мумкин деган хулосага келди. «Булар билан мушт тилида гаплашиш керак. Тилмоч ҳам лозим эмас». У шундай фикрда қўл кўтарди. Раҳматуллоҳ унинг урушга чоғланганини кўрса-да, қилт этмади. Бошлиқ урмоққа ҳезланди-ю, аммо кутилмаганда қўлини орқага силтади. Бундан Комиссаргина эмас, ўзи ҳам ҳайратланди. Олдинга ўқдек учиши лозим бўлган муштни қандайдир куч орқага силтаб ташлаган эди.

— Бугунча урмайман, — деди Бошлиқ ҳайратини ошкор қилмасликка тиришиб. — Узр сўрамоқчига ўхшади, айт, тиз чўксин, узрини қабул қиламан.

Раҳматуллоҳ Комиссарнинг тилидан бу гапни эшитиб, кулимсиради.

— Нимага ишшайяпсан?

— Мен банда олдида тиз чўкмайман. Мен фақат Оллоҳнинг кулиман, бандага тавба қилмайман.

Бу гапдан Бошлиқнинг Ғазаб дарёси тўлиб тошди. Яна урмоқчи бўлди, бироқ яна ҳалиги ҳолат такрорланмасин деган хавотирда ўзини тутди.

— Шунақами, кўрамиз, — деди ижирғаниб. Сўнг ёрдамчисини чакириб, буюрди:

— Туннелдан ҳайда буларни!

— Менинг нима гуноҳим бор? — деди Комиссар қўрқув билан.

— Ҳамманг бир гўрсанлар.

— Тил учида бўлса ҳам тавба қилиб қўя қолинг, булар билан ўчакишманг,— деди Комиссар Раҳматуллоҳга ялиниб.

— Мен мунофиқлик қила олмайман, биродар.

— Ахир, оч итларга талатмоқчи.

— Ўзингиз тиз чўкаверинг.

Раҳматуллоҳ шундай деб Ёрдамчининг «Чик!» деган ишорасига итоат этди. Комиссар йиғламаса ҳам йиғлагудек бўлиб унга эргашди.

Бу сафар манзара ўзгача бўлди — итлар думларини қисиб инларига кириб кетмадилар, аксинча, Раҳматуллоҳ билан Комиссар атрофида жон-жаҳдлари билан вовуллайвердилар.

Бошлиқ бу манзарани ҳам ҳайрат, ҳам Ғазаб билан кузатди. Муштумини қаттиқ қисди — ҳатто бармоқлари қисирлаб кетди.

— Мен ит эмасман, мендан қочиб қутулиб бўпсан!— У ўзича шундай деди-да ёрдамчисини чақирди:

— Икки соатдан сўнг Комиссарга айт: операция эртага тонгга белгиланади. Тайинла: тош ёғса ҳам қолдирилмайди. «Айик»қа айтиб қўй: бугун уларни бир эрмак қилсин.

«Айик» қамоқхонанинг азроили ҳисобланади. У кимнидир эрмак қилдими — демак, у бечоранинг умр шоми яқинлашибди. Бошлиқ тўққизинчи баракдагиларни бекорга «Айик»қа топширмади. Эртанги «ов» олдидан уларнинг силласини қуришиб, ўзининг юмушини пичаб осонлаштирмоқчи эди. Ёрдамчи буни тушуниб, илжайиб қўйди.

«Туннел»дан ўтиб олишганидан сўнг Комиссар Раҳматуллоҳнинг чап елкасидан аста ушлаб, уни ўзига қаратди:

— У бадбахт билан ёмон ўчакишдингиз. Энди тинч қўймайди. Қочмасангиз, ўлдим, деяверинг.

Раҳматуллоҳ тўхтаб, атрофга кулоқ тутди: буғунинг зорли ўкириғи ҳам, кулоғи остида жаранглаётган «Оллоҳу акбар!» деган овоз ҳам тинган, ҳаммаёқ бирданига осудалик бағрига сингган эди. Раҳматуллоҳ Комиссарга қаради — унинг қўрқувданми ё изғиринданми, ранги оқарган, лаблари билинар-билинемас титрар эди.

— Яна ўша гапми? — деб елкасидан Комиссарнинг қўлини олди. — Сизга бир ҳикмат айтайинми? Сиз Қул Хожа Аҳмад исмли зоти бобарокатни биларсиз? У киши бола чоқларида мактабдаги устозлари илм толибларига бир юмуш буюрибдилар. Айтибдиларки, «Болалар, сизлар эртага биттадан хўроз сўйиб олиб келасизлар. Аммо хўрозни Оллоҳнинг назари тушмайдиган жойда сўйингизлар». Эртасига болалар устозлари вазифасини бажариб келибдилар. Бирови кўприк остида, бирови эса ошхонадами сўйибди-да, Қул Хожа Аҳмад эса хўрозни тиригича кўтариб келибдилар. Устозларининг «Сиз нима учун сўйиб келмадингиз?» деган саволларига у зоти бобарокат: «Мен Оллоҳнинг назари тушмайдиган жойни топа олмадим», деган эканлар. Комиссар, сиз бу ҳикмат ёнғоғини бир чақиб кўринг, маъқулми?

Комиссар Раҳматуллоҳдан кўзларини олиб қоч-ди. Ўша қўланса ҳидли баракка олдинма -кейин кириб боришди. Қизил командир ҳамон инграб ётар, Мирҳосил эса чордона қуриб олган, тирсагини тиззасига, муштумини эса иягига тираганича ўйга ботиб ўтирар эди. Раҳматуллоҳни кўриб, чаққонлик билан ўрнидан турди-да, унга пешвоз чиқиб, узоқ сафардан қайтган одамни қаршилагандай, қучоқлаб олди.

— Бу чақирувнинг боиси нима экан, деб кўнглим бир алағда бўлди, тинчликми экан?

— Кўриб турганингиздек, — деди Раҳматуллоҳ уни кучоғидан бўшатиб.

— Сўрайдирган сўроқлари бор экан. Уларнинг юмуши, шу-да. Комиссар акангиз тилмочлик қилиб бердилар.

— Хайрият, зиён етказмабди, — деди Мирҳосил унинг елкаларини меҳр билан силаб. «Зиён етказмабди, деб Бошлиқни назарда тутяпти, деб ўйлади Раҳматуллоҳ. — Оллоҳнинг ўзи асраганини бу билмайди. Комиссар-чи. Унинг фаҳми етдимикан бунга?» Раҳматуллоҳ шу хаёлда орқасига ўтирилди. Комиссар ҳеч нарса англамагандай, кўзларини четга олиб, унинг ёнидан ўтди-да, жойига бориб чўзилди.

— Командир қийналяпти, деди Мирҳосил Раҳматуллоҳ жойига бориб ўтиргач. — Бир нима қилсангиз-чи?

— Мен нима қилай? Табиблик қўлимдан келмаса... Мен ҳам Оллоҳнинг сиз каби ожиз бандасиман.

— Ўқисангиз-чи? Эм бўлмасмикин?

— Ўқисамми? — Раҳматуллоҳ бош чайқади. — Бу киши Оллоҳни тан олмасалар, ақидалари бўлак бўлса... Аввал иймонга калима келтирсалар эди...

Қизил командир кўзларини очди.

— Керакмас, — деди у хаста овозда. — Керакмас... Энди фойдаси йўқ. Таксир, Фиръавннинг қисматини эслайсизми? — Қизил командир «ух-х» деб юборди. Сўнг қийналиб ютинди. — Ўлим олдида калима келтирганида, Худо «Бўлди, энди кеч», деган экан.

Раҳматуллоҳ унга ажабланиб қаради.

— Буни сиз кимдан эшитгансиз?

— Эшитмаганман... ўқиганман, У бир оз тин олди. — Мен... мадраса кўрган одамман.

— Астағфируллоҳ! Шундай бўла туриб?

— Ҳа... Николай подшони дуо қилиш, у фалокатнинг номини хутбага қўшиб ўқиш дуруст эмас, деганим учун ҳайдашган. Мени ҳақ сўзим учун кўкрагимдан

итардиларингми мен энди сенлар билан бир динда қололмайман, деб худосиз бўлган одамман. Бу ёғига энди мен эмас, улар гуноҳкордирлар.

— Бу ёғи ёлғиз Оллоҳга маълум.

— Ҳа, маълум. Мен улар билан... — Қизил командир Раҳматуллоҳга қаттиқ тикилди. — Сиз билан ҳам бирга бўлмадим. То тирик эканман, бирга бўлмайман. Аммо... аммо... камбағалнинг қонини сўриб ётган бойларни сизларга ўхшаб дуо қилмадим. Сизлар Оллоҳнинг каломини бир тугунча ноз-неъмат эвазига сотиб кун кўрувчи чайқовчисизлар. Бой елкангизга чопон ташласа «Эй Оллоҳ, мана шу сахий банданга жаннатдан жой ҳозирлаб қўй», деб эртаю кеч дуо қиласизлар. Ҳа... а, Мирҳосил, сиз яна бу зотга «Ўқиб қўйинг», дейсиз. Агар чопон ёпсам, иймон келтирганманми, йўқми, суриштириб ўтирмай ўқиб ташлайверардилар...

— Астафидуллоҳ! — Раҳматуллоҳ азоб исканжасидаги одам билан баҳслашишни ўзига раво кўрмади. Ўзини оқлашни ортиқча деб билди. Гуноҳкор одамгина ўзини оқлашга киришиб кетади. Қизил командир исботсиз, тузсиз гапларни айтди. Бир-икки оғиз гап билан унинг тошга айланган қалбини эрита олармиди?

Мирҳосил Раҳматуллоҳнинг сукут сақлашини ўзича тушунди. Раҳматуллоҳдан арзирли жавоб кутиб безовталанди. Жавобга Қизил командир ҳам илҳақ эди. Ўзи истамаса-да, холи бўлмаса-да, қандайдир куч уни баҳсга даъват этарди. Раҳматуллоҳга захрини сочса, гўё дарди енгиллашадигандай²⁷ эди.

— Жавоб бермайсизми, тақсир?

— Биродар, шу шароитда, шу ҳолатда баҳс жоизмикин?

— Жоиз! — Қизил командир шундай деб тирсагига суяниб, қаддини кўтарди. — Мен ҳақиқатни янада ойдинлаштириб олмоқчиман.

— У ҳолда жавоб шуки...— Раҳматуллоҳ бир оз сукут сақлаб, сўнг давом этди:

— Дейдиларки, «Бургага аччиқ қилиб, кўрпа куйдирма»... Сиз кўрпани эмас, иймонни куйдириб қўйибсиз. Қиёматда далилларингиз, узрларингиз инобатга олинмай қолса-чи, деган ҳадикдаман.

— Уҳ-ҳ... — Қизил командир инграб, бошини қаттиқ ёстикқа қўйди.

— Бас қилинглар,— деди Комиссар ётган ерида.— Бу ер ҳақиқатни ойдинлаштирадиган жой эмас. Бекорга фалсафа сўқмай, жонни омон сақлаш чораларини ўйланглар. Биттагина йўл қолган. Ҳозир биз «туннел»дан ўтиб келдик. Итларнинг қорни тўқроқ экан, тегишмади. Бола-чакамга «Отанг итларга таланиб, ем бўлиб ўлди», деган хабар боришидан иснод қиламан. Ўлсак ҳам, одамга ўхшаб ўлайлик.

У шундай дейишга деди-ю, буларга қўшиб ўзини ҳам отиб ташлашлари мумкинлигини ўйлаб, ичидан қиринди ўтди.

— Одамлар қочишяпти, — деди у сир бой бермасликка ҳаракат қилиб. — Қувиб чиқишди. Аммо бўш қайтишди. Етиб олишса, ё тиригини, ё ўлигини келтиришарди. Бу ерлар овлоқ бўлгани билан йўл бор-ку? — У бир оз жимлик саклади-да, қатъий қилиб қўшиб қўйди: — Ҳа, йўл бор!

Раҳматуллоҳ унинг гапларини эшитгиси келмади. Унинг мўлжалида аср намозининг вақти бўлган эди. Эскириб, титила бошлаган жунчайшабга кафтини уриб қўйиб таяммум қилди-да, девор томонга ўгирилиб, тиз чўкиб ўтирди. У намозни ўқиб бўлгунига қадар суҳбат узилди. Қизил командир бир-икки ингради. Комиссар қўлини бошига болиш қилиб, шипга тикилганича жим ётди. Мирҳосил яна чордона қуриб, қаддини букиброқ ўтириб олди. Раҳматуллоҳ намозни ўқиб бўлгач, ёнбошлади.

Аҳли муслим орасида эсини таниган бу одамнинг Оллоҳни унутган бандалар билан бирга сассиқ баракда ётиши инсон боласи учун оғир синов эди. Яратганнинг ҳузурига қайтиш куни яқинлашаётганини унинг кўнгли сезиб турарди. Вужудини аллақандай ғашлик тобора маҳв этарди. Унинг танаси бу овлоқдаги қамоқхонада, юраги эса кўкрак қафасида тутқун. Фақат хаёли озодликда. Руҳи ҳам эркиндай гўё, аммо тутқун вужудни, кўкрак қафасида қон қақшаётган нотинч юракни ташлаб узоққа кета олмайди. Яхши ҳамки

туткунликни билмас хаёл бор. Парвардигорнинг зикридан бўшади дегунча, хаёл унга аввал ҳузур бахш этади, кейинроқ эса исканжага олиб қийнайди.

Ҳозиргидай ёнбошлаган чоғида майлини хаёл ихтиёрига беради. Хаёл уни бир зумда киндик қони тўкилган Маккаи мукаррамага элтади. Паришон ўтирган завжасини кўради. Раҳматуллоҳ ота юртини қоралаб сафарга чиққанида у юкли эди. Яратганнинг иродаси билан эсон-омон кўзи ёриб олгандир, ҳозир фарзанди аржуманди югургилаб ўйнаб юрадиган ёшга етгандир... Раҳматуллоҳ аввалига уни ҳам бирга олиб кетмоқчи бўлган эди. Онаси ҳам «Хотинингни қолдирма», деб ялинди. Раҳматуллоҳнинг ўзи ўжарлик қилди. «Туғиладиган болам ўзимга ўхшаб мусофир бўлиб туғилмасин», деди. Ана шу гапи учун кейин юз афсус чекди, минг надоматлар қилди. Нодон экан. Унинг боласи ўзининг ота юртида мусофир бўлиб туғилар эканми? Ўжарликни, жаҳлни жиловлай олмади. Ақл ожизлик қилди ўшанда. Раҳматуллоҳ тақдиридан нолимас эди, нолиш гуноҳ эканини биларди. Айни чокда ҳаётидан кўнгли тўлмас эди. Отаси ҳам савдо вайҳадан, ҳам Оллоҳнинг фарзини бажарайин, деб йўлга чиққан, шу ниятда хотинини ҳам ёнига олган эди. Йўл азобими ё Маккаи мукаррамадаги об-ҳаво таъсир этдими — Раҳматуллоҳнинг онаси бетобланиб қолди. Бир томонда бетоблик, бир томонда ой-куни яқинлашаётганидан дарак берувчи юздаги доғларнинг қуюқлашуви ортга қайтиш масаласини муаммо қилиб қўйди. Отаси бу ерда орттирган биродарлари — Маккада муқим туриб қолган ўзбеклар маслаҳати билан хотинини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Раҳматуллоҳ отаси кетгач, бир ойдан сўнг туғилди. Унга Раҳматуллоҳ ибн Иноятуллоҳ Андижоний деб исм беришди. Шу исм билан улғайди, камол топди. Аммо ота дийдорини кўрмади. У шунисидан доғда эди. Онаси Андижон томонлардан келувчи савдогарлардан эрини сўроқлаб, «Эсон омон юрибди» деган жавобни оларди. Бир неча марта юртига отланди, бироқ, турли сабаблар билан бора олмади. Раҳматуллоҳ мадрасани ҳатм қилгач, мударрис уни хуш кўриб, елкасига куёвлик сарпосини ёпди. Ана шундан кейин онанинг кўнгли бир оз таскин топиб, андижонлик савдогарларга қўшилиб юртига бориб келмоқни ихтиёр этди. Раҳматуллоҳ онасини ёлғиз юбора олмас эди. Ҳам бу сабаб бўлиб, ҳам қон ота юртига тортиб, ҳам отани бир кўриш истаги устун келиб — барчаси тақдир

ёзуғида мужассам бўлди-ю, туғилган муқаддас шахрини ўз назарида бир оз муддатга тарк этди. Тарк этиш у ўйлаганича бир оз муддатга эмас, балки (буняна Оллоҳ билади!) умрбодга экан. Ота юртга келди ҳам, отани, ўғай укаларини кўрди ҳам. Бироқ, замон алғов-далғов бўлиб изига қайта олмади. Аҳли мўъминга ваъз айтиб юриб эди. Чустдаги биродариникида меҳмон бўлиб турганида хибсга олишди. Бир неча кун Наманган турмасида ушлашди, сўнг Тошкентга олиб кетишди. Қўрбошилардан биронтасининг хизматини қилмаган бўлса ҳам, «Босмачилар билан қандай алоқангиз бор эди», деб қайтағайта сўрайверишди. Қийин-қистовга олмай шунчаки сўраб-сўраб қўйишларидан англадики, қўрбошиларга алоқаси йўқлиги буларнинг ўзига-да маълум. Фақат ниманингдир илинжида уни сарсон қилишар эди. Ўша «нимадир» кўп ўтмай аниқ бўлди: унга бир неча саҳифа қоғоз беришди. «Эрталабгача муҳлат: Худо йўқ, деб ёзасан. Маккада ҳеч қандай муқаддас тош йўқ, ҳаммаси Муҳаммад деган савдогарнинг уйдирмаси, Қуръон осмондан тушмаган, ўша савдогар тўқиб ёзган, дейсан. Шуларни ёзсанг — озов бўласан. Ёзмасанг — суякларинг қамокда чирийдил...».

Раҳматуллоҳ бу буйруқни эшитиб, ўз кулоқларига ишонмади. Оллоҳнинг шериги бор ёки Исо масих Оллоҳнинг ўғли, деб ёзишни талаб этишса балки бунчалик ҳайратга тушмас эди. Қон-қонига сингиб кетган ҳақиқатни рад этиш, ёзиш у ёқда турсин, хаёлга келтиришнинг ўзиёқ у учун бениҳоя даҳшатли ҳол эди. Улар айтганни қилса балки чиндан ҳам чиқариб юборишар. Яна йигирма йилми, ўттиз йилми яшар. Аммо қиёматда ўзини Оллоҳга ширк келтирганлар, Расулиллоҳга қарши қилич кўтарганлар ёки ўз онасини зино қилганлар қаторида кўрадимиз? Шу фикрнинг ўзиёқ вужудини муз ҳолига келтириб, уни бир неча нафас мурдага айлантириб қўйди. У буйруққа итоат этаими ё йўқми, деб фикрлаб ҳам кўрмади. Чунки шундай фикрнинг ўзиёқ имонини дарз кетказиб қўяр эди.

Буйруққа итоат этмагач, бу даҳрий сўзларни уларнинг ўзлари ёзиб беришди. Имзо чекса бас — озовликка чиқади. У кўзларини чирт юмиб, Оллоҳга муножот этди: «Эй Оллоҳ, шунга имзо чекадиган кўлимни бу имонсизларнинг ўзлари қайириб синдира қолишса, шу хатни ўқиган кўзларимга кум сепиб кўр қилишса яхши бўлмасмиди! Оллоҳ, ҳозир кўзимни очганимда ҳеч нарсани кўрмайин,

қўлларимни шол қилиб қўйгин, ақлимни ҳам олгин...» Ёлборишлари зое кетди. Аммо Яратган унга мадад берди — ақлини олмади, шайтонга қул қилиб қўймади.

Уни ота юртдан янада узоқроқ совуқ ўлкаларга жўнатишди. Киндик қони иссиқ тупроққа тўкилган эди, жони совуқ ўлкада чиқармикин?..

У шайтонга қул бўлмаганидан хурсанд эди. Қийинчиликларга учраганида мана шу қувонч унга далда берарди. Бироқ Оллоҳнинг бу содда бандаси бир нарсани билмас эди: имзо чекмаган куннинг индинига газетда Раҳматуллоҳ Иноятуллоҳ ўғлининг Худодан юз ўгиргани ҳақидаги мақоласи чоп этилди. Орадан ўн беш кун ўтгач, унинг «мутаассиб руҳонийлар» томонидан ўлдирилгани ҳақида кичкина хабар чиқди...

Соқчи барак эшигини очиб, Комиссарни чақирди. Комиссар бу чақирувдан ажабланиб, эринибгина ўрнидан турди. Ҳаммалари «Бугун кўп йўқлаб қолишдимиз?» деган савол назари билан унга қарашди. Комиссар бу қарашларни сезмагандек, индамай эшик томон юрди.

Мирҳосил Раҳматуллоҳга яқинроқ сурилиб, фақат ҳамсуҳбати эшита оладиган паст овозда сўради:

— Ҳали нима учун «Эҳтиёт бўл», деб кетдингиз?

— Ҳеч нимани сезмаяпсизми? — Раҳматуллоҳ шундай деб Комиссарнинг бўш ўрнига қараб қўйди.

— Унга ишонмаяпсизми?

— Иймонсиз бандага ишониш мумкинми?

— Сотади, дейсизми?

— Мақсади менга қоронғу.

— Нимага пичирлашиб қолдиларинг?!

Иккаласи баравар овоз берган одамга қарашди. Улар қамоқхонада «Айиқ» деган лақаб олган, келбати чиндан ҳам айиқни эслатувчи, феъли эса кутурган итникидек бўлган бу бадахлоқ одамни шу томонга келаётганини кўришган, аммо

нарига ўтиб кетар, деб ўйлашган эди. Чунки «Айиқ»нинг шу пайтгача улар билан иши бўлмаган эди.

«Айиқ» уларга заҳарли нигоҳини қадаб турарди:

— Мени иғво қияпсанларми?

Улар жавоб беришга улгуришмади. «Айиқ»нинг узун қўли чўзилиб, Мирҳосилнинг ёқасидан олди. Раҳматуллоҳ ҳай-ҳайлаб тургунича Мирҳосил бир-икки мушт еди. Раҳматуллоҳ «Айиқ»нинг чайир қўлларига ёпишди. Лекин биродарини ажрата олмади. «Айиқ» сўкинди-да, тиззаси билан уни туртиб юборди. Раҳматуллоҳ тисарилиб йиқилди, чеккасини сўри киррасига уриб олиб, бир неча нафас ҳушини йўқотди. Ўзига келганида «Айиқ» вазифасини адо этиб бўлиб, жойига қараб қайтиб борарди. Мирҳосил эса ёрилган лабидан оқаётган қонни артиш билан машғул эди. Комиссар қайтганида Мирҳосилнинг лабидан оқаётган қон тўхтаган, Раҳматуллоҳ ҳам ҳушига келиб, жойида ўтирган эди. «Айиқ» ҳунарини кўрсатаётган дамда Қизил командир тирсагига суяниб қаддини кўтарганича қолди — жойига чўзилишга шошилмади. Уни ҳозир тан азоби эмас, ночорлик азоби қийноққа оларди. Ҳақсизликни кўрганида чидай олмайдиган Қизил командир биродарларига ёрдам бера олмаганидан эзиларди. «Ҳақиқат эгилади, букилади, бироқ синмайди», деб қаттиқ ишонган бу одам, Ер юзида адолат ўрнатиш қасдида кўпга қўшилиб қилич яланғочлаган сурурли бу кимса юрагида титраб турган сўнгги умид иплари шарт узилди. Умидсиз юрак эгаси, гарчи нафас олиб турса-да, мурдадан фарқ қилмай қолган эди.

Комиссар жойига қайтганида манзара шундай эди. Ундан биров «Яна нима учун чақиришибди?» деб сўрамади. У ҳам «Нима гап, тинчликми?» демади. Нотекис тахталардан ишланган каравотда *худди* омонат гапни айтиб изига қайтадиган одамдай оёқларини осилтириб ўтирди.

— Бугундан бўлак қулай вазият бўлмайди, — деди у ўзига ўзи гапиргандай.

— Учинчи минорада ўзимизнинг ҳамшаҳар йигит соқчилик қилади. Унинг отаси бошига ҳам бизнинг қора кунимиз тушган. Буни бошлиқлари билишмайди. «То билиб қолишгунча ёрдам қилай, отам тушган жойда ҳам зора менга ўхшагани топилса», дейди.

Раҳматуллоҳ гапларини эшитгиси келмай, унга орқасини қилиб, ўгирилиб ётди. Қизил командир ҳам бошини ёстикқа қўйди. Мирҳосил баракдан ташқарига чиқиб ёмғир сувида юз-қўлини ювиб қайтганда Комиссар ҳам жойига ётиб олган эди. Уччовининг кўзлари юмук: худди ухлаётгандай, бир текисда нафас олиб ётишарди. Мирҳосил уларнинг ўртасидаги бўш жойга чиқиб чордона қуриб олди. «Уччови — уч олам. Қайси бирига ишонишни билмайсан, — деб ўйлади у.— Домла «Оллоҳ кўрсатган йўлдан чиқма», дейди. Ўзи шунга амал қилади. Мен ҳам Худога қарши бирон ножўя иш қилмадим. Одам ўлдирмадим. Ўғирлик қилмадим, ҳалол яшадим. Болаларни ўқитдим. Ватанни севишни, озодликни кадрлашни ўргатмоқчи бўлдим. Устоз тузумни ҳазм қила олмадилар. Менга ҳам ёкмади бу тузум. Аммо мураса қилдим. Биз-ку, шу тузумга ғаним эканмиз. Шу тузумнинг эгалари нима қилиб юришибди бу ерда? Биздай одамларнинг қанчасини у дунёга жўнатишди. Қанчасини бу ёқларга сургун қилишди. Охир-оқибат бизга ҳамтовоқ бўлишди. Озодликда юришганида биз билан бир дастурхон атрофида ўтиришга ор қилишар эди. Биздан нафратланишарди. Кўргилигимиз бир экан-ку? Энди бирга қочмоқчимизми? Қаёққа қочамиз? Яна ўша бузуқ юртгами? У ерда бизга кимнинг кўзи учиб турибди? Худонинг қарғиши теккан⁷² бу жойлардан қочиб хорижга ўтиб кетишнинг наҳот имкони бўлса?» Мирҳосил бу саволни ўзига-ўзи юз бора берган бўлса, юз бора, минг бора берган бўлса, минг бора жавобсиз қолдирар, жавоб топа олмас эди. Раҳматуллоҳ «Қиёмат куни қачон?» деган саволга жавоб беролмаганидек, Мирҳосил ҳам бу муаммони еча олмас эди. «Таваккал қилмоқдан ўзга чора йўқ!» — шу тўхтамдан нарига ўта олмасди.

Қизил командир кўзларини очиб, чордона қуриб ўтирган Мирҳосилга қараб ётди. «Бу бола фақирга қийин бўлди. Ҳали гўшанга кўрмай туриб бошини не азобларга тутиб берди. Устози-ку, нодон экан. Нима эди?.. — Қизил командир Мирҳосилдан эшитган сатрни эсламоқчи бўлди: — Ҳа.. «Эй, ҳар турли қулликларни сингдирмаган ҳур ўлка, нега сенинг бўғизингни бўғиб турар кўланка?..» Эси бутун бўлса, шунақа деб ёзадими? Бўлганда, шунақа ёшларга жабр бўлди. Шоир-ку, ўзи пиширган ошни ўзи ичибди. Бу болаларда нима гуноҳ эди? Айни гўшангада айшини сурадиган пайтда-я... Мен бу ёшда адолат деб от

суриб юрдим. Адолат фақат шу жамиятда кадр топиши мумкин эди. Булар нима учун ишонишмади? Биз тушунмовчилик қурбони бўлдик. Бузук фикрлилар рўйхатига ноўрин тушдик. Энди бирга қочмоқчимиз. Домланинг мақсади тайин. Бу ердан қутулса, хорижга қочади. Лекин бу ердан кетгиси йўқ. Шуниси ажабланарли. Нима учун қочиб қутулишига ишонмаяпти? Комиссарни оиласи кутиб турибди. Мирҳосилнинг севгилиси бор. Нима эди?.. «Мен суйган суюкли шунчалар гўзал. Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!..» Мени ким кутяпти? Ўлсам ким аза очади?..»

Қизил командирнинг хаёлидаги бу саволга кимдир «Сени ким кутарди, Азроил кутяпти», деб шивирлагандай бўлди. Вужудини муз харсанги босиб ўтгандай, аъзойи бадани сесканди. «Бу ҳам тўғри, — деб тақдирга тан берди у,

— бу ердан қочганим билан узоққа етмайман. Ҳар ҳолда қамокда, сассиқ баракда хунук башаралар орасида ўлгандан кўра, эркинликда ўлганим дуруст-ку? Жоним кечқурун узилса, юлдузларни кўриб қоларман. Кундузи ўлсам, балки қуёшни кўрарман. Осмонни булут босса ҳеч бўлмаса ўша булутни, дарахт шохини, биттагина гиёҳни кўриб қоламан-ку? Балки юзимга биттагина покиза ёмғир томчиси тушар? Сўнгги нафасим чиқаётганда балки табиатнинг ўзи лабимга сув томизар? Оллоҳнинг менга кўрсатган марҳамати балки шу бўлар? Оллоҳ гуноҳларимни кечириб, мени шу мартабага лойиқ кўрар? Домла биз билан қочса яхши бўларди. Ўлсам, жанозамни ўқирди. Уч кунлик чақалоқлигимда қулоғимни азон айтиб очишган экан. Жанозасиз кетсам дуруст бўлмас. Мен ҳалол яшадим. Худо гуноҳларимни кечиради. Мен Худодан эмас, нодон диндорлардан юз ўгирганман. Худодан юз ўгирганлар қанча? Юришибди ҳаммалари давру давронларини суриб. Мен улардай мунофиқ эмасман. Лекин домла мени айнан ўша мунофиқлар қаторида кўради. Унга ҳақиқатни тушунтира олмадим. Тушунтиролсам, инсофга келармиди...»

Хаёлидан шу гаплар ўтган Қизил командир Мирҳосилнинг елкасидан ушлаб, ўзига қаратди:

— Домлага айтинг, ўжарлик қилмасинлар, — деди мулойим овозда.

Мирҳосил унга жавоб беришга улгурмади, гапга Комиссар аралашди:

— Айтманг, зўрламанг.

— Домла менга кераклар, — деди Қизил командир ўжарлик билан.

— Нимага?

— Йўлда ўлгудай бўлсам, жанозамни бу кишидан бошқа ким ўқийди?

— Бунақа бемаъни хаёлга борманг. Сиз командирсиз, ахир! Мен сизни ёлғизлатиб қўймайман. Комиссарлигимни унутганим йўқ. Қанча юрсак, сизни ўзим суяб юраман.

Қизил командир бир оз жим қолди. Комиссар ваъда бергани билан кўнгли тинчимади. Комиссар меҳрибон одам, чиндан ҳам суяб юради. Аммо ўлимга дуч келса, у ҳам ночор... Азроилнинг чангалидан сақлаб қола олмайди.

— Домла, — деди Қизил командир хаёлларидан чекиниб. Раҳматуллоҳ индамади. — Домла, уйғоқсиз, билиб ётибман. Агар сизга малол келмаса, жанозамни ҳозир ўқинг. Иссиқ жон, билиб бўлмайди.

Раҳматуллоҳ жавоб бермади, ҳатто қимирлаб ҳам қўймади. Унга жавоб бериш янги баҳс дарвозасини очиш билан тенг эди. Шу боис сукутни афзал билди.

6

Қизил командирнинг «Жаноза ўқиб қўйинг», дейиши Раҳматуллоҳ кўнглига бир жиҳатдан таскин берди. «Хар ҳолда иймонини бутунлай совуриб юбормаган экан, дилида Оллоҳ бор экан», деб қўйди. Аммо унинг илтимосини ерда қолдиришга мажбур эди. Мўлжалланаётган қочиш Оллоҳ йўлида жиҳод учун бўлса экан, буларга шаҳидлик мартабаси насиб этса экан, олдиндан жанозалари ўқиб қўйилса... «У Фиръавннинг қисматини бўйнига олиб ётибди, — деб ўйлади Раҳматуллоҳ, — шу дард жонимни олади, деган фикр хаёлини эгаллаган. ғофил банда! Эрта-индин ўла қолишини қаёқдан билибди? Дард берган Оллоҳ шифосини ҳам беради-ку?...»

Раҳматуллоҳ турли хаёлларга банди бўлиб узоқ ётди. Маҳбусларнинг у ёқдан-бу ёққа юришлари тинди. Қўнғир-қўнғир овозлар ҳам эшитилмай қолди.

Бунинг ўрнини турли оҳанглардаги хуррак, алаҳсирашлар эгаллади. Тун яримлаганда Раҳматуллоҳнинг кўзи илинди. Ўн дақиқагина давом этган уйқусида ғалати туш кўрди. Тушида мударриси — қайнотаси уч бўлак оқ сурпни унга узатяпти. «Биттаси сенга, қолгани шерикларингга», дермиш. «Менам булар билан кетайинми? Унда тўрт киши бўламиз», дермиш Раҳматуллоҳ. «Биттангга лозим эмас». У шундай деб шохдор буғуга айланиб қолганмиш. Сўнг Раҳматуллоҳ унга миниб олганмиш. Буғу елдек учиб, уни тўғри Каъбатуллоҳга олиб борганмиш... «Хайрият, бомдодга етиб келдик», дермиш Раҳматуллоҳ. Кейин муаззиннинг овози эшитилибди: «Оллоҳу акбар!» Раҳматуллоҳ Маккаи мукаррамада эканида баъзан шу азон товушини эшитиб уйғонарди. Субҳи содиқда янграган азон овози унинг руҳига мадад берар, яхши бир кайфиятда бошини ёстикдан кўтарарди. Ҳозир ҳам қуш уйқусидан шу ҳолда уйғонди. Қулоғига азон товуши бошқа эшитилмади. Ўзини Каъбатуллоҳда эмас, яна сассиқ баракда кўриб, юраги эзилди. Комиссарнинг «Бўлақолинглар», деган овозини эшитди. Қизил командир бир инграб, ўрнидан турди.

— Тақсир билан хайрлашайлик, — деб пичирлади Мирҳосил.

— УйҚотманг, билмагани маъқул. Сотиб қўйиши мумкин.

Шивирлаб айтилган гап қиличга айланиб, Раҳматуллоҳнинг танасини қиймалаб ташлагандай бўлди. Хоинлик кўчасидан ўтиш мумкинлигини хатто хаёл қилмаган одам учун бундай гумон энг ёмон ҳақоратдан ҳам баттар эди. Комиссарга эса айнан шу керак эди. Сўнгги йўқловда у «Қандай бўлмасин Муллани олиб чиқасан», деган қатъий топшириқ олган, ўйлай-ўйлай Раҳматуллоҳнинг жиғига тегишни режа қилган эди. Режаси амал берди — Раҳматуллоҳ ўрнидан туриб уларга эргашди. «Шуларга қўшилиб жон бериш ёзуғимда бўлса, на чора», деб ўйлади.

7

Бошлиқ қоронғу хонада, дераза олдида ёрдамчиси билан турарди. Тўққизинчи барак эшиги очилиб, ҳовлида одам қораси кўрингач, мамнун жилмайиб кўйди.

— Умримдаги энг марокли ов шу бугун бўлади, — деди-да, шарпаларга синчиклаб тикилди:

— Кимни суяб юришибди, судралаётган ким?

— Кеча сиздан адолат талаб қилиб келган одам.

— Иккита тепкили ҳоли бор эканми? Шу аҳволда командирлик қилган эканми, э онасини... — Бошлиқ сўкиниб, ёнига тупурди. — Нима қиларди судраб, ўлса шу ерда ҳам ўлаверарди.

— Сир очилиб қолмасин, деб қўрқди.

— Ҳа, бўпти. Булари — сенга. Мулла — менга.

— Булар деганингиз... Комиссар ҳамми?

— Уми?.. Бугунча тегмай кўя қол унга. Яна керак бўлиб қолар. Уни кейинроққа олиб кўясан. Ўзига ўхшаган уч-тўртта маймунбашарани тўплайсан. Худди маймун овлагандек бўламиз. Тайгада маймун ови! Зўр бўлади, а?

— Зўр нарсаларни ўйлаб топасиз-а, — деб Ёрдамчи унга хушомад қилиб қўйди.

Қизишиб олмоқ учун истаконларни тўлдириб ароқ сипқоришди. Ёрдамчи лабини кафти билан артиб, ташқарига чикди. Дам ўтмай соқчилар ўқ узиб «Қочди! Қочди!» деб бақириб қолишди. Шундан сўнг Бошлиқ худди катта ишни қойил қилиб қўйгандай Ғоз юриш билан хонасидан чиқди.

Ҳовлига тушган заҳоти соқчибоши югуриб келиб, ҳисоб берди:

— Маҳбуслар қочгани аниқланди.

— Кўзларинг қаёқда эди, соқчиларинг ғафлат босиб ухлаб қолибдими? — деб бақирди Бошлиқ. — Нечта экан қочгани?

— Тўртта.

— Қайси баракдан?

— Аниқлаяпмиз. Соқчилар издан кувишга шай.

— Сен шу ерда қол. Ўзим бораман изларидан.

Шу пайт тиканли симтўр ортидан буғунинг ўкириғи эшитилиб, ҳамма хушёр тортди.

Бошлиқ қочоқларни кувишга шошилмаётган эди. Айникса, буғунинг ўкириғидан сўнг кўнглида «Мен чиқмай қўя қолсам-чи?» деган фикр ҳам пайдо бўлди. Бу фикрнинг умри қисқа эди. «Миш-мишларга ишонувчи кўрқоқ одамга айланыпманми?» деган иккинчи фикр биринчисини бўғиб ўлдирди. Бошлиқ оёқларини кериб, қўлларини орқасига қилган ҳолда бир оз турди. Кейин папирос тутатди. У бундай туришни собиқ командирига таклид қилиб ўрганган эди. Гарчи ҳозир оқ зобитларни кўрарга кўзи бўлмаса-да, ўзи сезмаган ҳолда уларнинг кўп одатларини ўзига сингдирган эди. Хусусан, мана шу туриши, икки гапнинг бирида «онанг-ни», деб сўкиниб қўйиши, сўкина туриб тупуриши зобитлардан унга мерос бўлиб ўтган. Туркистон ўлкасига илк марта келганида, ҳали йигит чоғида унда бундай одатлар йўқ эди. Далада қўш ҳайдаб юрган йигит бу иссиқ ўлкаларга келиб одам ўлдирарман, деб ўйламаган ҳам эди. Дастлаб кўзғолончиларни отишда қўллари қалтираб тепкини боса олмаган эди. Бир у эмас, ёнидагилар ҳам шу ҳолга тушишганди. Ўша манзарани у тез-тез эслайди. «Шунақанги галварс эканмана», деб ўзидан-ўзи кулади. Ўшанда йигирмага яқин кўзғолончи отишга ҳукм бўлган эди. Улар жар бўйида, отувчиларга орқа ўгириб туришарди. «Отилсин» деган буйруқ янграши ҳамон бошларини буриб қарашарди. Уларнинг маънос кўзларини кўрган аскарлар милтиқ тепкисини боса олишмас эди. Ана ўшанда отда ўтирган зобит шарт қиличини яланғочлаб кўзғолончиларга яқинлашган, уларнинг калласини бир-бир узиб ташлаган эди. Аскарлар машқ пайтида ходаларга ёпиштирилган лой каллаларни шундай узишарди. Зобит сўнгги каллани узгач, мўйловини бураган, аскарларни аввал сўкиб, сўнг бунга қаноат қилмай, қамчилаб хумордан чиққан эди. Орадан йиллар ўтиб, Бошлиқнинг дийдаси қотди, қўли қалтирамайдиган бўлди. Унинг қиличи ҳам талай каллаларни беармон узди. Чопон кийиб, салла ўраганларни кўрганда қўли қилич дастасига борадиган бўлиб қолган эди. Тонг отиши билан бошланажак ов ўша ўрганган кўнгилнинг ўртаниши туфайли эди. Унинг кўнгли қанчалик ўртанмасин, шошилмади. Чунки қочоқларнинг борар жойлари тайин — Комиссар белгиланган аниқ йўл бўйича бошлайди уларни. Ўрмонзорга чиқиб,

дуч келган тарафга қочишса, бошқа гап эди. Бунинг устига, чалажон одамни судраб юришлари қийин. Сал нари кетишсин. Югуриб, судралиб, лойга беланиб ҳолдан тойишсин. Афт-башараларини буталар тирнаб азоб берсин. Ана ундан кейин овни бошласа бўлади — Бошлиқнинг режаси шундай эди.

8

«Наҳот сездирмай ўтдик?! Наҳот, қочиб қутулиш насиб этган бўлса?!» Симтикондан узоқлашишгани сайин уларни умид ҳисси тобора чулғаб борар эди. Ҳатто Раҳматуллоҳда илинж уйғона бошлаганди.

Дастлаб тез-тез юришди. Қизил командирга ҳам қувват киргандай бўлди. Ўлимни эмас, озодликни ўйлаб, қадамини илдам ташлашга ҳаракат қилди.

Баданидаги оғриқларнинг тўхтаганига ўзи ҳам ажабланди. Қамокхона томонда милтиқлардан ўқ узилди. «Сезиб қолишди», деб ўйлашди бараварига. Ўқ овозлари уларни янада тез юришга мажбур этди. Оёқлари кўлмакларга тушиб, сирғаниб йиқиلىшса ҳам, тиззаларигача жикка ҳўл бўлса ҳам, илдам юришди. Бир замон буғунинг ўкириғи эшитилдию ўқ овозлари бутунлай тинди. Буғунинг ўкириғини эшитиши билан Раҳматуллоҳ тўхтади. Ўша заҳоти унинг қулоқлари остида муаззиннинг таниш овози янгради. «Бу не синоат бўлди?» деб ўйлади Раҳматуллоҳ.

— Домла, тўхтаманг, — деди Комиссар. Чиндан ҳам тўхтаб, ўй сурадиган вазият эмас эди. Тонг бўзара бошлаганида улар қамокхонадан ўн беш-йигирма чақирим узоқлашдик, деб мўлжал қилишди. Бунчалик кўп узоқлашишмаганини, балки йўл илонизи қилиб олингани учун шундай туюлганини фақат Комиссар биларди. Тонгда мўлжалдаги манзилга етиб келишгач, дам олишга рухсат берди.

Ёмғир сувини бўкиб ичиб, хамирдек кўпчиб қолган ерга чўзилишди. Тез юриб баданлари қизиб кетганидан, ҳолдан тойганларидан, ернинг захини сезмадилар. Ер бир неча дақиқа юмшоқ кўрпадек туюлиб, роҳатландилар. Баданлари совугач, зах ўз кучини кўрсата бошлади. Энг аввало, Қизил командир тепки азобларини яна ҳис қилди. Бир неча соат холи қўйган бу азоб энди ҳақини ундиришга қасд қилгандай забтига олди. Суяклари зирқираб, жони ҳалқумига келиб қолгандай бўлди.

Комиссар каддини кўтариб, дарахтга суяниб ўтирди. «Вазифам битди ҳисоб, — деб ўйлади у. — Ҳозир келиб қолишади. Командир азобларидан биратўла қутулади. Мана булар бир-бирларининг сафсаталарини эшитишдан қутуладилар». Комиссар уларга ачингандай бўлиб, бир-бир қараб чиқди. Раҳматуллоҳ унинг хавотир зухур бўлган нигоҳини илғади. «Нимага ўтириб олди, нимага шоширмаяпти?» деб ўйлади. Мирҳосилда бундай синчковлик йўқ, у ўзини тамоман озод ҳис қилиб, сурурли булутлар устида сузмоқда эди. Комиссар бир неча ой ҳамтовоқ бўлган юртдошларининг ўлим билан олишувлари бошланишини биларди. У фақат ўз қисматинигина билмас эди. «Буларнинг нима бўлишлари тайин, — деб ўйлади у. — Мен-чи? Дайди ўқ ўлимга яқин турган Командирга эмас, менга тегса-чи?» Шу фикр хаёлига келиб сесканди. «Бошлиқ ов тугагандан сўнг қайтасан, девди. Нима учун ов тугагини кутишим керак? Тайинлаган манзили шу ер. Мен топшириғини уддаладим. Буларни чалғитиб изимга қайтаман энди. Бошлиқ ўшқирса, «Гапингизни яхши англамабман», дерман. Тепса, бир-икки тепар. Урса, бир-икки урар. Ўқдан кўра мушт еган маъкулроқ». Шу қарорга келиб, у ўрнидан турди.

— Жиламизми? — деди Раҳматуллоҳ ҳам ўрнидан туриб.

— Йўқ-йўқ, — деди Комиссар чўчиб. — Сизлар ўтира турунглари. Мен йўлни қараб келай.

— Мен бирга борай. Ёки Мирҳосил борсин. Ёлғиз юрмаганингиз маъкул.

— Хавотирланманг, домла, тезда қайтаман. Комиссар шундай деб атрофга аланглаб, йўлни мўлжал қилган бўлиб, сўнг оҳиста юриб кетди. Раҳматуллоҳ тик турган ҳолида унинг изларини нигоҳи билан таъқиб этди. Азобнинг темир бармоқлари орасида эзилаётган Қизил командир унинг кетганига эътибор бермади.

— «Йабна Одама! Иза лам тасдахии минни фаъмал ма шиъта йа мискину...»

Раҳматуллоҳнинг пичирлаб айтган гаплари Мирҳосилнинг ширин хаёлларини тўзитди.

— Тақсир, бир нима дедингизми?

— Комиссар кетди.

— Ҳа, йўлни қараб келади.

— Комиссар кетди,— деб яна қайтарди Раҳматуллоҳ.

Мирҳосил ажабланиб, ўрнидан турди.

— Таксир, унга ҳали ҳам ишонмаяпсизми?

— Мен ҳар қанча яхши гумонда бўлмайин, у кетди. Ҳаракатимизни қилайлик.

— Шошилманг, шубҳангиз ноўрин.

Шу пайт яна ўқ овозлари эшитилди. Дам ўтмай буғунинг ўкириғи янгради.

— Қаёққа борамиз? — деди Мирҳосил хавотир инган киприкларини пирпиратиб.

Раҳматуллоҳ Қизил командирга қаради. У кўзларини чирт юмиб олган, буларнинг ташвишига шерик бўла олмас эди. Раҳматуллоҳ энгашиб, унинг пешонасига кафтини қўйди.

— Ўляпти, бояқиш, — деди Мирҳосилга қараб. Яна милтиқ отилди. Мирҳосил ўқ овозлари қай тарафдан келаётганини билолмай аланглади. Тўсатдан бош кўтарган кўркув уни телба ҳолига тушираётган эди. Қизил командир оғриққа дош беролмай бақириб юборди. Бу ногоҳ қичкириқдан иккови ҳам чўчиб тушди.

— Астағфируллоҳ! — деди Қизил командир бу сафар пастроқ овозда. Сўнг калима қайтарди.

— Таксир? — Мирҳосил «Эшитдингизми?» дегандай ҳамроҳига қаради. Раҳматуллоҳ эшитди, аммо Мирҳосил каби ажабланмади. Чунки «Эй одам фарзанди, қачон бало ва мусибатга йўлиқсанг, мени ёдга оласан. Лекин қачон у балони сендан кўтарсам, мени ҳеч танимас кишидек эсан чиқариб юборасан», деган каломнинг ҳаётдаги тасдиғини кўп кўрган эди.

— Фиръавнни бекор эсламаган экан, — деди Раҳматуллоҳ.

9

Комиссар шерикларидан чамаси уч юз кадам узоқлашгач, доира ясаб, орқага қайта бошлади. Қамокхона шу томонда бўлса-да, сезиб қолишмасин, деб атайин қарамағарши йўлни танлаган эди. Билишга-ку, барибир билишади, қарғашади, лаънат ўқишади. Лекин бу пайтда уларнинг ҳаёти қил кўприк устида, Комиссарники эса омонликда бўлади. Уларнинг қарғишлари, лаънатлари ёмғир томчиси каби ерга сингиб кетади. Комиссар шундай бўлишига ишонарди.

У буталарни шитирлатмай юришга ҳаракат қилди. Энди шошилмас, кўлмакларни четлаб ўтар, дам-бадам тўхтаб, атрофга кулоқ тутар эди. Шерикларидан анча узоқлашиб, мўлжалдаги йўлга тушиб олгач, ўқ овозларини эшитиб яна тўхтади. Ўқ овозининг қай томондан келаётганини чамалаётганида буғунинг ўкириғи эшитилиб, ўзи кутмаган ҳолда юрагига қўрқув оралади. У ўқ отилаётган ерни айланиб ўтиш учун овоз келаётган томонни аниқламоқчи эди. Буғунинг ўкириғи унинг режасини пароканда қилаёзди. У ўрмонзорда ўқ ўтмас буғу борлигини, буғу қандайдир илоҳий кучга эга эканини эшитган, энди ҳам ўқ отаётганларни, ҳам буғуни четлаб ўтишга мажбур эди.

Нима учун қўриб кетганини ўзи ҳам билмади. Аввалига қўрқувни ўткинчи деб ўйлади. Йўқ, қўрқув уни тарк этмади. Юраги қинидан чиққудай бўлиб, тез-тез ура бошлади. Қандайдир куч уни орқага, шериклари ёнига ундади. «Қайт, — деди ўша номаълум куч, — уларни янада узоқроққа бошла. Балки қутулиб кетишар... Ахир, сен ҳам инсонсан-ку? Кейин виждонинг қийналмайдими?..»

«Виждон... виждон... — деб пичирлади Комиссарнинг лаблари. — Қани, кимда бор ўша виждон?! Мен умримни тиккан ғоямга содиқман! Булар — душман! Мен тухмат қурбониман. Эртами-кечми, менга ўхшаганларнинг доди ўртоқ Сталинга етади. Булар-чи? Қочишмоқчи бўлишди... Нодонлар... Душман душманлигини қилади. Барибир ўлимга маҳкум эди улар. Ҳукми мен чиқармадим. Ўзларига ўзлари чиқаришди. Булар барибир ўлади. Қамокда ўлганидан кўра озодликда ўлгани яхши эмасми?.. Мен айбдор эмасман. Виждоним пок. Оқланиб чиққанымдан кейин уларнинг уйларига бораман. Озод ҳолда жон берганларини айтаман...»

«Ўлишмаса-чи? Қочиб қутулишса-чи? — деди ўша номаълум куч. — Ҳеч бўлмаса биттаси қочиб қутулсачи?...» Комиссар бу саволга дарров жавоб қайтара олмади. «Қутулиб кетиш қийин», — деб ўзига ўзи далда бермоқчи ҳам бўлди. Аммо бу жавобда қатъийлик йўқ эди. У номаълум куч билан баҳслашишни бас қилишга ўзида куч топди-да, таваккал қилиб қамоқхонага олиб бориши мумкин бўлган энг қисқа йўлни танлади. Бу сафар қадамини тезлатди. Вужудини тарк этмаётган қўрқув, тезроқ жон сақлаш қасдидаги ҳовлиқиш унинг зийраклигини маҳв этган эди. У тобора телба одам ҳолига кириб борарди. Энди кўзига кўлмаклар ҳам, юзғўлини тирновчи буталар ҳам кўринмас эди. Ҳозир унинг паноҳ топадиган жойи — қамоқхона. Ўй-хаёли бир — ўша ерга тезроқ етиб олиш... Бир маҳал саёз туюлган кўлмакка оёқ қўйди-ю, мункиб, юзтубан йиқилди. Аввалига ҳеч нимани сезмади. Дарров ўрнидан туриб, юзига ёпишган лойни энги билан сидириб, бир-икки қадам ташлади-ю, чап оёғида уйғонган оғриққа дош беролмай бақириб, яна йиқилди. Бу сафар тез турмади. Тўпиғи атрофидаги оғриқ аввал болдирига чиқди, кейин ҳамма ёғи зирқираб оғрий бошлади. «Эти узилди шекилли», деб ўйлади у. Аста қаддини кўтарди. Эҳтиётлик билан қадам босмоқчи бўлди. Оғриқ уни яна юзтубан қулатди. Бир оз ҳушини йўқотди, ҳушига келиб, судрала бошлади. «Яқин қолди, судралсам ҳам бир амаллаб етиб оламан», деб ўйлади. Уст-боши бўкиб кетди. Мияси қизий бошлади. Оғриқ кучая борди. Бир кўлмак ёнида тўхтаб, юзини ювди. Сал энгил тортгандай туюлди. Яна судралмоқчи бўлганида бутанинг шитирлаганидан чўчиб, атрофга аланглади: шохлар орасида милтиқ милини кўрди.

— Отманглар, бу менман! — деди жонҳолатда. — Комиссарман, отманглар. Топшириқни бажардим.

Шохлар иккига айрилиб, қамоқхона бошлиғининг ёрдамчиси, кейин бир аскар йигит чиқиб келишди.

— Ҳа, Комиссар, бу ерда нима қилиб ётибсан? — деди у милтиқни елкасига осар экан.

— Оёғим қайрилиб кетди, юролмай қолдим.

— Бошқалар қани?

— Ўша ерда. Бошлиқ айтган жойда.

— Сен командиринг билан бирга бўлишинг керак эди?

— Унинг аҳволи оғирлашди. Хушсиз ётибди.

— Бошлиқ сен билан Командирни менга ҳадя этган эди. Қаердан қидирсам экан, деб бошим қотиб турувдим. Оёқ остидан судралиб чиқдинг-а. Мароқланиб ов қиламанми, девдим. Ишни буздинг, сен мараз. Бугун чувалчанг отадиган куним экан-да. — Ёрдамчи милтиқни яна қўлига олиб, Комиссарга қаратди.

— Отманг, ахир топширикни бажардим.

— Бажарган бўлсанг, яна яхши, — у шундай деб қўндоқни елкага тираб, Комиссарни нишонга олди. У Бошлиқнинг топшириғини бузмоқчи эмасди. Бошлиқ «Комиссар тирик қолсин», дедими, демак тирик қолади. Фақат пайти келганида уни бир ўйнатиб, томоша қилса чакки бўлмас. Ёрдамчи типирчилаб ёлбораётган Комиссардан бир қадам наридаги дарахтни мўлжаллаб тепкини босди. Ўқ овози дарахтларнинг яланғоч танасига урилиб акс-садо берди. Комиссар жонҳолатда бир сакрадию, ерга қапишганича қимирламай қолди. Унинг бу қилиғини кўрган аскар йигит кулиб юборди.

— Тур! Комиссар, ўзингни ўлганга солма. Сенга ўқ тегмади. Биринчиси хато кетди.

Комиссар бошини кўтарди. Аммо қадини ростламади.

— Ахир, мен сизларнинг хизматингизни қияпман-ку? — деди у йиғламсираб.

— Сен шерикларингга хоинлик қилдинг.

— Улар шерикларим эмас, халқ душманлари...

Ҳамманг бир гўрсан... Улар душман бўлса, сен душмандан чиққан хоинсан, улардан ҳам баттарроқсан. — Ёрдамчи яна тепкини босди. Ўқ Комиссарнинг шундайгина ёнидаги ерни титиб ташлади.

— Отманг! — У Ёрдамчи томон эмаклади.

— Орқангга қайт! — деб бақирди Ёрдамчи. Комиссар тиз чўккан ҳолида унга нажот кўзлари билан боқиб, тошдек қотди. Ёрдамчи яна ўқ узди. Комиссарнинг қулоғига энди ўқнинг акс-садоси эмас, балки аёл кишининг ноласи урилгандай бўлди.

«Сен бизни еримиздан ҳайдаб чиқаряпсанми, сени қаро ер ҳам бағрига олишдан ҳазар қилади. Жасадинг бир қулоч лаҳадга зор бўлади. Мурданг қумурсқаларга ем бўлади ҳали...» Бу нолани эшитиб, Комиссарнинг этлари жимирилашиб кетди. Атрофга телбаларча аланглади. Овоз эгасини кидирди. Ёрдамчи ундаги ўзгаришни сезиб, «Нима қиларкин», деб кутди. Комиссар бу овозни бир марта эшитган, кейин ўша заҳотиёқ унутиб юборган эди. Қоракўлчи бойнинг оиласини кўчираётганида унинг кексайиб қолган завжаси шундай нола билан қарғаган эди.

Комиссар ўшанда ҳам, ундан олдин ҳам буйруқни бажарган эди. Дастлаб бу хонадонга бостириб кириб, барча бойликларни тортиб олишди. Бой ота заррача қаршилиқ қилмади. Фақат бир чеккага ажратиб қўйилган териларга тегмасликни сўради. «Буларни закот учун ажратиб қўйган эдим», деб ялинди. «Закот билан Худони алдайсиз, халқни алдай олмайсиз», деди Комиссар. Бой ота индамади. «Ҳой йигит, сен ҳам, ота-онанг ҳам тузимдан тотгансизлар. Сени одам бўлар, деб ўкитиб эдим, муҳтожларни қўлимдан келганича суядим. Ҳаж сафарига кетар чоғимда бутун маҳалла аҳлини ярим йил боқадиган мулк қолдирдим...», демади. Миннат қилишдан қўрқди. Комиссар эса унинг шу гапларини айтишини кутган, шунга яраша «Сен бу мулкни халқ қонини сўриб топгансан», деган жавобни тайёрлаб қўйган эди.

Комиссар бир ҳафтадан кейин эшитди — Бой ота ўлибди. Комиссар жанозага у ёқда турсин, ҳол сўраб ҳам кирмади. Онаси кўп ялинди, кир, деб, йўқ, кирмади. Орадан бир неча йил ўтиб, яна кирди бу хонадонга. Ҳаммасини кўчирди...

Ўшанда шундай нолани эшитган эди.

«Наҳот у жодугарнинг қарғиши ургани чин бўлса?» деб ўйлади.

Бир маҳал Ёрдамчи милтиғини елкасига осди.

— Ярим соат вақт бераман. Лагерга етиб олсанг — етиб олдинг, бўлмаса, нақ сассиқ оғзингдан отаман.

Бу гапдан Комиссар хушига келиб, ўрнидан турмоқчи, югуриб кетмоқчи бўлди. Лекин чап оёғини босиши билан жон азобида бақириб, йиқилди. Ёрдамчи, баттар бўл, деди-да, чўнтагидан папирос чиқариб, тутатди. Бир неча нафас ҳаракатсиз ётган Комиссар судрала бошлади. Бу судралишда ярим соат эмас, ярим кунда ҳам қамоқхонага етиб ололмас эди. Бунини биларди, лекин «чиқмаган жондан умид» деганларидай, ҳозиргина эслаган қарғишини ҳам унутиб, олға интиларди. У бир оз судралгач, устига шох-шабба ташланган ўрага дуч келди. Ўрани бир неча йил муқаддам овчилар айиқ тутиш учун қазишган, қамоқхона қурилгач, бу ерларга келмай қўйишган эди. Чириб қолган шох-шабба Комиссарни кўтара олмади. Комиссар чуқурлиги бир ярим одам бўйи келадиган ўрага қулаб, хушидан кетди.

10

Кун ёришди.

Бошлиқ ёнига аввалги овларда ҳам бирга бўлган, синалган аскарлардан тўрттасини олиб, йўлга тушди. Қамоқхонадан пича узоқлашишгач, ёрдамчисига битта аскарни бериб, «Сен ўнгдан юр», деди. Ўзи кочоклар дам олиб ўтирган жойга тикка юриб чиқмоқчи бўлди. Ярим соатлар чамаси йўл юргач, рўпарадаги буталар қаттиқ шитирлади. Бошлиқ тўхтаб тўппончасини қўлига олди-да, йўғон дарахт панасига ўтди. Унинг ишораси билан аскарлар ҳам ўзларини панага олдилар. Шитирлаш овози кучайиб, дам ўтмай баҳайбат шохли, баҳайбат гавдали буғу кўринди.

«Ўқ ўтмас буғу шуми?» деб ўйлади Бошлиқ. Буғу тўхтаб, бошини ғоз тутганича жим турди. Бошлиқ унга қараб кўзлари чўғдек кипғизил эканини, ўзидан ғалати ёғду таратаётганини кўрди. «Қани, кўрайликчи, ростданам ўқ ўтмас эканми?» деб шу кўзни мўлжалга олиб, тепкини босди. Ўқ изсиз кетгандек бўлди — буғу қилт этмади.

— Отинглар! — деб бақирди Бошлиқ. — Кўзини нишонга олинглар, кўзини!

Аскарлар пала-партиш ўқ уза бошладилар. Буғу «Қани, ҳунарингни кўрсатиб қол», дегандай бир оз жим турди. Сўнг тумшугини осмон сари чўзиб ўқирди. Бу ўқиригдан Бошлиқнинг қулоғи қоматга келди. Икки аскар милтиқларини ерга ташлаб, орқага қоча бошладилар. Бошлиқ тўппончасидаги ўқларни отиб тугатди. Буғу яна чўзиб ўқирди. Бошлиқ шошилиб тўп-пончани қайта ўқлади. Аммо отишга улгурмади. Буғу бошини хиёл эгган ҳолда унга даф қилганича яқинлаша бошлади. Бошлиқ беихтиёр тисарилди. Буғу уни шохига илиб, четга улоқтириб юборишга қасд қилган, бироқ мақсадини амалга оширишга шошилмас эди.

Учинчи аскар ҳам аллақачон ғойиб бўлган, буғунинг рўпарасида фақат Бошлиқ қолган эди. «Нимага фақат мени таъқиб қиляпти?» Нима учун аскарларга парво қилмади?» деб ўйлади Бошлиқ. Буғу уни шунчаки таъқиб қилмас, балки дам ўнг, дам сўл томонга ўтиб, ўзи истаган йўлдан юришга мажбур этарди. Бошлиқ бир неча марта йиқилиб, балчиққа беланди, афти, қўлларини шох тилиб юборди. Бир неча дақиқада у ҳам қочоқлар ҳолига тушди. Ҳеч кутилмаганда буғу кескин сапчиди-да, уни шохига илиб олди. Икки-уч қадам босгач, бошини қаттиқ силкиб, типирчилаётган Бошлиқни итқитиб ташлади. Бошлиқ юмшоқ шох-шабба устига тушгандай бўлди. Тик қазилган ўра устига ташланган шох-шабба уни кўтара олмади. Бошлиқ ўра тубида ҳушидан кетди.

11

— Нима, шундай тураверамизми? — деди Мирҳосил.

— Қаёққа юрайлик? — деди Раҳматуллоҳ. — Йўлни Комиссар биларди.

— Тақсир, ҳозир пичингнинг ўрними?

Раҳматуллоҳ бу гапни тўғри маънода айтган бўлса ҳам Мирҳосил ундан ранжиди. Қизил командир кўзларини очди. Гарангсиб турган шерикларига қаради-да, ингрок овозда:

— Бу ёққа юрманглар, — деди Комиссар кетган томонни кўрсатиб.

— Ўқ овози шу ёқдан эшитилипти. Комиссар ё қўлга тушди, ё ўққа учради. Бўлмаса, шу пайтгача қайтарди. Домла, мен муддаомга етдим. Энди менда ҳаётдан умид йўқ. Эркинликда топшираман жонимни. Сизлар менга қараманглар. Кетаверинглар...

Атрофда шарпа сезилиб, уччовлари ҳам пусиб қолишди. Бир оздан сўнг аввал қамоқхона бошлиғининг ёрдамчиси, сўнг эса аскар йигит кўринди. Уларнинг уст-бошлари кўтарди-ю лойга беланмаган, юзларида эса чарчоқ сезилмас эди. Ёрдамчи Бошлиқнинг бу ерга етиб келмаганидан аввалига ажабланди. Сўнг ўқ овозлари, буғунинг ўкириғини эслаб «Буғу овлашга киришиб кетган шекилли?» деб ўйлади. Кейин кўнглига бир шумлик келиб, ўзидан ўзи кувонди. «Бошлиқни бир қойил қилай», деган хаёлда ўгирилиб, аскар йигитга қаради:

— Булар эплаб қочишни ҳам билишмайди. Ялпайиб ётишини қара, — деди Қизил командирни имлаб кўрсатиб. — Яна битталаринг қани?

Қизил командир жавоб бермай кўзларини юмди. Ёрдамчи Мирҳосилга яқин келди:

— Яна биттанг қани деяпман?

«Демак, Комиссарни ушлашмабди», деб ўйлади Мирҳосил.

— Биз уч кишимиз.

— Комиссарларинг қани? — деди Ёрдамчи Раҳматуллоҳга қараб.

— Нет понимаш...

— Тушунтириб қўяйми?

Шундай деб Раҳматуллоҳга мушт тушириш қасдида қўл, кўзи унинг нигоҳига тушгач, қўлини қандайдир куч силтаб ташлагандай бўлиб, уролмади. Сир бой бермаслик учун кулимсиради:

— Хўп, тушунмасанг тушунмабсан. Қани, олдимга тушларинг!

Мирҳосил Қизил командирни суяб турғазди. Уларнинг қийналаётганини кўриб, Раҳматуллоҳ ҳам Қизил командирнинг қўлтиғидан олди. Аскар йигит

олдинда, Ёрдамчи орқада борди. Бир чакирим йўл босишгач, аскар тўхтаб, орқасига қаради. Ёрдамчи унга, четроқ ўт, деб имлаб, маҳбусларга буюрди:

— Тўғрига юрларинг!

Улар яна беш қадам босишгач, оғзи ўприлиб ётган ўра лабига келишди.

— Ха, юрмайсанларми? — деди Ёрдамчи тўхтаб. — Ё таниш одамни кўриб қолдиларингми?

Мирҳосил энгашиб, беҳуш ётган Комиссарни кўрди.

— У сизларни орзиқиб кутяпти.— Ёрдамчи шундай деб аскарни имлаб чақирди-да, шивирлади: — Ўртадагиси сенга, сонидан от. Икки четдагиси менга. Эҳтиёт бўл, ўлдириб қўйма. Бошлиқ терингни шилади-я!..

Улар нима бўлганини билмай ҳам қолдилар. Милтиқ отилиб, аввал қизил командир сапчиб тушди. Кейинги ўқдан Мирҳосил ўрага кулади. Орадан бир нафас ҳам ўтмай Раҳматуллоҳ сонидан қаттиқ оғриқ сезиб, чўккалаб қолди. Кейин бўйнига милтиқ қўндоғи зарб билан урилгач, у ҳам ўрага йиқилди.

— Сен ўлим рақсини ҳеч кўрганмисан? — деди Ёрдамчи аскардан. Сўнг ўра лабига келиб, чўнкайиб ўтирди: — Қараб тур, кўрасан. Ҳозир ҳушлари ўзига келса бошлашади.

Аскар йигит ҳам Ёрдамчи ёнидан жой олди. Ўқ овозлари ҳам, буғунинг ўкириғи ҳам эшитилмай қолди.

«Ов тугади шекилли?» деб ўйлади Ёрдамчи. Анчагача ўрмон сукунат қаърига чўмди. «Ов тугади. Бошлиқ бало, буғуни тинчитмай қўймайди, — деган қатъий хулосага келди у. — Энди Бошлиқ қидириб овора бўлса аччиқланиши мумкин». Ёрдамчи шу тўхтамга келиб, аскарга буюрди:

— Учинчи квадратга қараб юр. Бошлиқни топиб, шу ерга олиб кел!

Аскар буйруққа итоат этиб, ўрнидан турган жойида қотиб қолди:

— Буғу! — деди у жонҳолатда. — Ўқ-ўтмас буғу!

Ёрдамчи ўйлаб ҳам ўтирмай Буғуни нишонга олиб, милтиқ тепкисини босди. Аскар эса милтиқ отиш лозимлигини ҳам унутиб, қочди. Ёрдамчи яна бир

ўқ отди-да, у ҳам қоча бошлади... Буғу лопиллаб югурганича уни таъқиб этди. Бошлиқни қандай қувлаган бўлса, бунинг ҳам дам ўнг, дам сўл томонига ўтиб, ўзи истаган йўл бўйлаб қувди. Ёрдамчи оғзи ўпирилган ўра лабига келганида таққа тўхтади. Пастга эгилиб қарашга кўрқди. Орқасига ўгирилганида бошини эгганича шитоб билан югуриб келаётган буғуни кўрди. Ўзини четга олишга улгурмади. Буғунинг қаттиқ шохи унинг кўкрагини тешиб юборгандай бўлди...

12

Яна ёмғир савалай бошлади.

Ўрадагилар бирин-кетин хушларига келишди. Комиссар уларнинг яраланганларидан беҳабар, хомуш боқаётган кўзларда айбнома ўқигандай бўлиб, талвасага тушди:

— Мен йўл қидириб юрган эдим. Қочди, деб ўйладиларингми? Ҳа, булар ўйламаса ҳам сиз ўйлагансиз, — деди Раҳматуллоҳга тикилиб. Раҳматуллоҳ унга жавоб бермади. Мирҳосил эса унга қараб туриб, хаста овозда деди:

— «Тонгларнинг сирлари тўрни кенг ёйганда,

Биз — ғофил, уйқунинг қаърида қоламиз.

Тўлган ой кўкларда сузилиб борганда.

Биз — қўпол, тонгларнинг қаҳрида қоламиз... Дерларки: «Ойларнинг нурида вафо йўқ!»

Демаслар уларки: «Айб бизда, биз бузуқ»...

— Аниқроқ гапиринг, нима демокчисиз?!

— Комиссар... — Қизил командир сўнгги кучини йиғиб, гап бошлади: — Комиссар, сизни ҳеч ким айблаётгани йўқ. Сиз йўл топганингизда ҳам барибир қўлга тушиб, ўлиб кетардик. Домла, айтинг бунга: ўлим — ҳақ. Ҳеч ким тирик қолмайди бу дунёда. Шунинг учун ўлимдан кўрқмаслик керак. Ибодат қилганлар ҳам, қилмаганлар ҳам вақти келиб, жонларини топширишади. Комиссар, биз яраланганмиз. Бу ердан тирик чиқишимиз амри маҳол. Сиз ҳаракат қилиб кўринг. Ҳеч бўлмаса бир киши тирик қолиши, қачон бўлмасин

юртга қайтиб, бизнинг душман эмаслигимизни етказиши керак. Ҳар биримиз юртни ўзимизча севдик, ўзимизча хизмат қилдик. Ҳар биримиз бир жойда қоқилдик, бир ерда адаш йўлга кирдик...

Қизил командирнинг кейинги сўзларини англаш мушкул бўлди. Пичирлаб, ямлаб айтилаётган сўзлар тинди. Ярим очик кўзлар юмилди. Сарик киприклар қовушди. Мирҳосил савол назари билан Раҳматуллоҳга қаради. Раҳматуллоҳ унинг нигоҳини сезмагандай жим ўтираверди. Тилдан қолган Қизил командир энди гапини хаёлан давом эттирар, дам булутлар устида сархуш учиб, дам қаттиқ ерга қулаб азобланарди. Кўзлари юмук бўлса-да, тутқун ҳамроҳларини кўриб тургандай туюларди. Бир маҳал тутқунларни оппоқ булут бағрига ютди-ю, кўринмай қолишди. Булут тарқалганда уларнинг ўрнида кўзлари ўйиб олинган ўша оқсоқол турар эди. Унинг икки қўли олдинга чўзилган, икки кафтида икки кўз соққаси турар эди...

— Ма, ол бу кўзларни, — деди Оқсоқол.

— Керакмас, — деди Қизил командир. — Ўзимнинг кўзларим бор.

— Кўзларинг кўрмайди. Кўрса эди, дўст ким, душман ким, фарқлар эдинг.

— Вақт ўтди энди... Ярамга туз сепманг.

— Қишлоққа кирганинг эсингдами?

— Эсимда. Қишлоқ кимсасиз эди.

— Қишлоқда фақат мен қолган эдим. Кўзим кўр бўлгани учун уйда ёлғиз менгина қолгандим. Кўзим нима учун ўйиб олинганини айтмадим, а, ўшанда? Сендай норғул йигит эдим. Муҳаммад Амин эшон қанотига кириб, ғазотга қўшилганим учун ўйишган кўзларимни. Жуда кўп одамни ўлдиришди. «Оллоҳ», деган тилларини кесишди. Сен у дамларни билмайсан... Сен ўшаларга қарши от суришинг керак эди.

— Бу гапни айтгансиз...

— Ҳа, айтганман. Юрагим зардобга тўлиб айтганман. Ўша куни 2дашноқлар келиб «Босмачи йўлини тўсамиз, хандақ казинглар», деб кексаю ёшни кирга

хайдади. Шомга яқин набирам қайтди. Дир-дир титрайди. Қўрқиб кетган экан бечора. Барчани қиличдан ўтказиб, ўзлари қазиган ҳандаққа кўмишибди. Оллоҳнинг марҳамати билан набирам қочишга улгурибди. Нима бўлганини айтди-ю, ўлди. Юраги ёрилиб ўлди. Кейин сен аскарларинг билан келдинг. Дашноқларни қув, дедим. Сен бекларга қарши от сурдинг...

— Эслатманг у дамни. Адашганман. Мен ҳам Худонинг бир гуноҳкор бандасиман. Армон билан топшираяпман омонатимни. Жонимнинг қийналиши ҳам шундандир.

— Сен хун олмадинг.

— Ололмадим...

— Энди ким олади? Рухимиз чирқираб4 қолаверадими?

— ...

— Гапир.

— Мени қийнаманг.

Шу пайт Оқсоқол ёнида Комиссар пайдо бўлди. Қўлида чегаланган5 косада заъфарон сув.

— Комиссар, келганингиз яхши бўлди. Ичим ёняпти. Юрагимдаги армонларим чўққа айланганга ўхшайди. Сувни менга олиб келдингизми, раҳмат.

— Сув сизга, аммо битта шартим бор: Худо йўқ, деб айтинг, пайғамбар алдоқчи, деб айтинг.

— Комиссар, қўйинг бу гапларни. Мен ҳеч қачон бундай демаганман.

— Демаган бўлсангиз, энди айтинг. Сувни ичинг. Ташналикни босинг. Ором олинг. Сувни ичсангиз қўзингиз очилади, шифо топасиз.

— Болам, бу шайтоннинг гапига кирма, — деди Оқсоқол.

Комиссар уни нари итарди. Талабини яна қайтарди. Шу дамда Қизил командир Раҳматуллоҳнинг овозини эшитди, аниқ эшитди:

— Ла илаҳа иллоллоҳ...

Раҳматуллоҳнинг овози эшитилиши билан Комиссар ғойиб бўлди.

«Сув» деди Қизил командир.

Унинг овозини ёнидагилар эшитмади. Биттагина ёмғир томчиси лабига тушиб, жони роҳатланди. Чукур-чукур нафас олди-да, жимиб қолди. Бурун катаклари керилди. Чангак бўлиб турган оёқларини узатди. Раҳматуллоҳ сурилиб, Мирҳосил билан жой алмашдида, Қизил командирга яқинлашди. Унинг нафас олиши яна тезлашди, кейин бирдан сусая бошлади. Раҳматуллоҳ кафтини унинг жағига қўйиб, дона-дона қилиб калима келтира бошлади. Қизил командир кўзларини очиб, ниманидир қидириб олазарак бўлди. Раҳматуллоҳни кўриб, жилмайди. Шу алпозда кўз қорачиғи ҳам котди. Нафаси ҳам ўчди. Раҳматуллоҳ бир кафти билан унинг жағини ушлаганича иккинчи кафти билан очик кўзларини юмди.

Мирҳосил ич қўйлагини йиртди. Марҳумнинг жағини, оёқларини боғлаб қўйишди. Қизил командирнинг устидаги калта тўнни ечиб, юзига ёпишди. Комиссар қунишиб ўтирганича уларнинг ишига аралашмади. Раҳматуллоҳ деворни тирнаб жасаднинг устига тупроқ тўкмоқчи бўлди. Бир неча марта таталагандан сўнг тирноқлари орасидан қон чикди. Сонидан оқаётган қон ҳолдан кетказди. Пичирлаб «Таборак»ни ўқий бошлади. Сўнгги оятларни ўқиётганида тепада шохдор буғунинг қораси кўринди. Раҳматуллоҳ дуо қилаётганида у ўқирди. Раҳматуллоҳ бошини кўтариб, тепага қаради. Қулоғига муаззиннинг ширали овози урилди — «Оллоҳу акбар!» Раҳматуллоҳ овоз чиқариб тасбеҳ айтди. Буғу яна чўзиб-чўзиб ўқирди. Раҳматуллоҳ қулоғига муаззин тасбеҳ айтгандай бўлди.

Буғу пастга тушишга интилгандай типирчилаб, ўра атрофида айлана бошлади.

— Тушмоқчига ўхшайди, — деди Комиссар унинг ҳаракатини кузатиб. — Тушса, ҳаммамизни босиб ўлдиради.

Буғу ҳам шуни ўйлабми, пастга тушишга ҳаракат қилмади. Олд оёқларини букиб ўра лабига чўккаладида, бошини эгди. Раҳматуллоҳ ҳам, Мирҳосил ҳам кўп қон йўқотганлари сабабли ўринларидан қимирлашга мажоллари йўқ эди.

Комиссар ўра деворига суянганича ўрнидан турди. Тепага қўлини чўзди. Қўли буғунинг шохига етай-етай деди. Ярим қадам ёнга сурилса, мурда устига оёқ қўйса етади. Шуни хаёл қилган дамда, Мирҳосил унинг мақсадини англаб қолиб, сурилди.

— Комиссар, елкамга қўйинг оёғингизни.

Мулозимат учун фурсат йўқ эди. Комиссар соғ оёғини йигитнинг елкасига қўйиб кўтарилди-да, буғунинг шохини маҳкам чангаллади. Буғу бошини осонлик билан кўтариб, уни ўрадан тортиб олди. Кейин яна чўккалаб бошини эгди.

— Эй жонивор, бизни чиқара олмайсан, — деди Мирҳосил унга қараб. — Таксир билан қисматимиз бир экан. «Мангу тутқунликка кирдими ўлка, хаёлда порлаган шамларми сўнди?» Агар гапимизга тушунаётган бўлсанг, Комиссарни қамоқхонага элтиб қўй. У бизни сотди.

— Сотганим йўқ! — деб бақирди Комиссар ўтирган ерида.

— Сотдингиз, Комиссар, ўлаётган дамда тўғри гапни айтиб қолай. Сиз узоқ умр кўришингиз керак. То ўлгунингизча шу ўрани эслайсиз. Эслаб қийналасиз. Мен узоқ умр кўришингизни истайман. Буғужон, унинг ҳаётини асра, ўлмасин...

Буғу унинг гапларига тушунгандай бўлди. Қаддини тиклаб, Комиссарга яқинлашди-да, бошини эгди. Комиссар аввалига унинг ҳаракатига тушунмади. Кейин шохига осилди. Буғу аста юра бошлади. Комиссар эртақлардагина содир бўлгучи бу кутилмаган ҳодисадан хурсанд эди. Судралаётган оёғида оғриқ турса ҳам кўнгли чароғланиб борар эди. У ўлмай қолганига чиппа-чин ишонди. Буғу тўхтамасдан юрди. Комиссарнинг қўллари толди, аммо чидади. Анча йўл босиб ўтилгач, буғу тўхтаб, Комиссар ўзини ўра оғзида кўрди. «Шу жойга айлантириб олиб келдими яна?» деб ўйлаб, шошилганича пастга қаради ва... ҳаракатсиз ётган Бошлиқ билан Ёрдамчини кўрди-ю, кўрқувдан юраги кинидан чиқиб кетаёзди. Судралиб нари кетмоқчи эди, улгурмади. Буғу шохи билан суриб уни ўрага қулатди-да, чўзиб-чўзиб ўкириб қўйди.

Комиссар назарида ўрага қуламади, балки юмшоқ гилам устига юмалади, бу гилам уни осмонга кўтариб, сузиб кетди. Анчагача сархуш кезди. Сўнг бир таниш овозни эшитди:

— Сени ўлдирган одам тўғри жаннатга тушади!

Кимники эди бу овоз? Ҳа... Бой отанинг кенжа ўғлиники... Мулклари мусодара этилгач, уч кундан кейин «Отам чақиряптилар», деб келганди. «Бормайман, — деган эди Комиссар. — Бойлар билан гаплашадиган гапим йўқ». «Отам қон сийиб ётибдилар. Сизга айтар гаплари бор экан». «Биламан нима дейишини отангинг. Мени ўқитиш учун пул берганини пеш қилади-да. Тагин ҳам осон қутулдиларинг. Бойларнинг куни битган, отангга айтиб қўй».

Бойнинг ўғли бу гапга чидай олмасдан унга ташланган эди. Тўппончаси ёнида бўлмаганида Комиссарни бу хирсдай йигит бўғиб ўлдириши мумкин эди. Осмонга қараб бир ўқ узганида йигит қочди. Қоча туриб айтган эди бу гапини.

Орадан ярим соат ўтмай эшиклари олдида арава тўхтади.

— Бой отамнинг ўзлари келибдилар, — деди Комиссарнинг онаси. — Жон болам, уларнинг тузини тотганмиз, отанг ўлганларида кафанликни ҳам Бой отам берганлар. Туз ҳаққи бу кишига қаттиқ гап айтма, ранжитма, жон болам... Кўча эшиги қия очилиб, Бой отанинг тўнғич ўғли кўринди.

— Ҳеч бўлмаса шу остонага келарсан? — деди у дағал овозда.

Комиссар онасининг зўри билан остонага қадар борди. Бой ота ҳолдан тойган бўлишига қарамай, тирсагига тиралиб, қадини сал кўтарди.

— Болам, мен сендан бир нима талаб қилиб келмадим. Сендан сўрайдиганим битта — рози бўлгин. Эсингдами, қиморда ютқазиб пул сўраганингда юзингга бир тарсаки урган эдим. Ҳаққим йўқ эди уришга. Шунга рози бўлгин, болам. Айт, рози бўлдингми? ...Анча йил бурун бўлган эди бу воқеа. Бой ота чиндан ҳам тарсаки туширган эди. Аммо қарзни тўлаб, сўнг уни ўқишга жойлаб қўйганди...

Комиссарнинг онаси қулоғи остида шивирлади:

— Розиман, дегин, болам.

Комиссар индамади.

— Бой ота, болам мингдан минг рози, ҳаммамиз розимиз. Сиз ҳам...

— Ўз оғзи билан айтсин.

Комиссар индамади. Бой ота бошини ёстикқа қўйди...

Комиссар шуларни эслади-ю, кўз ўнгида Бой ота гавдаланди. Уни сўнгги марта бемор ҳолида, арава устида тирсагига суянган ҳолда кўрган эди. Ҳозир тоза кийимлар кийган, хушрўй ҳолда кўрди.

— Бой ота, мен ўшанда мажбур эдим, — деди Комиссар.

Бой ота жилмайиб қўйди-ю, индамади.

— Мен сиздан рози бўлганман. Сиз ҳам рози бўлинг...

Бой ота яна индамади...

Комиссар кўзларини очди. Ўра оғзида булутли осмоннинг бир парчасигина кўриниб турарди. Буғу кўринмас, унинг овози ҳам эшитилмай қолган эди.

Ўрнидан қўзғолмоқчи эди, белида қаттиқ оғриқ туриб, бақириб юборди. «Нима бало, белим синибди-ми? — деб ўйлади. — Бир оз дам олай, кейин чиқишга уриниб кўраман. Мана буларни устма-уст қўйсам, чиқиб кетаман. Бу ўра пастроққа ўхшайди... Булар тирикми ё ўликми?..»

Дам ўтмай улар ҳам қимирлашди. Аввал Ёрдамчи, сўнг Бошлиқ кўзларини очди.

— Сенмисан? — деб ажабланди Бошлиқ ёрдамчисини кўриб. Сўнг Комиссарга ажабланиб қаради: — Бу қаердан келиб қолди?

— Хайронман, бошқа ўрада эди.

Бошлиқ елкасини ўра деворига тираб турмоқчи бўлди. Аммо кўкрагида кучли оғриқ туриб яна йиқилди.

— Сен анави маразнинг устига чик, — деди Бошлиқ ёрдамчисига.

Ёрдамчи у айтгандай қилди. Бошлиқ тишини тишига қўйиб, оғриққа чидаб, чап оёғини Комиссарнинг юзига, ўнг тиззасини Ёрдамчининг елкасига қўйиб кўтарилмоқчи бўлди. Бироқ, қаддини кўтара олмади. Иккинчи марта уринишда оғзидан қон келди.

— Тамом, — деди Ёрдамчи. — Чик, устига.

Комиссар судралиб Бошлиқнинг жасади устига чиқди. Ёрдамчи ўрнидан туришга уринди. Уддалай олмади. Бир неча дақиқадан сўнг у ҳам жон бериб азоблардан қутулди. Комиссар уларни устма-уст қўйишга ҳаракат қилди-ю, уддалай олмади. Тобора ҳолдан тояверди...

13

Буғу Раҳматуллоҳ билан Мирҳосил тушиб қолган ўра тепасига бир неча марта келди. Атрофни айланди. Бошини эгди. Ночорликдан эзилгандай тўхтовсиз ўкирди.

Пастдагилар бу жониворнинг сиридан беҳабар, бу жумбоқни ечишга ҳаракат ҳам қила олмас эдилар. Буғу учинчи марта келганида юқорига қарашга мажоллари етмади. Мирҳосил кўз ўнгида устози гавдаланган, уни бағрига маҳкам босиб «Кўришамиз деган эдим-ку, мана, кўришдик. Сенинг кўрганларинг бир туш эди... Бир туш эди...», дейди.

Раҳматуллоҳ эса хаёлан Каъбатуллоҳ атрофида зикр айтиб юрарди. Маккаи мукарраманинг илиқ ҳавоси танасидаги музни ҳайдаб чиқариб, баданига ҳарорат берар эди. Муаззин овози эшитилди. «Оллоҳга шукр, субҳга етдик», деб ўйлади Раҳматуллоҳ. Шу ўй фикрини ёритдию жони узилди...

Буғу ўра лабида узок вақт қимир этмай турди. Сўнг шохлари билан лой тирнаб, ўрани кўма бошлади. Кейин Комиссар ётган ўрага бориб уни ҳам кўмиб ташлади.

Соқчибоши раҳбарлигидаги аскарлар эртасига кўрка-писа ўрмонга чиқдилар. Узок қидиришга юраклари бетламай орқаларига қайтдилар. Шу воқеадан сўнг буғу камокҳона соқчиларини безовта қилмай қўйди.

ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛДАН СЎНГ...

Бу ёруғ оламда тасодиф ила юз бергучи воқеалар кўп. Баъзан етти ухлаб бир тушда кўрмайдиган, ўз кўзингиз билан кўриб ҳам ишонгингиз келмайдиган ҳодисаларнинг гувоҳи бўласиз. Энди баён этилгучи воқеа ҳам шулар сирасидан. Ўқ ўтмас буғу шохи билан ер тирнаб, туткун ҳолида жон берганларни дафн этганидан кейин олам неча бор турланди. Раҳматуллоҳ ётган ердан майсалар униб чиқди. Ўрмонзорда дайдиб юрувчи буғу баъзи-баъзида бу ерга келиб, узок вақт маънос кўринишда турар эди. Сўнг Бошлиқ ётган ерга бориб униб чикмоқ илинжидаги майсаларни депсиб ташларди. Бу ҳол йиллар оша такрор бўлаверди. Шу тарзда орадан ўттиз беш йил ўтди. Буғу энди узокларга кета олмайдиган бўлиб қолди. Унинг ўкириғи ҳам ўрмонни ларзага соладиган даражада эмасди. Буғунинг узокларга кета олмаётгани фақат умр шоми яқинлашаётганидан эмас, балки бу атрофда одамларнинг кўпайиб қолгани, наъра тортиб ишловчи техниканинг ўрмон сукунاتини бузиши ҳам сабаб бўлаётган эди. Ўрмоннинг қоқ белидан темир йўл ўтиши лозимлиги, бу қурилиш БАМ деб юритилиши, бу қурилишга Раҳматуллоҳнинг юртидан ҳам одамлар келгани, шубҳасиз, буғу учун номаълум эди. Йигирма йилнинг нарёида, камокхона бошқа ерга кўчирилгач, унинг ўрни харобазорга айланган эди. Қурилиш бошланиб, қолган-қутган бинолар таъмир этилди, идорага, ётоқхонага айлантирилди ва пештоқиға «Штаб» деб ёзиб қўйилди. Бу ер гарчи «Комсомол зарбдор қурилиши» деган номда зикр этилса ҳам, аслида унда оғир жазоси енгиллаштирилиб, мажбурий меҳнатга ҳукм қилинганлар тер тўкишарди.

Уч кун эзиб ёққан ёмғир тунда тиниб, эрталабга яқин булут чоклари сўкилди. Ола чалпоқ булутлар орасидан қуёш кўринганда «Штаб» ҳали уйқуда эди. Икки кун бурун марказдан келган Вакил кўнгил хуморини ёзиш мақсадида бу ерда туни билан муҳим тадбир ўтказган эди. Оқшомда бошланган мажлис зарбдор қурилишда комсомолларнинг вазифаларини муҳокама қилиб олгач, зиёфат бошланган, сўнг сархуш Вакил истаги билан карта ўйинига ўтиришган эди. Ўн тийиндан тикиб бошланган ўйин авжига минди. Қурилишнинг катта-кичик етакчилари қиморга уқувсиз эдиларми, ҳар ҳолда икки-уч мингдан ютқазиб, мўътабар меҳмон олдида «уялиб» қолишди. Ютуқ туғёнға келтирдими

ё ичилган ароқ миқдори меъёрдан ошдими, Вакил уста киморбоз эканига ўзи ҳам ишониб, «Лагернинг зўрини олиб келасан», деб туриб олди. Узун бўйли, қомаги келишган, сочлари орқага таралган, кўзлари кибр билан боқувчи Вакилнинг истаги мезбон — комсомол зарбдор қурилиш отрядининг комиссари учун амри вожиб эди. Мезбон ҳам, меҳмон ҳам шу баҳорда ўттиз бешга тўлган эдилар. Шунданми, юриш-туришда ҳам, гап-сўзда ҳам, хурмача қилиқда ҳам бир-бирларига ўхшаб кетардилар. Комиссар Вакилнинг истаги яхшилик билан тугамаслигини билиб, у айтгандай «зўр»ни эмас, зўрлар орасидаги Дастёрни чақиртириб келди. Дастёр Вакилни ярим соатдаёқ шилиб олиши мумкин эди. Комиссарнинг имо-ишораларига итоат этиб, ўйинни тонготарга қадар чўзди. Сўнг «Бу ўйин ҳазил эди», деб ютганларини ташлаб чиқиб кетди. Ана шу мароқли тундан сўнг Вакил ҳам, Комиссар ҳам ҳордиқ чиқаришарди. «Зарбдор» қурувчилар нонушта қилиб, иш-ишларига тарқашганида ҳам «Штаб» уйғонмаган эди. Комиссар пешинга яқин ланж ҳолда турди. Қабулхонасига чиқиб керишди. Эти жунжикиб, қўлларини бир-бирига ишқади. Шундагина эшик ёнида мўъминлик билан турган йигитга кўзи тушди.

— Ҳа, келдингми? — деди менсимаган тарзда.

Йигит салом берди-ю, унга яқинлашишга журъат этмади.

— Кеч қолдингми? Энди нима қиламиз?

Йигит бўйнини қисиб, қалин қоғоз қутиларга қаради.

— Нима бу?

— Ноз-неъматлар...

— Ўзинг келдингми?

— Акам бирга келдилар.

— Акангми? Аканг нима иш қилади?

— Айтувдим-ку... базада...

— Чақир акангни...

Йигитнинг акаси эшик орқасида турган эди, бир зумда Комиссар рўпарасида пайдо бўлди. У укасига ўхшаб ийманиб турмасдан, чаққон келиб Комиссар билан қўшқўллаб сўрашди.

— Уканг беш кун кечикиб келди. Бунинг учун нима бўлишини биласанми? Яна беш йил қўшиб беришса БАМ битгунча шу ерда моғорлаб юраверади, — Комиссар шундай деб оғзини баралла очиб эснаб, керишди.

Беш йил қўшиб берилиши ҳақида беписандлик билан айтилган гапни эшитган Йигит ҳам, унинг акаси ҳам чўчиб кетишди.

— Ҳазил қилманг, акахон, — деди Ака жилмайишга ҳаракат қилиб.

— Ҳазил онангнинг уйида бўлади. Бу ер давлатнинг идораси.

— Беш куннинг бир иложини топса бўлар, гуноҳни ювармиз. Акахон, ҳар ҳолда ошна-оғайниларимиз қараб туришгани йўқ.

— Сен чиқиб тур, — деди Комиссар Йигитга. Йигит буйруқни бажаргач, Акага қаради.

— Гуноҳни ювиш осон эмас, буни биласанми?— Биламиз, акахон, биз ҳам кўча кўрган одамлармиз.

— Кўча кўрганмиш... Кўча кўрган одам укасини қаматиб қўймайди.

— Ҳа, энди ғафлатда қолдик. Тухмат бўлди-да...

— Тухматми?.. Нима, совет тузуми фақат тухматчилардан иборатми? Шундай демокчимисан?

— Йўғ-е, акахон, унақа ниятим йўқ. Мен сиёсатга тушунмайдиган оми одамман. Чўт қоқиб юрган одамда бунақа фикр қаёқдан бўлсин?

— Гапни чўзмай чўтингни қоқ. Уйга бориб келишга берилган рухсат, беш кун кечикиш... хў-хўш... Агар хоҳласанг, муддатини қисқартириш имкони ҳам бор. Масковдан вакил келган, шуни хурсанд қилиш керак.

— Ҳаммасига тайёرمىз.

— Тайёр бўлсанг, ана пиджагим. Ўттизтани чўнтагига сол. Хонамга уканг олиб кирсин.

Комиссар шундай деб ичкарига кирди. Ака у билан савдолашишга журъат қила олмади. Пулни санади-да, илгичдаги ҳаворанг пиджакни олиб, чўнтагига авайлаб солди. Сўнг укасини чақирди.

Комиссар ичкарига киргач, диванда ётган Вакил кўзларини очди.

— Шампан топсанг-чи, Комиссар, — деди у эснаб.

Комиссар жавондан шампан виносини олди-да, косага қуйиб узатди. Вакил қадини сал кўтариб, кўзларини юмганича винони симирди. Сўнг бўшаган косани Комиссарга узатиб, лабини ялаб қўйди.

— Онамдан қайта туғилгандай бўлдим, яша, — деди ҳузур қилиб. Йигит кириб пиджакни узатди.

- Ҳа, айтганимдай бўлдимми? Яхши, мана, акангга илғорлардан эканингни айтдим. Бугун икки энлик хат қиламиз. Муддатинг қисқаради. Бор, ишингни қилавер.

— Комиссар,— деди Вакил ётган ерида керишиб.— Ўзбекистонда бўлганимда менга кабоб маъқул келган эди. Икки кундан бери кутаман, кабобнинг иси чиқмаяпти. Нима, меҳмондўстликни унутиб қўйдингларми?

— Кабобни сайлга мўлжаллаб қўювдим. Ҳозир овга жўнаймиз. Йигитлар жой тайёрлаб кутишяпти. Шу атрофда буғу кўринган экан. Очиқ ҳавода буғу гўштидан кабоб ейишга нима етсин, а?

Вакил мамнун жилмайди.

— Кечаги зўрни ҳам чақир. Кайфда мени алдади. Бугун бир бурнини ерга ишқай.

— Бугун ўзимиз ўтирайлик. Йигитлар суҳбатингизни соғинишган.

Вакил бу таклифга ноилож кўнди. Улар тушган «Вездеход» кичикроқ бир яланглик ёнида тўхтади. Ялангликка гиламлар тўшалган, ўртада тўкин дастурхон меҳмонга мунтазир эди. Улар овдан олдин қизишиб олмоқни маъқул

кўришди. «Қизишиб олиш» маросими мўлжалдагидан кўпроқ чўзилди. Вакил ширакайф бўлиб, ёнбошлаб олди. Комиссар хизматда бўлди. Бошқалар «Вездеход» панасида давра қуришди. Буғу гўшти насия бўлгани учун штабда зираланган гўштдан кабоб қилишди.

— Урушдан илгари бобом шу ерларда хизмат қилган экан, — деди Вакил. Аксилинқилобчилар ўқидан ҳалок бўлган экан.

— Қабрларини зиёрат қилдингизми? — деб сўради Комиссар.

— Қабрлари йўқ... Отишмадан сўнг жасадларини топиша олмаган экан. Ҳа, айтмоқчи, биз сен билан ҳамюртмиз, десам ҳам бўлади. Бобом юртингни босмачи ғаламислардан тозалашда қон тўккан.

— Шунинг учун ҳам биз сизни яхши кўрамыз-да. Ўзбекистон — сизнинг уйингиз. Қачон борсангиз, юрагимиз шодликка тўлиб кутиб оламыз. Мана, қаранг, сиз келдингизу бу ерларда ҳам офтоб чарақлаб кетди. Яхши одамнинг набираси эканингизни Қуёш ҳам тасдиқлади.

Улар ўтган яхши одам учун ичишди.

Сўнг Комиссар тилга кирди:

— Мени бу ишга таклиф қилишганида, нима учун йўқ демаганимни биласизми? — У Вакилдан жавоб кутмай, давом этди: — Кўпчилик кўнмади. Мен учун эса бу ерлар қадрли. Менинг бобом ҳам шу ерларда ҳалок бўлган эканлар. Бобом фуқаро урушида комиссар бўлганлар. Менинг лавозимим ҳам комиссарлик...

— Биз ота-боболаримиз ишининг давомчиларимиз, — деди Вакил кўтаринки оҳангда.

Оталар ишини давом эттириш учун ичдилар.

— Сизнинг ўғлингиз бор экан, — деди Комиссар жўшиб. — Менинг қизим бор. Биз куда бўлишимиз мумкин. Ўғлингизни Ўзбекистонга олиб келасиз. Қизимнинг қулоғини тишлаб қўйсин. Бизда шундай удум бор.

— Унгача мен сенинг қулоғингдан тишлаб қўя46 қолай, — деб ҳазил қилди Вакил.

Ҳазилдан завқланиб, ўпишдилар.

Куда-андачилик учун ичмоқчи бўлишганида коржомадаги бир йигит уларга яқинлашди.

— Комиссар, қирқ иккинчи объектни қазийтганимизда одам суяклари чикди. Йигитнинг гапи Комиссарнинг гашини келтирди.

— Чикса нима бўпти, бир чеккага суриб ташла.

— Бир буғу пайдо бўлиб қолди. Ҳеч кимни йўлатмаяпти. Буғу пайдо бўлиб қолганини эшитиб, улар бу ерга ов баҳонасида чиққанларини эслашди.

— Ўлжа ўз оёғи билан келибди-ку, кетдикми? — деди Комиссар Вакилга қараб.

Ширакайф Вакил ўрнидан турди-да:

— Буғу овлаш жону дилим, — деб ғудранди. Экскаватор олдида уч киши турарди. Одам суяклари сочилиб ётган чуқурча лабида бошини эгиб олган буғу худди тош қотгандек эди. Комиссар шошиб милтиқни ўқлади-да, «Аввал сиз отинг», деб Вакилга мулозимат қилди. Вакил милтиғини шошилмай ўқлади, шошилмай нишонга олди. Тепкини босди. Биринчи ўқдан буғу қилт этмади. Вакил иккинчи тепкини ҳам босди. Буғу яна қимирламади. Вакил «Наҳот тегмади?» деган савол назари билан шерикларига қаради. Шошилганича милтиқни қайта ўқлаб яна тепкини босди. Буғу бошини кўтариб, ўқирди. Комиссар ҳам уни нишонга олиб ўқ узди. Буғунинг танасида жароҳат изи сезилмади. Ишчилар бу ҳолдан ажабланиб, экскаватор ортига чекиндилар. Буғу ҳам орқасига тисарилди. Кейин ҳеч қутилмаганда Комиссар сари сапчиди. Икки-уч сакрашда унинг рўпарасида пайдо бўлди. Аввал Комиссарни, сўнг Вакилни шохига илиб улоқтирди-да, дарахтлар орасига кириб ғойиб бўлди. Ишчилар Комиссар билан Вакилни суяб турғазиб, «Вездеход»га олиб борамиз деб туришганида буғу яна пайдо бўлди. У суяклар сочилиб ётган чуқурлик олдида

бир оз турди. Кейин кутилмаганда ёнбошига шарт қулади. «Ўқ теккан экан-ку? — деб ўйлади Комиссар. — Унда нимага қон чикмади?» Буғуга яқинлашишни ҳам, яқинлашмасликни ҳам билмай туришганида жонивор кичрая бошлади. Бир неча дақиқада дами чиққан пуфакдек ундан ҳеч нима қолмади. У ётган ердан енгил ҳовур кўтарилди. Бу ҳодисадан кўрқувга тушиб, тезда изларига қайтдилар. Яқингинада зиёфат еб ўтирган ерлари топталган, идиш-товоқлар синган, егулик-ичгуликлари сочилиб кетган эди. Хизмат қилиб юрган йигитлар эса кўрқиб, «Вездеход» ичида ўтиришарди. Улар бир баҳайбат буғу пайо бўлиб ҳаммаёқни яксон қилиб кетганини айтиб беришди.

Ҳамма нарса жой-жойида қолди. Барчалари машинага ўтириб, шошқич равишда штабга қайтдилар. Кечга бориб Комиссар билан Вакилнинг иситмаси кўтарилди. Рация орқали врач чақирдилар. Врач етиб келганида иккови ҳам ҳушини йўқотган эди. Уларни вертолетда олиб кетишди. Шундан сўнг қирқ иккинчи объектдаги экскаваторга икки ҳафта давомида ҳеч ким яқинлаша олмади. Ўн беш кун деганда дадилроқ ишчилар бориб, суякларни қайта кўмишди. Лойиҳани бузиб, темир йўлни юз қадам наридан ўтказадиган бўлишди. Зиёфат бўлган жойга эса биров қадам ҳам босмади. Штабдан олиб келиб ёзилган гиламлар намгарчиликдан чирий бошлади.

Гиламлар тўшалган ер остида ҳам уч кишининг суяклари борлигини, бу ерда Вакилнинг бобоси — қамоқхона бошлиғи ва отряд комиссарининг бобоси — Комиссар мадфун эканликларини ҳеч ким билмади. Бу сирни буғу ўзи билан бирга олиб кетган эди.

3.2 AV

Sen tebränib ortäjin,

Men yıqılıb ıñräyin.

Sen otli un çekärdä

Men qanlı yaş tokäyin.

Abdüräüf Fiträt

Bismillahir Râhmânir Râhıym

Ertä sahardä mominlär qatâridä ornimdän turğızgän, közingä nur bergän, âñimni tınıqlaştırgän, qolgä qalâm âlişgä ımkan yaratgän Egämğä hamd aytmâq bilän âlişgä kirişgümdir. Yâ Tañrim, dilimdä bir dard uyğänän, uni dindâşlärimgä da yetkâzişgä öziñ madäd bergäysen. Ey Âllâh, başimgä qılıç kelgänidä ham Seniñ mubârak nâmiñü tildän qoymägän, Vatän hurligi uçün cân bergän, ammâ Vatän tupraqıdä yâtiş nasib etmägän şahıdlärni öz rahmätinğä âlgaysen. Ul mubârak zâtlärni qıyâmätdä bandäm degäysen, Rasülillah şafâätlärigä Öziñ muyässär qılğaysen, âmiyn!

Yâ Tañrim, Öziñüñ rızalıgıñ bilän, şahıdlär ruhını şad etmâq maqsädidä şul asärni yâzmâqqa cazm etdim. BİZ gunâhkâr bandäläriñgä Öziñ hıdâyät, insâfû tâvfiq ber...

MÜXTÄSÄR MUQADDİMÄ

Bu tñj Unyet sayyâräsi taşvişli xabär bilän uyğändi. biretägi deñizgä tutâş baländ tğ sıynäsigä cäyläşgän kuzätüv maskäni «1248» raqami bilän belgilänän sayyârägä yetib bğrgän kâinät kemäsiniñ halâkätgä uçragäni haqıdä malümât tarqatdı. Kemä nimä sabäbdän sayyârä sathıgä qulägäni nâmälüm edi. Unet âlimlärigä malüm bolgän narsä fazâgırlärniñ uçtäsi halâk bolgän.

birävi hayât, ammâ uniñdä qısmäti qârânğı. Oşä tñj unetliklär taqvimidä 2419 yıl, ertä küz äyiniñ on birinçi küni başlandı. Unetliklär «1248» sayyâräniñ nâmi «Yer» ekänini, kemäläri Yer vaqti bilän 1908 yıl ıyuniniñ ottizinçi tñjidä halâkätgä uçragäniñ keyinraq bilädilär. Tırık qalgän yagänä fazâgırniñ taqdiri esä ulärgä uzâq yıllar nâmälüm bolib qäläverädi.

OTTİZ YILDÄN SOD...

1

Bu qamâqxânâ quş uçsâ qanâti, âdâm yursâ âyâğı kuymäydiğän, ammâ quşniñ ham, âdâmniñ ham yetib kelmâğı muşköl bolgän uzâq bir ormânzârgä cäyläşgän edi. Fuqarâ urüşidä çapdästligi bilän dâñ tarätgän, Buxârâ amirini Afğân çegäräsigä qadâr taqıb etib bârgän, çavändâzlikdä, qılıç çâpişdä tenji yoq âdâm kelib-kelib manâ şundäy âvlâqdägi qamâqxânägä başlıq bolgänidän xafâ edi. U âsüdä hayâtgä tâqat qılâlmäsdi. Sıyâsiy mahbuslärniñ momin-qâbilligi uniñ ğaşini keltirärdi. Nafsilâm birini aytgändä, bu yerdägilärniñ barçâsi u uçün şunçâki sıyâsiy mahbus emäs, balki xalq duşmânları edilär. Fuqarâ urüş çâğıdä ulärni tamâmân qırıp taşlâmägänidän afsüslär çekärdi. Yaxşı hamki aqlı âdamlar bu qamâqqa oğri-källäkesärlärni ham yubârışgän. Başlıq dastläb ulärni ıışgä sâlib, koñil xumârini yâzdi. Oğri-källäkesärlär birginä ıışrâ bilän sıyâsiy mahbuslärni doppâslâb qalışâr, Başlıq esâ bu manzârâni huzürlänib tāmâşâ qılâr edi. Birâq bu ham bârâ-bârâ koñligä lazzât bermäy qoydi. Çunki quruq tāmâşâbinlik Başlıqniñ tabiätigä yât, bundäy doppâslâşdä özi ııştırâk etmäsä, dılı taskin tâpmäs edi.

Künlärniñ biridä u koñligä taskin-täsälli berüvçi acâyib biroyin oylâb tâpdi. Bu oyun âqıbatidä başqarmäğä ğalâti malümâtlar berâ başlâdi: «Fâlân ısmli, fâlân raqamli mahbus qâçışgä urinän paytdä âtib taşlândi...» Başqarmädägilär bu qamâqxânädän kim qâçâ âlärkin, qâçıb qaygä bârärkin, deb oylâb otirişmäsdi. Ulâr uçün eñ muhımı — mahbus tırıklâyın qâçıb ketmâbdi — kifâyâ!

İkki kundän beri tınmäyâtgän yâmğır qamâqxânâ başlığiniñ ruhını tamâmân ezib taşlâdi. Recâsi boyıçâ keçâ âvgä çıqışı keräk edi. Yâmğır yerni atälâ qılıb yubârdi. Qadâm bâsgäniñdä etikkâ birpud lây ilâşib çıqqandän âyâqni kotärâ âlmäy qâlâsän. Turkistânıñ ıssıq quyâşıgä, sarâ mevâlârigä orgänän Başlıq bu namğärçilikkä, yâmğır tıñanıdän keyin yâpirilädigän çıvinlârgä tâqat qılâlmäs edi. U birân yumüş bilän şuğullanmäsä, yurägi tars yârilib ketişini hıs qılıb, toqqızınçı barâkdägi ayğâqçisini çağırtirdi. Tumşuğı âldinâ turtib çıqqan ayğâqçı âstânâ hatlâdi-yu pādşâh qarşisidä «Buyürsinlär, âliy hazrâtlâri», deb qol qâvüştirgän mulâzimdäy yuvâşginâ turdi. Bu hâlâtdä qamâqxânâ başlığı çındän ham pādşâh, u esâ sâdıq mulâzim maqâmıdä edi.

Albättä, Başlıqqa «Siz pādşāhsiz!» degän ädām balälärgä qälärdi. Çunki Başlıq bu sözdän hazār qılār edi. Pādşāhu bāylärgä qarätä ot açgän, cahân ıñılābi uçün qılıç yalāngāçlägän ädāmni «pādşāh» deb atāşni eñ uluğ haqārāt sanärdi. Kimdä-kim curāt etib «Sen eşäksän!» desä, keçirişi mumkindir, amma «Sen pādşāhsän!» degän tilniñ aqıbatdä kesilüvi tayin edi. Şunā qarāmāy Başlıq kiçik birmamläkät pādşāhı egä bolgän ımtiyāzlärdän fäydälänärdi. Uniñ ayrim qılıqlärigä qarāb, u özinı äddiy pādşāhmäs, Xudā deb, qamāqxānädägilärni bandi emäs, bandä deb bilädi şekilli, deyiş ham mumkin edi.

U muşuk bälädäy tıtrayātğan ayğāqçisigä açınāsimān qarāb tur-di-dä, ustāl ustidägi arāqdän ıstākāñä toldirib quydi. Ayğāqçı ıldām yurib kelib, ıstākānnı qoligä aldı-dä, tort yutümdä boşätädi. «Küf» deb qoyib tilini çıkarib, labini yalāb qoydi.

— Xudā yārlaqasin sizni, — dedi.

Başlıq uniñ yuzigä tarsäki tärtib yubardı.

— Bu xānädä Xudāni tilgä älmä demäbmidim?, dedi Ğazāb bilān.

Ayğāqçı kutilmägän tarsäki zarbidän birçay qaldı-yu, özinı tutib aldı.

— Bılmāy aytvāribmān, keçiriñ. Mullāniñ atrāfidä yurāverib, tilim orgānib qalıbdı.

— Bunaqa tilni kesib, ıtlärgä taşlāş keräk. Xoş, nimä deydi mullāñ?

— Konmāyāptı, — ayğāqçı şundāy deb yanā labini yalädi. Başlıq cavābdän qanıqmägänini anläb, qoşımçä qıldı:

— İndāmāy yātāversäk gunāh-kü, qāçış ham cihādniñ birturi, deb ham kordim.

— Nimä deydi?

— Kop gapirmāydi, baş çayqaydi, xālās.

— Başqalār-çı?

— Başqalār ançā koñān.

— Ançā degāniñ nimäsi?

— Mullägä qarāb turışıbdı.

— Özləridə kallə yoqmi?

— Mullənin közi yamən. birqarəsə, ʔdəmni ǵaləti qılıb qoyədi.

— ǵaləti degənin niməsi?

— Qol-ʔyʔq boşəşib, cən halqumǵə kelib qǵlǵənjə oxşaydi.

— Cənin halqumıǵə keldimi? Bəşlıq şundəy deb uǵə qattıq tıkdı. Soǵ caǵıǵə muşt tuşirdi. Ayǵǵaqçı ikki qadəm narıǵə uçib tuşdi. Bundəy muştədən keyin tepkiləş bəşlənişini bılǵəni uçuñ ǵucənək bolib əldi. Bu safər Bəşlıq marhamət qılıb, tepmədi.

— Yəmǵır tıǵənıdən keyin qəçəsənlər, deb gapni kaltə qıldı.

Ayǵǵaqçı çıqıb ketǵəç, mınərədəǵı səqçilər ormənə qarəb oq ətə bəşlədilər. «Yanə keldimi?» deb oylədi Bəşlıq derəzə əşə həvliǵə qarəb. Keyin yərdəmçisini çağırıb «Nimə gap?» deb sorədi.

— Oq otməs buǵu yanə paydə bolibdi, — dedi yərdəmçi.

Ertə bahərdə qaməqxənə atrəfidə kattə şəxdər birbuǵu paydə bolǵən edi. Uǵə qarəb ətilǵən oq izsiz ketərdi. Hattə mergənlər ham pəyləb ətişdi — fəydə bermədi. Şundən soǵ buǵuni korgəndə askərlərni sarəsımə bəsədıǵən boldi. Bəşlıq «Oq ətişsə, qorquvləri kaməyər», degən fıkrdə səqçilərgə buǵu korinişi bilən ətişǵə ruxsət bergən edi.

2

Təzə havədən nəfəs əlişǵə konikkən tabi nəzik ədəm toqqızınçı barəkkə kirib qəlsə, bu cəyniñ qolənsə hıdigə təqat qıləlməy qəçib çıqışı tayin. Ədəm boyidən ikki qariçginə baləndrəq qılıb səliǵən bu bəstirməniñ beldən sal yuqərisiginə yer sathıdən tepədə. İkki şapələq hacmdəǵı darçələrdən xırə nur bazər kirədi. Qopəl eşik açılǵən mahaldə təzə havə yəpirilib kirişi mumkin. Ǵolələr tırqışidən sizib otüvçi havə esə taməki, ter va yanə alləmbələlərnin hıdini haydəb çıxarə əlməydi.

Rahmətülləh bu barəkkə qadəm bəşǵən dastləbki daqıqadə kop qıynəldi. Oqçıq tutəverib tınkə-mədərini quritdi. Bundən battər balələrgə çıdəǵən ədəm bələsi, taqdir ekən, bu sassıq havəǵə ham konikdi. Rahmətülləh bilən birǵə kelǵən Mırhəsəl barək əstənasini hatləş bilən burnini berkitib:

— Xuddi lahadgä oxşaydı-ya, — degänidä Rahmätüllâh:

— Undäy demän, birädär, lahad bunaqa sassıq bolmäs, — deb edi.

Qışdä yâqqan qâr baräk boğâtigäçä bäsib, Ğolä tırğışlärیدän kirib turüvçi havâ yoli ham berkilgänidä, opkäsı zaifrâq mahbus bahârgä yetib bârışidän umidini uzädi. Rahmätüllâh yâmğır yâqqan kunläri qıynälädi. Başqa mahal, qâr yağıb turgänidä ham, ormändä işläb, koñli sal âvünädi. Tuni bilän qıynälgän opkäsı râhatlänädi.

İkki kun ezib yâqqan yâmğır uni sıl qilib yubârây dedi. Keçä âqşâmdä, calä avcigä çıqqan mahaldä Başlıq «Zerikib qâlišmäsin», deb rahm qilib, barçäni taşqarigä quvib, yugürtirdi. Oşändän beri baräkdän çıqışgä heç kimniñ tâqati yoq. Rahmätüllâh ormändägi allaqandäy yâvvâyı mevâniñ noxâtdek kelädigän danägidän özi yasäb âlgän dänälärni ogirib, tasbeh aytädi. U Âllâhgä nälälär qılmäydi. «E Tañrim, ne uçün menä bundäy azâblärni ravâ kordin, gunâhım ne edi?» deb fiğân çekmäydi. Şundäyginä yänidä cağni muştümigä tırägän hâldä, kirlänib ketgän darçä ârquali taşqarigä tkilib yuztübän yâtgän Mırhâsil birkuni şundäy deb zârlänänidä, Rahmätüllâh:

— Asti undäy demän, birädär, neki korgülik korgän bolsäk, özimizniñ felimizdän. Qäläversä, Âllâhniñ ımtıhâni ham birmarhamät, — degän edi.

— Men-kü, Xudâni unütäyâzgän birbandä edim, menä birâğır sınaşni ravâ koribdimi, taqdirimgä tan beräy. Ammâ sizdäy taqvâ egäsini bunçälär xâr qılmäsä? — degän edi

Mırhâsil. — Astağfirüllâh! Kimni qandäy sınaşni orgätmâq âciz bandälärniñ yumüşı emäs. Kimni ıymâñä qaytärmi yâ yoqmi, deb sınaşä, kimni ıymâni naqadär sâbit ekänini anıqlâmâqdir, vallâhı aläm...

«Yâ Ibädii! İzä ıbtäläytü abdän mın ıbädii muminän fahamidäni va sabärä aläyyä ma ıbtäläyтуhu fainnahu yaqumü mın madcâihı zalikâ kayävmä valädäthu mınäl xatâyäâ».(Mäzmüni budir: “Ey bandälärim! Men bandälärim içidän birmomin kişini birän musibät yetküzib) ımtıhân qılsäm, u menä hamd aytib, meniñ ımtıhânimgä sabr qılsä, u oşä cäydän turgänidä xatädän (günâhlärdän) ânäsi tuqqan kişidek pâk bolib turädi”. Xadisi Qudsiydän)

Täbiätän cızzäkırâq bolgän Mırhâsil Rahmätüllâh bilän bu xusüsdä yanä birneçä karrä bahs yuritdi. Mırhâsilniñ gapläri bazän şakkâklık sari yetäkläsä ham Rahmätüllâh uñä haqıqatni sabr bilän uqtırmâqçı boläverdi. Ustâzi şayx İsmâil uñä şundäy talim bergän: «İymândän qaytgänlärgä yâki kâfirlärgä duç kelsän, sabrli bol, Haq-tââlâniñ yolini sabr bilän tuşuntir. Şâyäd, bugün bolmäsä ertägä Âllâh ulär qalbidägi qulfni açsä...»

Âllâhniñ zıkri bilän band bolib otirgän Rahmätüllâh xayâlini Mırhâsilniñ âvâzi buzdi:

«Men endi xuddi birsâmân parçäsi...

Lâkin zor denizniñ çeksiz qoynidä,

Cimginä bärädır kirsiz qoynimdä,

Erkin kopäklärniñ allaqañçäsi...»

Rahmätüllâh tasbeh dânaläridän közini âlib Mırhâsilgä qarädi. Uniñ qımir etmäy yâtğanini korib «öziçä gapıryäpti», deb oylädi-dä, yanä tasbeh dânalärigä tıkdı. Şu ândä Mırhâsil yanä tilgä kirdi:

Qıpğızil qân bolib

Künlär bätädır...

Yâmân hıdgä tolib

Tâñlär âtädır...

Âğır kunlär tuşdı meniñ başımgä...

Mırhâsil qaddini kotärib, çârdânä qurib otirdi-dä, aybdâr âdämdäy başını egdi.

— Şer tuğılib qâldimi, şâir birädär? — dedi Rahmätüllâh hımlık ilä.

— Ustâzniñ şerläriñi eslädim. Hâzir qaydä ekäñlär, qaysi sassıq baräkdä yâtıbdı ekäñlär?

«Erkin başqalärdir, qamälgän menmân...»

Hayvân qatâridä sanälgän menmân...»

— Şundäy âdämgä cabr qılışdı-ya! — Mırhâsil âlâm bilân baş çayqadı.

— Öz hamkäsbläri qollärigä kişän urib berişdi-ya! Taqsir, ertä ındin- ustâz qamâqdän çıqıb kelsälär, ulärniñ vıcdânläri azâb çekmäsmikin?

— Vıcdânläri deysizmi? — Rahmätüllâh acäbländi.

— Munâfiqdä vıcdân bolädi, deb sizgä kim aytdı?

— Ulär dözäximilär?

— Buni qıyâmätdä yâlgız Âllâhniñ öziginä belgiläydi. Biz âciz bandälärmiz. Kim dözäxgä, kim cannätgä nâil bolmâğı bizgä qârângı.

— Şunaqa deysiz-u, korinib turgän anıq narsäni tan âlginiz kelmäydi. Âdâm goştini yeyiş harâmı? Harâm! Harâm yegänlär dözäxgä tuşadı? Tuşadı. Tuhmät, ğıybät âdâm goştı yeyiş bilân barâbärmi? Barâbär... Dözäxdän başqa yergä tuşmäydi u malünlär. Ammâ men ham ulärniñ ketidän dözäxgä tuşışni ıstârdım. Ulärniñ kuyib6, cızğanäk bolib, azâblär çekişläri keriş uçün ham dözäxdä bolışni ıstârdım.

— Astağfirüllâh! — Rahmätüllâh şundäy deb tasbeh ogirgäniçä pıçirlädi: «Vä ma-a allämnâhu-ş-şerrä va ma-a yanbağyi lahu...» (Mänâsi: Biz unğä muhammädgä şer orgätmädik va şâirlik uniñ uçün durüst emäsdür... Yâsin suräsi, 69-âyat)

Rahmätüllâh şâirlärniñ fel-atvârini bılmägäni uçün şu paytgäçä bu âyatniñ mâhiyätini durüst añlâmäs edi. Toğrı, ustâzi bu xusüsdä ham talim bergän. Rahmätüllâh u zâtniñ aytgänläri yaxşı esläydi. Hâzir ham tasbeh ogirä turib, yâdgä âldi: «Muhammäd aläyhıssälâm mädâmiki, Âllâh-täälâ tāmānidän yubârilgän payğambär ekänlär, demäk, faqat va faqat râst sözlämâqlıkläri şartdır. Nazm esä öz ehtirâsi, mubâlağasi bilân râstgöylikni kotärä âlmäydür. «Şerniñ eñ şirini yâlgānidir», deb şâirlärniñ özläri ham etirâf etürlärkim, öz ummätlärigä birumr amäl qılınädürğän dın arkânläri orgätüvçi, xusüsän, ğayb âlämi, âxirät dıyâri haqıdä xabär berädürğän payğambärniñ şâir bolışı çındän ham durüst emäsdür...»

Rahmütüllâh Mırhâsilgä köz qırı bilân bâqadı. «Bu bandäniñ kokrägidä âlâv bär. Yândirädi, kuydirädi... Buki yurt qayğusidä bunçälär yânsä, ustâzi qançälär yânär ekän?» deb oyläydi.

Mirhâsil gapləri Rahmätüllâhgä yâqmâgânini fahmlädi. Köz qırı taşlâb qoygânini ham sezdi. «Taqşirgä maqul gap aytiş muşkül. Uni aytsän, makruh deydi, buni aytsän, şaytân vasväsäsi, deydi. Pıçirlâb duâ oqıyverär, oqıyverär... Durüst, Âllâhni zıkr etmâq — muslim üçün farz. Ammâ cihâd degän tuşünçä ham bär-kü?! Neçün eslämäydi buni?» deb xayâldän keçirädi. Tunâv kuni Komissär şundäy degänidä Rahmätüllâh uñä qattıq tıkdı-yu, indämädi. Soñ xâli qalıb, Mirhâsil buni takrârlägändä, «Cihâdgä qandäy kotäriläsiz? Çâr-atrâf ğayri dın bolsä, faräsät egäläri âz, kalläkesär-müttahamlär kop bolsä, yanä munâfıqlär...» dedi.

Mirhâsil sezib yuribdi: Rahmätüllâh Komissärni yâqtırmäydi. Şundän bolsä keräk, uniñ takliflärigä bepisänd qaräydi. Qaçışdän qorqadimi yâ Komissärgä işänmäydimi? Baräkdä uni heç kim ısmi bilän çaqırmäydi. Hammâ «Komissär» deydi. Mirhâsil uniñ çındän Komissär bolgän-bölmägânini bilmäydi. Ammâ kattâ papkâ qoltıqlâb ızvâşlârdä, soñ avtâmâbildä kerilib otirgânini korgän. Bu taqsir-kü, malüm — bâlşevikläрни hazm qilä âlmäydi. Qızıl komändir-çi? U nimägä işänmäyaptı? Rahmätüllâhniñ oñ tāmānidä ğucānāk bolib yātğān sâçü qâşlari sap-sarıq bu ādāmni «Qızıl komāndir» deyişlari nātāniş kişigä ğalāti, hattā kesātıq kabi tuyulādi. Aslidä esā u çındän ham qızıl komāndir bolğān. Frünze taqdim etğān qılıçini oynātib, xop davr surgān. Haqıqat deb qılıç çāpgānidä, rahmāt eşitārdi, haqıqat gapni aytib qoyib, özini bu yerdä kordi. Keçä yāmğır āstidä mahbuslär yugürtirilğāndä yanä birhaq gap aytdi, özi kabi qılıç çāpgān, özi kabi qızıl komāndir bolğān, birāq, tilini tıyā ālgāni üçün mahbus kiyimini kiymāğān sâbıq qurāldāşı birginä muşt bilän közi atrāfini kokārtirdi. Bu kok ketär, ammâ qāriñä tuşğān tepkilär asārāti ketmäs korinādi. Keçädän beri āğrıq kuçāysä kuçāydiki, kamāymādi. Āğrıq zabtigä ālgānidä beixtiyār ıñrāb qoyādi.

Hâzir ham ıñrādi. Rahmätüllâh tasbeh dānäsidadän közini ālib, Qızıl komāndirgä qarādi. Kaftini uniñ peşānäsigä qoydi.

— Isitmäsi bärmi? — deb sorādi Mirhâsil.

Rahmätüllâh «Ha», deb baş ırğadi. Qızıl komāndir közlärini açib, qaddini sal kotārdi.

— Komissär qanı? — dedi zaif āvāzdä.

— Çaqrıb ketişdi, — dedi Mirhâsil.

— Uniñ taklifini oylădim, — dedi Qızıl komandır.

— Toğri aytădi: qâçış keräk. Qutülib ketälmäsmiz balki, amma olgändä ham ısyân qılıb oliş keräk. Bundäy yaşaş mumkin emäs. Başqalärgä sabâq bolsın. Taqsır, başqa yol yoq.

Keçägi kuñä qadâr qâçış haqıdâ söz ketsä, Qızıl komandır qatıy rad etäyâtğan edi. «Biz anlaşılmâvçilik tufäyli bu yerlärgä kelib qaldık. Ortâq Stălin bu nâmâqulçilikläрни şundäyliciä qoyıb qoymăydi. Men dâhiygä xat yăzdim. Hademäy uyimizgä ketämiz», deb ışântırmâqçı bolardı. (Mäktübläri Başlıq xănäsıdä umrını yaşâb bolğanını u nădân bandâ qaydân bılsın?) Keçä yâmgırdä bokib, maydänniñ atălăsinı çıkarıb yugürişğänidän soñ Başlıq xănäsıgä haqıqat ızlâb kirdi. Kirişdä dadil edi, dam otmăy çap közi xıräläşğän, tepki azâbidân bukçäygän hăldä çıqdi. Hâzir uxlâb yâtğandır, deb oylâşğän edi. Yoq, uyğâq ekân. Uyqusız tun uni dâhiydân marhamât kutış befäydä ekänigä ışântıribdi. Dılidä ısyân ruhını uyğâtıbdı. Kimgä, nimägä qarşı ısyân qılădi? Nimägä erişădi? birmartâ ısyân qılıb-kü, korădigänini korib yâtıbdı.

— Taqsır, gapırsăñiz-çi... — dedi Qızıl komandır.

Rahmătüllâh tasbeh dănălăridân közlărini âlmăğän hăldä:

— Men sizgä toğri yol korsătişğä âcizmân. Toğri yolni Yarătğänniñ özi korsătădi. Bu yerdân-kü qâçıb qutülărsız, keyin-çi? — dedi. Soñ pıçirlâb qoşıb qoydi:

—İnnă ilāhı va innă ilāyhı râciün...

— Siz... öziñiz bilăsiz... xăhlăsăñiz, otirăveriñ. Qızıl komandır şundäy deb Mırhăsilgä qarădi:

— Bulăr heç qaçân biz bilân birgä bolışmăğän.

— Komandır, — dedi Mırhăsil keskin âhañdä,— oylăbrâq gapiriñ.

— Rancimăñ, birădăr, bu kişi toğri gapni aytdılăr, — dedi Rahmătüllâh xâtircămlık bilân. — Biz faqat Âllăhdân yuz ogirmăğănlăr bilân birgä bolămiz.

— Ha... birgä bolăsiz... — Qızıl komandır şundäy deb ıñrădi. Bu ıñrâş tan âğrıǵı azâbidânmi edi yâinki ruh azâbidânmi edi, hamsuhbătlăr farqlăy âlişmădi. Bir-ikki nafăs otmăy, Qızıl komandır yană tilgä kirdi: — Âllâh «săbr qılgin», degän — sabr

qıldik. Âllâh «bâylikkâ berilmä, kibrgä berilmä», dedi. Ammâ bâylär qulâq sâlmädilər. Sabrlilər azâbdä yuräverdi. Âllâhgä boyinsünmägänlär râhatdä yayrâyverdi. Şumi haqiqat? «Âllâh», «Âllâh» deysiz... Âllâhınız sizdän yuz ogirgän, şunä aqlınız yetmäyäptimi?

Rahmätüllâh pıçirläb ıstıǧfâr aytdi, ammâ Qızıl komändirgä cavâb qaytärmädi, bahsgä kirişmädi. Manä şu âdäti mahbus birädärläriniñ yuräğini yârib yubârây derdi. Qızıl komandır ham, Komissär ham, bazän Mırhâsil ham uni bahsgä târtışgä urinib korärdi. Birâq, Rahmätüllâh ulär başlâmâqçı bolgän yolgä yaqınlâşmäs edi. birkuni Komissär: «Siz nimä uçün bahsdän qâçasız, bizniñ haqiqatımız âldidä siz âcizsiz», degänidä uniñ xayâligä dastläb «Yä ıbnı Adämä! İlä kam tacâlisü-sâlihıynä va la takünü minhum faizä calästahum va lam takün minhum famätâ tuflıhu?» degän kalimä keldi³⁴. Ammâ bu mubâräk sözlärgä Komissärniñ fahmi yetmäsliğini esläb, fikrini londä bayân qilä qâlgän edi: «Sizniñ qalbiñizgä şaytân ın qurib câylâşib âlgän. Siz avvâl qalbiñizni pâkläñ, soñ haqiqat xusüsidä men bilän sözläşin».

Komissär kirib câyigä çözildi. U har safâr navbätdägi «sörâq»dän qaytgäç, şundây qilädi. Aynıqsä, xocâyın arâq bilän sıylägän damdä, hıdidän payqab qâlışmäsın, deb başını ham çâyşäbgä oräb âlädi. Rahmätüllâh buni fahmlägän, uniñ qadâm âlişi beca ekänini sezgän. Şu bâis uniñ gapläri, taklifläriñi etibârsız qâldirärdi. Komissär başını çâyşäbgä oräb âlgän bolsä-dä, Rahmätüllâhniñ otkir nıǧâhını hıs qıldı. U şart çâyşäbni yulqıb, qaddini kotärdi — yañlışmägän edi, Rahmätüllâh unä qattıq tıkilib turärdi.

— Nimägä meñä bundây qaräysiz? — dedi Komissär tıtrâq âvâzdä. — Gapiriñ, maqsädiñizni yaşırmän, aytiñ!

Rahmätüllâh undän nıǧâhını âlib qaçmädi. Komissär bundän battâr talväsägä tuşdı.

— Qarämän meñä, — dedi bu safâr yaliniş âhañidä.

Sâqçı kirib, Rahmätüllâhni çağırmägänidä âxiri nimä bolışını aytiş muşkül edi. Har hâldä Komissärniñ bu nıǧâhgä çıdây âlmäsdän talväsä âlâvidä qâvrilib, âqıbat pârtläşi haqiqatgä yaqın edi.

Rahmätüllâh ornidän turâyâtib, Mırhâsilgä birqarâb âldi. Mırhâsil bu qarâşnıñ manâsini toğrı añlâb, uñâ ergäşdi. Eşikkä yaqınlâşğanıdâ Rahmätüllâh Mırhâsilgä qarâmägän hâldâ, xuddi özigä-özi gapirâyâtğandây dedi:

— Siz esli âdâmsiz, ehtiyât bolıñ. Başqa gap aytmädi. Randâ kormägän qalın taxtälârdän ıslâññan beöxşâv⁴⁶ eşikni açib, taşqarigä çıqdi.

3

Aygâqçı çıqıb ketişi bilân Başlıq unıñ ızidân tupürdi. Garçı Komissâr xâlis xızmat qilâyâtğän bolsâ-dâ, Başlıq undân nafrâtlânâr edi. «Sâtilişi bu qadâr âsân bolğän âdâm qandây Komissârlık qılğän, âdâmlârni nimälârgä davât etğän, buñâ ergäşğänlâr qandây ahmâqlâr ekân?» deb oylâr edi. Hâzir ham şu oy xayâligä kelib, ğıcınıb tupürdi. Soñ labigä papirâs qıstirib, qollârini şiminiñ çontâğigä sâlgän hâldâ, ğâz kelbâtidâ⁴⁶ u yân-bu yân yurdi.

Xüddi şu ândâ mınâradâgi sâqçılâr oq otmâs buğuni korib qâlib, palâpârtiş oqqa tutâ başlâdilâr. Başlıq «Oq otmâs buğu yanâ paydâ bolyâptı», degän xabâr bilân kirkän yârdâmçisigä qattıq tıkdı. Yârdâmçi bu qarâşğâ dâş berâlmây, buğuni özi atâyin başlâb kelib gunâhgä bâtgän âdâmdây, başını egdi.

— Toqqızınçı barâkdâgi mullâni çağır. Tunneldân kelsin.

Yârdâmçi «Xâtâ eşitmâdimmi?» degän xayâldâ başlığığa savâl nazâri bilân qarâb âldi. Başlıq buni sezib, keskin takidlâdi:

— Ha, tunneldân!

«Tünnel» degänlâri sımtör bilân orâlgän ıtxânâniñ ortâsidân kesib otüvçi dahlizmânând yol. Hamışâ yarım aç hâldâ saqlânüvçi, «bâs!» deyilsä, har qandây tırık cânni Qacib taşlâşğâ tayyâr ıtlâr ârâsidân otib kelişniñ özi bolmâydi. Bu ham Başlıqniñ ıxtirâlâridän biri. Cazâğâ lâyıq mahbuslâr başlârigä şundây korgülik tuşışidân qorqışadi. Başlıq esâ «Xâlg duşmânlaridân hattâ ıtlâr ham hazâr qilâdilâr», deb ulârniñ talânişlârini huzûr bilân kuzâtâdi. Yârdâmçi momingâbil hâldâ yurüvçi mullâni bilâr edi, şu bâis ham «U qandây gunâh qılıbdi?» degän oydâ başlığığa savâl nazâri bilân qarâğän edi.

Rahmätüllâh Başlıqniñ xânasigä toğri yoldän emäs, ârqa tãmândän bârışlärini bilib, tunneldän otişgä hukm bolgänini fahmlädi. Sımtör eşik açılmäy turib Yarätgänä munâcât etib, bu azâblärdän qutqarişni soräb edi, şu daqıqadä qamâqxânä devâri ârtidägi ormânzârdä buğuniñ uzün okırıq âvâzi eşitildi. Munâcât bilän band bolgän Rahmätüllâh avvâligä bu zârli âvâzgä unçalik etibâr bermädi. İkkinçi okırıq yanädä baländ âvâzdä, butün ormânzârni, ormânzârniñ pâkizä bağrigä kanädek yâpişib turgän qamâqxânäni larzägä sâlgändek boldi. Rahmätüllâh birzum toxtädi. Uniñ qulâğı âstidä buğuniñ âddiy okırığı emäs, «Âllâhu akbâr!» degän sâf, caränli âvâz yañrâgän edi. Bundäy âvâzni u Kabätüllâhdä eşitär edi. Ulğayib, Turkistânä qaytgänidän keyin neçä miñ martä azân âvâzini eşitdi, amma Kabätüllâhdägi muâzzin âvâzigä oxşâgänini uçrâtmädi⁶¹. Bâlälikdä qulâğıgä quyilib qâlgäni uçünmi, bu sâf, caräñdâr âvâz, bu âhañ Rahmätüllâh uçün qadrli edi. Nimä uçün buğuniñ okırığı uñä «Âllâhu akbâr!» bolib eşitildi

— özi ham añlâmädi. Avvâligä, meñä şundäy tuyıldı, deb oylädi, birâq, bu hâlät yanä uç karrä takrârläñäç, kalimäi tâyyibäni aytib, beixtiyâr âsmâñä qarädi. Yuzlärini sâvuq tāmçılär savälädi. Mınâradägi sâqçılär ormâñä qaräb paläpärtiş oq âtäverdilär. Sâqçi yelkäsigä astä turtib, uni tunnelgä yollädi. Rahmätüllâh «Bismillâh», deb âstânä hatläb, kalimäi şahâdätini aytdi-yu, soñ «Âyätäl kursiy»ni oqıb, özi tāmân yugürib kelâyâtgän itlärgä tıkdı. Âradägi masâfä uç qadâm qâlgänidä «Şü qâqsüyak bandäni ermäk qilämiz» deb vâvülläb yugürib kelâyâtgän itlär birdän dumlärini qısıb, toxtäb qâldilär. Soñ ârqağarigä qaytib, ın-ınlärigä kirib ketdilär. Rahmätüllâh tunneldän otib âlgäç, xuddi bori kabi boyinlärini çözib birneçä martä ulidilär.

Bu manzäräni korgän sâqçiniñ esi çıqıb ketâyâzdı. Deräzä âşä qaräb turgän Başlıq ham sarâsimägä tuşdı. Sarâsimä toridän çıqışgä ulgürmäy, eşik açilib, âstânädä Rahmätüllâh korindi.

Başlıqniñ Rahmätüllâh bilän gapläşiş istägi yoq edi. Anıqrâq aytilsä, uniñ bus-butün hâldä, birân yeri hattâ tırnâlmägän tarzda kirib kelişi mumkinligini mutlaqâ kutmägän edi. Na ılâc qılsinki, eti ustixânigä yâpişgän, qârâçädän kelgän, bâtıq közläridä qatıyât zuhur bolgän bu mahbus ropäräsida turibdi. birneçä daqıqa muqaddäm şu yerdä turgän ayğâqçi kabi közläri cavdirämäydi, qaddi egilmäydi.

Başlıq uniñ qârâmağız yuzigä qarab acäbländi: ayğâqçı ham, yârdämçisi ham âq-sarıqdän kelgän bolsä-dä, yuzi tund korinadi. Bu mahbusniñ qârämtir yuzi esä yârışib turgäñä oxşaydı. Başlıq bu muämmägä cavâb tâpişgä haräkät qılmäydi. U mahbusni çağırtırdı. Mahbus ropäräsidadä turibdi. Endi nimädir deyişi keräk.

— Sen nimä uçün aksilinqılâbiy taşvıqât bilän şugullänyäpsän? — dedi toñ âhañdä. Başlıq bu savâlni cazälämâqçı bolgän mahbusigä qarab, âdätdä baqırıp aytardı. Toqqızınçı baräkdän çağırtirilgän bu mullägä nimä uçündür baqırılmadı. Buñä dastläb özi ham acäbländi. Soñ özidän özi nafrätländi. Mulläniñ savâlgä darrâv cavâb bermäy, kiprik qâqmägän hâldä turişi uniñ Ğazäbini yanädä âşirdi:

— Ayt, nimä uçün aksilinqılâbiy taşvıqât yurgäzyäpsän?

Bu safär âdätini kandä qılmädi — âvâzi barällä çıqıp, hâvüri birâz kotärildi. Bu safär ham savâli cavâbsız qâlgâç, urişgä şaylândi-yu, ammâ beixtiyâr ravişdä özini tıydi.

— Gapgä tuşünäsänmi öziñ?

Rahmätüllâh uniñ tilidä sözläşişni bilmäs edi. Faqat ayrim buyruqlärniñ manâsiniginä tuşünär, sâqçılär, işdägi nazârätçilär popisä qilib qâlsä, Mırhâsil orgätgän ikki sözni işlätib, ulärniñ dağdağasidän qutülärdi. Hâzir ham bısätidägi oşä sözlärni işlätädi:

— Net pänimäş.

Başlıq «Tfü!» deb sokindi. Çındän ham, özi bu mahbusniñ tilini bilmäsä, bu mahbus esä uniñ gaplärigä tuşünmäsä, nimä desin? U mullägä nafrät közini birâz qadäb turdi-dä, qımır etmägän hâldä baqırıp, yârdämçisini çağırdı:

— Bu maräznñ tilini bilädigänlärdän bittäsini başläb kel!

Buniñ tilini kim bılışi yârdämçi uçün qarâñğı edi. Anıqrâq aytilsä, hâzirginä hammäni hayrätgä sâlib tunneldän otib kelgän bu âdämniñ millätini bilmäs edi. Qamâqdä âsiyâliklär kop, ammâ, ulärniñ milläti har xıl bolsä... Başlıq yârdämçisiniñ talmâvsiräb turgänini korib, Ğazäbini uñä sâçdı:

— Buyruqqa tuşünmädiñmi, galväs?!

— Tuşündim, lekin...

— Nimä, «Lekin»?

— Qaysi tildä gaplaşar ekän?

— Bärrib, baräkdägi hamtävâqläridän soräysän. Şunä ham kallän ıslämäydimi?

Ärädän kop vaqt otmäy, xänä eşigi açılıb, Yärdämçi buyruq bacärilgänini malüm qıldı. Uñä na Başlıqdän, na Rahmätüllähdän sadä çıqdı. Başlıq nıgâhı otkir bu mulläni nimä deb qıyınğıstâvgä âlişni oylardı. Manä şu qısqa fursät içidä u nıhâyätdä ağır vazifägä tayin etilgänini yanä birbär hıs etdi. Fuqarâ urüşidä minñ çandän durüst edi. Bunaqalärgä nimä desäm ekän, deb baş qâtirib otirmäsdi. Qılıçını yalänğäçläb birsiltär edi, tamâm.

Rahmätülläh Başlıqniñ doppäsläb qalış ädäti bärliğini eşitgän, şu sabäbli undän köz uzmäy turardı. «Yä bani Adämä! Inni harrämtü-z-zülmä alä nafsii va caältüxü baynäküm muharrämän falä tazäälämüü»... Bu ham ädäm farzändi-kü, zulmgä bunça äşnä bolmäsä, — deb oylar edi u.

Xänägä kirib kelgän Komissär uniñ xayâlini tözitib yubardı. Xänä ortäsidä Başlıq bilän yuzmä-yuz turgän Rahmätüllähni korib, Komissär qorqıb ketdi. U tilmâçlik qiläcägidän bexäbär edi, şu bäs «Bu mullä meniñ haqımdä yämän gap aytdimi?» degän oy badänigä sâvuq tıtrâq tarqatdı. Komissärniñ xıyânätgä mâyl ekänini gumän qilib yurgän Rahmätülläh ham «Bu birän nimäni çaqqan ekän-dä», deb oyladı. Ulärniñ gumänli oylärigä Başlıqniñ Ğazäbli âvâzi barham berdi:

— Buniñ tilini biläsänmi?

— Bilämän... — Komissär Başlıqqa nacât nazäri bilän bāqdi-dä, pastrāq âvāzdä qoşib qoydı: — bittäsini bilämän.

— «Bittäsi» degäniñ nimäsi?

— Bu kop tillärni bilädi.

— Meñä bittäsi ham yetädi. Tarcimä qıl: nimä uçün lagerdä aksilinqılâbiy taşvıqât yurgizyâptı?

Komissär tarcimä qıldı. Rahmätülläh savâlını tuşünmäy, Başlıqqa qarädi:

— Aksilinqılâbiy taşvıqât nimä?

Başlıq yanä yân tāmāñä tupürib, sokindi:

— Xudâgä sığınäsänmi?

— Ha, men yalgız Allâhgä sığınämän.

— Daräxt kesgäni çıqqanıñdä berkinib ıbadät qiläsänmi?

Bu savaldän soñ Rahmätüllâh Komissärgä tııldı. Komissär közini âlib qaçdı.

Qamâqxânädä kim bolsın — musülmânmi, nasrâniymi, yahudiymi — farqı yoq, ıbadät qılış qatıyân man etilgän edi. Rahmätüllâh ıckäridä ekänidä ımâ-ışârä bilän bolsä-dä, namâzını oqır, daräxt kesışgä çıqqanıñdä esä butälär âräsığä yaşırinib ıbadät qilär, bundäy damlärädä özini suvgä qaytib tuşgän balıqdek râhatdä hıs etär edi. Sâqçılär korişsä ham ındaşmäs, Rahmätüllâh şuniñ uçün ham Yarätgäñä şukrlär qilär edi. Uniñ namâz oqışını sâqçılär Başlıqqa çaqışmâydı. Rahmätüllâhniñ Komissärgä qaräb qoyışı şu vachdän boldi.

— Men faqatginä âmânätini Özigä tâpşirgänimdän keyiñinä ıbadätni qoyämän, — dedi Rahmätüllâh qatıy âhañdä.

— Âmânäti nimä ekän? — deb acäbländi Başlıq.

— Cänini aytyäpti, — dedi Komissär, olgünimçä oqıyverämän, demâqçı.

Başlıq bu ocär âdämni faqatginä urib xumârdän çıqış mumkin degän xuläsägä keldi. «Bulär bilän muşt tilidä gapläşş keräk. Tilmâç ham lâzim emäs». U şundäy fıkrdä qol kotärdi. Rahmätüllâh uniñ urüşgä çağlänänini korsä-dä, qılt etmädi. Başlıq urmâqqa hezländi-yu, amma kutilmägändä qolını ârqagä sıltädi. Bundän Komissärginä emäs, özi ham hayrätländi. Âldiñä oqdek uçışı lâzim bolgän muştıni qandäydir kuç ârqagä sıltäb taşlägän edi.

— Bugünçä urmäymän, — dedi Başlıq hayrätini âşkâr qılmäslikkâ tırışib. — Uız sorämâqçıgä oxşadı, ayt, tız çöksin, uzrını qabul qilämän.

Rahmätüllâh Komissärniñ tilidän bu gapni eşitib, kulimsirädi.

— Nimägä işşäyyäpsän?

— Men bandä âldidä tız çokmäymän. Men faqat Âllâhniñ qulimän, bandägä tavbä qılmäymän.

Bu gapdän Başlıqniñ Ğazâb daryâsi tolib tâşdı. Yanä urmâqçı boldı, birâq yanä haligi hâlât takrârlänmäsin degän xavâtirdä özini tutdı.

— Şunaqami, korämiz, — dedi ıcirğanib. Soñ yârdämçisini çağırıp, buyürdi:

— Tunneldän haydä bulärni!

— Meniñ nimä gunâhım bâr? — dedi Komissâr qorquv bilän.

— Hammäñ birgorsänlär.

— Til uçidä bolsä ham tavbä qilib qoyä qâliñ, bulär bilän oçâkişmän,— dedi Komissâr Rahmätüllâhgä yalinib.

— Men munâfıqlık qilä âlmäymän, birädär.

— Axır, âç itlârgä talâtmâqçı.

— Öziñiz tız çokäveriñ.

Rahmätüllâh şundäy deb Yârdämçiniñ «Çıq!» degän ışârâsigä itâât etdi. Komissâr yıġlâmäsä ham yıġläğüdek bolib uñä ergäşdi.

Bu safâr manzärä özgäçä boldı — itlär dumlärini qısib inlârigä kirib ketmädilär, aksinçä, Rahmätüllâh bilän Komissâr atrâfidä cân-cahdläri bilän vâvülläyverdilər.

Başlıq bu manzäräni ham hayrät, ham Ğazâb bilän kuzätädi. Muştümini qattıq qısdı — hattâ barmâqläri qısirläb ketdi.

— Men it emäsmän, mendän qaçıp qutülib bopsän!— U öziçä şundäy dedi-dä yârdämçisini çağırđı:

— İkki sâätdän soñ Komissârgä ayt: âperätsiyä ertägä tângä belgilänädi. Tayinlä: tâş yâġsä ham qâldirilmäydi. «Ayıq»qa aytib qoy: bugün ulärni birermäk qılsın.

«Ayıq» qamâqxânäniñ azrâili hısâblänädi. U kimnidir ermäk qıldimi — demäk, u beçäräniñ umr şâmi yaqınlâşıbdı. Başlıq toqqızınçı barâkdägilärni bekârgä «Ayıq»qa tâpşirmädi. Ertäñi «âv» âldidän ulärniñ sıllâsini quritib, öziñiñ yumüşini pıçâ6 âsânlaştırmâqçı edi. Yârdämçi buni tuşınıb, ılcâyıp qoydı.

4

«Tünnel»dän otib alışğanıdan soñ Komissär Rahmätüllähniñ çap yelkäsindən astä uşläb, uni özigä qarätädi: — U badbäxt bilän yamân oçakişdıñız. Endi tınç qoymäydi. Qaçmäsäniz, oldim, deyäverin.

Rahmätülläh toxtäb, atrâfgä qulâq tutdı: buğuniñ zârli okırığı ham, qulâğı âstidä caräñläyâtğan «Ällähu akbär!» degän âvâz ham tınğan, hammäyâq birdänigä âsüdälik bağrigä sığınan edi. Rahmätülläh Komissärgä qarädi — uniñ qorquvdänmi yâ ızgırındanmi, rañi âqargan, labläri bilinär-bilinmäs tıträr edi. — Yanä oşä gapmi? — deb yelkäsindən Komissärniñ qolini âldi. — Sizgä bir hıkmät aytäyinmi? Siz Qul Xâcä Ahmäd ısmli zâti bâbäräkätni bilärsiz? U kişi bälä çäqläridä maktäbdägi ustâzläri ılm täliblärigä bir yumuş buyürildilär. Aytibdilärki, «Bälälär, sizlär ertägä bittädän xorâz soyib âlib keläsizlär. Ammâ xorâzni Ällähniñ nazäri tuşmäydiğän câyda soyıñızlär». Ertäsigä bälälär ustâzläri vazifäsini bacärib kelibdilär. Birävi koprik âstidä, birävi esä âşxânädämi soyibdi-dä, Qul Xâcä Ahmäd esä xorâzni trığıçä kotärib kelibdilär. Ustâzläriniñ «Siz nimä uçün soyib kelmädiñiz?» degän savâllärigä u zâti bâbäräkät: «Men Ällähniñ nazäri tuşmäydiğän câyni tâpâ âlmädim», degän ekänlär. Komissär, siz bu hıkmät yängäğini bir çaqıb koriñ, maqulmi?

Komissär Rahmätüllähdän közlärini âlib qaç-di. Oşä qolänsä hıdli baräkkä âldinmä -keyin kirib barişdi. Qızıl komandır hamân ıñrâb yâtär, Mırhâsil esä çärdänä qurib âlgän, tırsäğini tızzäsigä, muştümünü esä ıyagigä tırägäniçä oygä bâtib otirär edi. Rahmätüllähni korib, çaqqanlıq bilän ornidan turdi-dä, uñä peşvâz çıqıb, uzâq safärdän qaytgän âdämnı qarşılägändäy, quçaqlab âldi.

— Bu çaqırüvniñ bâisi nimä ekän, deb koñlim bir alağdä boldi, tınçlıkmi ekän?

— Korib turgäniñizdek, — dedi Rahmätülläh uni quçağıdan boşätib. — Soräydirgän sorâqläri bär ekän. Ulärniñ yumuşı, şü-dä. Komissär akäniz tilmâçlık qilib berdilär.

— Xayriyät, zıyân yetkäzmäbdi, — dedi Mırhâsil uniñ yelkälärini mehr bilän siläb. «Zıyân yetkäzmäbdi, deb Bâşlıqni nazärdä tutyäpti, deb oylädi Rahmätülläh. — Ällähniñ özi asrägänini bu bilmäydi. Komissär-çi. Uniñ fahmi yetdimikän buñä?»

Rahmätüllâh şu xayâldâ ârçasığa ogirildi. Komissâr heç narsâ anlämägändäy, közlärini çetgä âlib, uniñ yânidän otdi-dä, câyigä bârib çözildi.

— Komändir qıynälyäpti, dedi Mırhâsil Rahmätüllâh câyigä bârib otirgäç. — Bir nimä qılsäniz-çi?

— Men nimä qiläy? Tabiblik qolimdän kelmäsä... Men ham Âllâhniñ siz kabi âciz bandäsिमän.

— Oqısäniz-çi? Em bolmäsmikin?

— Oqısämmi? — Rahmätüllâh baş çayqadi. — Bu kişi Âllâhni tan âlmäsälär, aqıdäläri boläk bolsä... Avvâl ıymânğa kalimä keltirsälär edi...

Qızıl komändir közlärini açdı.

— Keräkmäs, — dedi u xastä âvâzdä. — Keräkmäs... Endi fäydäsi yoq. Taqsir, Fırävnniñ qısmätini esläysizmi? — Qızıl komändir «uh-h» deb yubârdı. Soñ qıynälib yutindi. — Olim âldidä kalimä keltirgänidä, Xudâ «Böldi, endi keç», degän ekän.

Rahmätüllâh uñä acäblänib qarädi.

— Buni siz kimdän eşitgänsiz?

— Eşitmägänmän... oqıgänmän, U bir âz tın âldi. — Men... madräsä korgän âdämmän. — Astağfirüllâh! Şundäy bolä turib?

— Ha... Nikâlây pädşâni duâ qılış, u falâkätniñ nâmini xutbägä qoşib oqış durüst emäs, degänim uçün haydäşgän. Meni haq sözim uçün kokrägimdän itärdiläriñmi men endi senlär bilän bir dındä qälâlmäymän, deb xudäsiz bolgän âdämmän. Bu yağığä endi men emäs, ulär gunâhkârdirlär. — Bu yağı yâlgız Âllâhgä malüm.

— Ha, malüm. Men ulär bilän... — Qızıl komändir Rahmätüllâhgä qattıq tıkdı. — Siz bilän ham birgä bolmädim. Tâ tırık ekänmän, birgä bolmäymän. Ammâ... ammâ... kambağalniñ qânini sorib yâtgän bâyılarnı sizlärgä oxşab duâ qılmädim. Sizlär Âllâhniñ kalâmini bir tugünçä nâz-nemät eväzigä sâtib kun korüvçi çayqävçisizlär. Bây yelkänizgä çâpân taşläsä «Ey Âllâh, manä şu saxiy bandängä cannätdän cây hâzirläb qoy», deb ertäyü keç duâ qiläsizlär. Ha... a, Mırhâsil, siz yanä bu zâtgä «Oqıb

qoyın», deysiz. Ağar çapın yapsam, ıymın keltirgänmänmi, yoqmi, suriştirib otirmäy oqıb taşläyverärdilər...

— Astağfirülläh! — Rahmätülläh azab ıskäncäsidadı ğädäm bilän bahsläşışni özigä ravâ kormädi. Özini äqläşni artıqça deb bıldı. Gunâhkâr ädämginä özini äqläşgä kirişib ketädi. Qızıl komandır ısbâtsiz, tuzsiz gaplärni aytdı. Bir-ikki äğız gap bilän uniñ taşgä aylänän qalbini eritä älärmidi?

Mirhâsil Rahmätüllähniñ suküt saqläşini öziçä tuşündi. Rahmätüllähdän arzırılı cavâb kutib bezâvtäländi. Cavâbgä Qızıl komandır ham ılhaq edi. Özi ıstämäsä-dä, hâli bolmäsä-dä, qandäydir kuç uni bahsgä davât etärdi. Rahmätüllähgä zahrini sâçsâ, goyâ dardi yeñilläşädigändäy²⁷ edi.

— Cavâb bermäysizmi, taqsir?

— Birädär, şu şarâitdä, şu hâlâtdä bahs cäizmikin?

— Cäiz! — Qızıl komandır şundäy deb tırsägigä suyänib, qaddini kotärdi. — Men haqıqatni yanädä äydinläştirib älmäqçimän.

— U hâldä cavâb şuki... — Rahmätülläh bir äz suküt saqlab, soñ davâm etdi: — Deydilärki, «Burgägä aççıq qılıb, korpä kuydirmä»... Siz korpäni emäs, ıymänni kuydirib qoyıbsız. Qıyâmätdä dalillärinüz, uzrlärinüz ınâbätgä älinmäy qalsä-çi, degän hadikdämän.

— Uh-h... — Qızıl komandır ıräb, başını qattıq yästıqqa qoydı. — Bas qılıñlar,— dedi Komissär yätgän yeridä.— Bu yer haqıqatni äydinläştirädigän cäy emäs. Bekärgä falsäfä soqmäy, cänni ämân saqlaş çärälärini oylänlar. Bittäginä yol qalgän. Hâzir biz «tünnel»dän otib keldik. İtlärniñ qârni toqrâq ekän, tegişmädi. Bälä-çaqamgä «Ätän ıtlärgä talänib, yem bolib oldi», degän xabär bârişidän ısnâd qilämän. Olsäk ham, ädämgä oxşab oläylik.

U şundäy deyişgä dedi-yu, bulärgä qoşib özini ham ätib taşläşlari mumkinligini oylab, içidän qırindi otdi. — Ädämlär qaçışyaptı, — dedi u sır bây bermäslikkâ haräkät qilib. — Quvib çıqışdı. Ammâ boş qaytışdı. Yetib âlişsâ, yâ tırigini, yâ oligini keltirişärdi. Bu yerlär ävlâq bolgäni bilän yol bâr-kü? — U bir äz cımlık saqlädi-dä, qatıy qilib qoşib qoydı: — Ha, yol bâr!

Rahmätüllâh uniñ gaplärini eşitgisi kelmädi. Uniñ molcälidä asr namâziniñ vaqti bolgân edi. Eskirib, titilä başlägân cunçâyşäbgä kaftini urib qoyib tayämmüm qıldı-dä, devâr tāmāñä ogirilib, tiz çokib otirdi. U namâzni oqıb bolgünigä qadâr suhbât uzıldı. Qızıl komändir bir-ikki ıradı. Komissär qolini başıgä balış qılıb, şıpgä tıkilgäniçä cım yâtdi. Mırhâsil yanâ çârdânâ qurib, qaddini bukirbrâq otirib âldi. Rahmätüllâh namâzni oqıb bolgäç, yânbâşlädi.

Ahli muslim âräsidadä esini tanigân bu âdämniñ Âllâhni unütgân bandälär bilân birgä sassıq barâkdä yâtişi insân bäläsi uçün âğır sınaıv edi. Yarätgänniñ huzürigä qaytiş kuni yaqınlâşâyâtgänini uniñ koñli sezib turârdi. Vucüdini allaqandây gâşlik tâbârâ mahv etârdi. Uniñ tanäsi bu âvlâqdägi qamâqxânädä, yurägi esä kokrâk qafäsidadä tutqun. Faqat xayâli âzâdlikdä. Ruhı ham erkindây goyâ, ammâ tutqun vucüdni, kokrâk qafäsidadä qân qaqsâyâtgân nâtinç yurâkni taşläb uzâqqa ketä âlmâydi. Yaxşı hamki tutqunlikni bilmäs xayâl bâr. Parvârdigârniñ zıkridân boşädi degünçä, xayâl uñä avvâl huzür baxş etädi, keyinrâq esä iskâncägä âlib qıynâydi.

Hâzirigidây yânbâşlägân çağıdä maylini xayâl ıxtiyârigä berädi. Xayâl uni bir zumdä kindik qâni tokilgân Makkâi mukârrämägä eltädi. Parişân otirgân zavcäsini korädi. Rahmätüllâh âtä yurtini qârälâb safârgä çıqqanidä u yukli edi. Yarätgänniñ ırâdäsi bilân esân-âmân közi yârib âlgândir, hâzir farzândi arcümândi yugürgilâb oynâb yurädigân yâşgä yetgândir... Rahmätüllâh avvâligä uni ham birgä âlib ketmâqçı bolgân edi. Ânâsi ham «Xâtiniñü qâldirmä», deb yalindi. Rahmätüllâhniñ özi ocârlık qıldı. «Tuğılädigân bälâm özimgä oxşâb musâfir bolib tuğılmâsin», dedi. Anâ şu gapi uçün keyin yuz afsüs çekdi, miñ nadâmâtlâr qıldı. Nâdân ekân. Uniñ bäläsi öziniñ âtä yurtidä musâfir bolib tuğılâr ekânmi? Ocârlıkni, cahlni cılâvlây âlmädi. Aql âcizlik qıldı oşändä. Rahmätüllâh taqdiridân nâlimäs edi, nâliş gunâh ekânini bilârdi. Ayni çağdä hayâtidân koñli tolmas edi. Âtäsi ham savdâ vachıdân, ham Âllâhniñ farzini bacârâyın, deb yolgä çıqqan, şu niyâtdä xâtinini ham yânigä âlgân edi. Yol azâbimi yâ Makkâi mukârrämädägi âb-havâ tasir etdimi — Rahmätüllâhniñ ânâsi betâblânb qâldi. Bir tāmândä betâblik, bir tāmândä ây-küni yaqınlâşâyâtgänidân darâk berüvçi yuzdägi dâğlârniñ quyuqlâşuvi ârtgä qaytiş masäläsini muâmmâ qılıb qoydi. Âtäsi bu yerdä ârttirgân birâdârlâri — Makkädä muqım turib qâlgân özbeklâr maslahati bilân xâtinini taşläb ketişgä macbur boldi. Rahmätüllâh âtäsi ketgäç, bir âydân soñ tuğıldı.

Uñä Rahmätüllâh ıbn İnâyätüllâh Andicâniy deb ısm berişdi. Şu ısm bilän ulğaydı, kamâl tâpdi. Ammâ âtä dıydârini kormädi. U şunısıdän dâğdâ edi. Ânäsi Andicân tāmānlärdän kelüvçi savdâğärlärdän erini sorâqlâb, «Esân âmân yuribdi» degän cavâbni âlärđi. Bir neçä martä yurtigä âtländi, birâq, turli sabäblär bilän bârä âlmädi. Rahmätüllâh madräsäni hatm qılğaç, mudärris uni xuş korib, yelkäsigä kuyâvlik sarpâsini yâpdi. Anä şundän keyin ânäniñ koñli bir âz taskin tâpib, andicânlık savdâğärlärgä qoşilib yurtigä bârib kelmâqni ıxtiyâr etdi. Rahmätüllâh ânäsini yâlgız yubârä âlmäs edi. Ham bu sabâb bolib, ham qân âtä yurtigä târtib, ham âtäni bir koriş ıstâgi ustün kelib — barçäsi taqdir yâzuğıdâ mucässâm boldi-yu, tuğılğan muqaddäs şahrini öz nazäridä bir âz muddätgä tark etdi. Tark etiş u oylägäniçä bir âz muddätgä emäs, balki (buni yanä Âllâh bilädi!) umrbâdgä ekän. Âtä yurtgä keldi ham, âtäni, ogây ukälärini kordi ham. Birâq, zamân alğâv-dälğâv bolib ızigä qaytä âlmädi. Ahli momiñä vaz aytib yurib edi. Çustdägi birädärinikidä mehmân bolib turgänidä hıbsgä âlişdi. Bir neçä kun Namāñān turmäsıdä uşlaşdı, soñ Tâşkentgä âlib ketişdi. Qorbâşılärdän birântäsiniñ xızmatini qılmägän bolsä ham, «Bâsmäçilär bilän qandây alâqañız bâr edi», deb qaytağaytä sorâyverişdi. Qıyin-qıstâvgä âlmây şunçäki sorâb-sörâb qoyışlärıdän añlädiki, qorbâşılärgä alâqası yoqlıgı bulärniñ özigä-dä malüm. Faqat nimäniñdir ilincidä uni sarsân qılışâr edi. Oşâ «nimädir» kop otmäy anıq boldi: uñä bir neçä sahıfä qâğâz berişdi. «Ertäläbgäçä muhlât: Xudâ yoq, deb yâzäsän. Makkädä heç qandây muqaddäs tâş yoq, hammäsi Muhammäd degän savdâğärniñ uydirmäsi, Qurân âsmândän tuşmägän, oşâ savdâğär toqıb yâzgän, deysän. Şulärni yâzsän — âzâd boläsän. Yâzmäsän — suyâklärniñ qamâqdä çıriydi...».

Rahmätüllâh bu buyruqni eşitib, öz qulâqlärigä ışānmädi. Âllâhniñ şerigi bâr yâki Isâ masıh Âllâhniñ oğli, deb yâzişni talâb etişsä balki bunçalik hayrätgä tuşmäs edi. Qân-qanıgä sñıib ketgän haqıqatni rad etiş, yâziş u yâqdä tursin, xayâlgä keltirişniñ öziyâq u uçün benihâyä dahşätli hâl edi. Ulär aytgänni qılsä balki çındän ham çıqarib yubârişâr. Yanä yığirmä yılmi, ottiz yılmi yaşâr. Ammâ qıyâmätdä öziñi Âllâhgä şırk keltirgänlär, Rasülıllâhgä qarşı qılıç kotärgänlär yâki öz ânäsini zinâ qılğanlär qatâridä korädimi? Şu fikrniñ öziyâq vucüdini muz hâligä keltirib, uni bir neçä nafäs murdägä aylântirib qoydı. U buyruqqa itâät etäymi yâ yoqmi, deb fikrlâb ham kormädi. Çunki şundây fikrniñ öziyâq imānini darz ketküzib qoyâr edi. Buyruqqa itâät etmägäç, bu

daxriy sözlərni ulərniñ özləri yazıb berişdi. Imzâ çeksä bas — äzädlikkä çıqadi. U közlärini çirt yumib, Âllâhgä munâcât etdi: «Ey Âllâh, şunä imzâ çekädigän qolimni bu imânsizlärniñ özləri qayirib sındırä qâlišsä, şu xatni oqıgän közlärimgä qum sepib kor qılışsä yaxşı bolmäsmedi! Âllâh, hâzir közimni açgänimdä heç narsäni kormäyin, qollärimni şâl qilib qoygin, aqlimni ham âlgın...» Yâlbârişlări zäe ketdi. Ammâ Yarätgän uñä madäd berdi — aqlini âlmädi, şaytânä qul qilib qoymädi.

Uni ätä yurtdän yanädä uzâqrâq sâvuq olkälärgä conätişdi. Kindik qâni ıssıq tuprâqqa tokilgän edi, câni sâvuq olkädä çıqarmikin?..

U şaytânä qul bolmägänidän xursänd edi. Qıyınçılıklärgä uçrägänidä manä şu quvânc uñä daldä berärdi. Birâq Âllâhniñ bu sâddä bandäsi bir narsäni bilmäs edi: imzâ çekmägän kunniñ indinigä gazetdä Rahmätüllâh İnâyätüllâh oğliniñ Xudädän yuz ogirgäni haqıdägi maqâläsi çâp etildi. Ârädän on beş kun otgâç, uniñ «mütäässib ruhâniylär» tāmānidän oldirilgäni haqıdä kiçkinä xabär çıqdi...

Sâqçı baräk eşigini açib, Komissärni çaqırdı. Komissär bu çaqırüvdän acäblänib, erinibginä ornidän turdi. Hammäläri «Bugün kop yoqlâb qâlišdimi?» degän savâl nazäri bilän uñä qarâşdi. Komissär bu qarâşlärni sezmägändek, indämäy eşik tāmân yurdi.

Mirhâsil Rahmätüllâhgä yaqınrâq surilib, faqat hamsuhbäti eşitä âlädigän past âvâzdä sorädi: — Hali nimä uçün «Ehtiyât bol», deb ketdiñiz?

— Heç nimäni sezmäyäpsizmi? — Rahmätüllâh şundäy deb Komissärniñ boş ornigä qarâb qoydi. — Uñä işänmäyäpsizmi?

— İymânsiz bandägä işâniş mumkinmi?

— Sâtädi, deysizmi?

— Maqsädi meñä qârânğu.

— Nimägä pıçirläşib qâldiläriñ?!

Ikkäläsi barävär âvâz bergän âdämgä qarâşdi. Ulär qamâqxânädä «Ayıq» degän laqab âlgän, kelbäti çındän ham ayıqni eslätüvçi, feli esä qutürgän itnikidek bolgän bu badâxlâq âdämni şu tāmāñä kelâyâtgänini korişgän, ammâ narigä otib ketär, deb

oylaşğan edi. Çunki «Ayıq»niñ şu paytgäçä ulär bilän işi bolmägän edi. «Ayıq» ulärgä zaharlı nıgähini qadab turardı: — Meni ıǵvâ qılyäpsänlärmı?

Ulär cavâb berışgä ulgürişmädi. «Ayıq»niñ uzün qoli çözilib, Mırhâsilniñ yâqasidän âldi. Rahmätüllâh hay-hayläb turgüniçä Mırhâsil bir-ikki muşt yedi. Rahmätüllâh «Ayıq»niñ çayır qollarıgä yâpışdı. Lekin birädärini acratâ âlmädi. «Ayıq» sokindi-dä, tızzäsi bilän uni turtib yubardı. Rahmätüllâh tısrilib yıqıldı, çekkäsini sori qırräsıgä urib âlib, bir neçä nafäs huşını yoqâtıdı. Özigä kelgänidä «Ayıq» vazifäsini adâ etib bolib, câyigä qarab qaytib bärardı. Mırhâsil esä yârlıgän labidän âqayâtğän qânı artış bilän maşğul edi. Komissär qaytgänidä Mırhâsilniñ labidän âqayâtğän qân toxtagän, Rahmätüllâh ham huşigä kelib, câyidä otirğän edi. «Ayıq» hunärini korsätâyâtğän damdä Qızıl komandır tırsägigä suyänib qaddini kotärgäniçä qâldı — câyigä çözilişgä şaşılmädi. Uni hâzir tan azâbi emäs, nâçârlık azâbi qıynâqqa âlardı. Haqsızlıkni korgänidä çıdây âlmäydigän Qızıl komandır birädärlärigä yârdäm berä âlmägänidän ezilardı. «Haqıqat egilädi, bukilädi, birâq sınımaydı», deb qattıq ışânğan bu âdäm, Yer yuzidä adälät ornätış qasdidä kopgä qoşilib qılıç yalängäçlägän surürli bu kimsä yurägidä tıtrab turgän soñgi umid ıpläri şart uzıldı. Umidsız yuräk egäsi, garçi nafäs âlib tursä-dä, murdädän farq qılmây qâlgän edi.

Komissär câyigä qaytgänidä manzärä şundây edi. Undän biräv «Yanä nimä uçün çaqırışıbdı?» deb sorämädi. U ham «Nimä gap, tınçlıkmi?» demädi. Nâtekis taxtälärdän ıslâğan karävâtdä xuddi âmânät gapni aytib ızigä qaytädigän âdämdây âyâqlärini âsiltirib otirdi.

— Bugündän boläk qulây vaziyät bolmäydi, — dedi u özigä özi gapirgändây. — Uçınçı mınâradä özimizniñ hamşahar yığıt sâqçılık qilädi. Uniñ âtâsi başıgä ham bizniñ qârâ kunimiz tuşğän. Buni başlıqläri bılışmäydi. «Tâ bılıb qâlışğünçä yârdäm qilây, âtäm tuşğän câyidä ham zârâ menä oxşägäni tâpilsä», deydi.

Rahmätüllâh gapläri ni eşitgisi kelmây, uñâ ârçasını qilib, ogirilib yâtıdı. Qızıl komandır ham başını yâstıqqa qoydı. Mırhâsil barâkdän taşqarigä çıqıb yâmgır suvidä yuz-qolını yuvib qaytgändä Komissär ham câyigä yâtib âlgän edi. Uççâviniñ közläri yumuq: xuddi uxlâyâtğändây, bir tekisdä nafäs âlib yâtışardı. Mırhâsil ulärniñ

ortäsidägi boş cäygä çıqıb çärdänä qurib äldi. «Uççaçı — uç äläm. Qaysi birigä işänişni bilmäysän, — deb oyladı u.— Dämlä «Älläh korsätgän yoldän çıqmä», deydi. Özi şunä amäl qilädi. Men ham Xudägä qarşı birän näcöyä iş qılmädim. Ädäm oldirmädim. Oğırlik qılmädim, haläl yaşädim. Bälälärni oqıtdım. Vatänni sevişni, äzädlikni qadrlaşni orgätmäqçi boldım. Ustâz tuzümni hazm qilä älmädilər. Meñä ham yâqmädi bu tuzüm. Ammâ muräsä qıldım. Biz-kü, şu tuzümgä ğanim ekänmiz. Şu tuzümniñ egäläri nimä qilib yurişibdi bu yerdä? Bizdäy ädämlärniñ qançasını u dunyâgä conätişdi. Qançasını bu yâqlärgä surgün qılışdi. Äxir-âqıbat bizgä hamtävâq bolışdi. Äzädlikdä yurişgänidä biz bilän bir dastürxân atrâfidä otirişgä âr qılışâr edi. Bizdän nafrätlänişärdi. Korgiligimiz bir ekän-kü? Endi birgä qaçmâqçimizmi? Qayâqqa qaçämiz? Yanä oşâ buzuq yurtgämi? U yerdä bizgä kimniñ közi uçib turibdi? Xudäniñ qarğışı tekkän bu cäylärdän qaçıb xâricgä otib ketişniñ nahât imkâni bolsä?» Mırhâsil bu savâlنی özigä-özi yuz bärä bergän bolsä, yuz bärä, miñ bärä bergän bolsä, miñ bärä cavâbsız qâldırâr, cavâb tâpâ älmäs edi. Rahmätüllâh «Qıyâmât kuni qaçân?» degän savâlgä cavâb berälmägänidek, Mırhâsil ham bu muämmâni yeçä älmäs edi. «Tävakkäl qılmâqdän özgä çärä yoq!» — şu toxtämdän narigä otä älmäsdi.

Qızıl komändir közlärini açıb, çärdänä qurib otirgän Mırhâsilgä qarab yâtdi. «Bu bälä faqırgä qıyın boldi. Hali goşänä kormây turib başını ne azâblärgä tutib berdi. Ustâzi-kü, nâdän ekän. Nimä edi?.. — Qızıl komändir Mırhâsildän eşitgän satrni eslâmâqçi boldi: — Ha.. «Ey, har turli qullikläрни sındırmägän hur olkä, negä senin boğıziñü boğıb turâr kolänkä?...» Esi butün bolsä, şunaqa deb yâzädimi? Bolgändä, şunaqa yâşlärgä cabr boldi. Şâir-kü, özi pışırgän âşni özi içibdi. Bu bälälärdä nimä gunâh edi? Ayni goşänädä ayşını surädigän paytdä-ya... Men bu yâşdä adälät deb ât surib yurdim. Adälät faqat şu camiyätdä qadr tâpişi mumkin edi. Bulär nimä uçün işänişmädi? Biz tuşünmävçilik qurbâni boldik. Buzuq fikrlilär royxätigä nâörin tuşdik. Endi birgä qaçmâqçimiz. Dämläniñ maqsädi tayın. Bu yerdän qutülsä, xâricgä qaçädi. Lekin bu yerdän ketgisi yoq. Şunisi acäblänärli. Nimä uçün qaçıb qutülüşigä işänmäyâpti? Komissärni äiläsi kutib turibdi. Mırhâsilniñ sevgilisi bär. Nimä edi?.. «Men suygän suyükli şunçälär gözäl. Äydän-dä gözäldir, kundän-dä gözäl!..» Meni kim kutyâpti? Olsäm kim azä açädi?..» Qızıl komändirniñ xayâlidägi bu savâlgä kimdir «Seni kim kutärdi, Azrâil kutyâpti», deb şıvirlägändäy boldi. Vucüdini muz

xarsəni bəsib otgəndəy, azəyi badəni seskəndi. «Bu ham toğri, — deb taqdirgə tan berdi u, — bu yerdən qəçgənim bilən uzəqqa yetməymən. Har həldə qaməqdə, sassıq barəkdə xunük başəralər ərəsində olgəndən korə, erkinlikdə olgənim durüst-kü? Cənim keçqurün uzilsə, yuldüzlərnə korib qələrmən. Kundüzi olsəm, balki quyəşni korərmən. Əsmənni bulüt bəssə heç bolməsə oşə bulütəni, darəxt şəxini, bittəginə gıyəhni korib qələmənkü? Balki yuzimgə bittəginə pəkizə yəmğır təmçisi tuşər? Sonğı nəfəsim çiqayətgəndə balki tabiətniñ özi labimgə suv təmizər? Əlləhniñ meñə korsətgən marhaməti balki şü bolər? Əlləh gunəhlərimni keçirib, meni şü martəbəgə ləyiq korər? Dəmlə biz bilən qəçsə yaxşı bolərdi. Olsəm, canəzəmni oqırdi. Uç kunlik çaqaləqligimdə quləğimni azən aytib açışgən ekən. Canəzəsiz ketsəm durüst bolməs. Men haləl yaşədim. Xudə gunəhlərimni keçirədi. Men Xudədən eməs, nədən dındərlərdən yuz ogirgənmən. Xudədən yuz ogirgənlər qançə? Yurişibdi hammələri davrə davrənlərini surib. Men ulərdəy munəfiq eməsmən. Ləkin dəmlə meni aynən oşə munəfiqlər qatəridə korədi. Uñə haqiqətni tuşüntirə əlmədim. Tuşüntirəlsəm, insəfgə kelərmidi...» Xəyəlindən şü gaplər otgən Qızil koməndir Mırhəsilniñ yelkəsindən uşləb, özigə qəratdi: — Dəmləgə aytiñ, ocərləlik qilməsinlər, — dedi müləyim əvəzdə.

Mırhəsil uñə cavəb berişgə ulgürmədi, gapgə Komissər arələşdi: — Aytməñ, zorləməñ.

— Dəmlə meñə kerəklər, — dedi Qızil koməndir ocərləlik bilən.

— Nəməgə?

— Yoldə olgüdəy bolsəm, canəzəmni bu kişidən başqa kim oqıydi?

— Bunaqa bəməni xəyəlgə bərməñ. Siz koməndirsiz, axir! Men sizni yəlgizlətib qoyməymən. Komissərligimni unütgənim yoq. Qançə yursək, sizni özim suyəb yurəmən.

Qızil koməndir bir əz cım qəldi. Komissər vadə bergəni bilən konli tınçimədi. Komissər mehrəbən ədəm, çindən ham suyəb yurədi. Ammə olimgə duç kelsə, u ham nəçər... Azrəilniñ çənəlidən saqləb qələ əlməydi.

— Dâmlâ, — dedi Qızıl komandır xayâlläridän çekinib. Rahmätüllâh ındämädi.
— Dâmlâ, uyğâqsız, bılıb yâtıbmân. Ağâr sizgä malâl kelmäsä, canâzâmni hâzir oqıñ.
Issıq cân, bılıb bolmäydi.

Rahmätüllâh cavâb bermädi, hattâ qımirläb ham qoymädi. Uñä cavâb beriş yañı
bahs darvâzäsini açış bilän teñ edi. Şu bâis sukütni afzäl bildi.

6

Qızıl komandırniñ «Cânâzâ oqıb qoyıñ», deyişi Rahmätüllâh koñligä bir cıhatdän
taskin berdi. «Har hâldä ıymânini butünläy sâvürib yubârmägän ekân, dılıdä Âllâh bâr
ekân», deb qoydı. Ammâ uniñ ıltimâsini yerdä qâldırışgä macbur edi.
Molcällänâyâtğän⁸⁴ qâçış Âllâh yolidä cıhâd uçün bolsä ekân, bulärgä şahıdlik
martäbäsi nasib etsä ekân, âldindän canâzäläri oqıb qoyılsä... «U Fırävnniñ qısmätini
boynigä âlib yâtıbdı, — deb oylädi Rahmätüllâh, — şu dard cânimni âlädi, degän fıkr
xayâlini egällägän. ğâfil bandä! Ertä-ındin olä qalışını qayâqdän bılıbdı? Dard bergän
Âllâh şıfâsini ham berädi-kü?...» Rahmätüllâh turli xayâllärgä bandi bolib uzâq yâtdı.
Mahbusläрниñ u yâqdän-bu yâqqa yurişläri tındı. Qoñır-qoñır âvâzlär ham eşitilmäy
qâldı. Buniñ ornini turli âhañlärdägi xurräk, alahsiräşlär egällädi. Tun yarimläğändä
Rahmätüllâhniñ közi ıladı. On daqıqaginä davâm etgän uyqusidä ğaläti tuş kordı.
Tuşidä mudärrisi — qaynâtäsi uç boläk âq surpni uñä uzätyäpti. «Bittäsi señä, qâlgäni
şerikläringä», dermiş. «Menäm bulär bilän ketäyinmi? Undä tort kişi bolämiz», dermiş
Rahmätüllâh. «Bittängä lâzim emäs». U şundäy deb şâxdâr buğugä aylänib qâlgänmiş.
Soñ Rahmätüllâh uñä minib âlgänmiş. Buğu yeldek uçib, uni toğrı Kabätüllâhgä âlib
bârgänmiş... «Xäyriyät, bâmdädgä yetib keldik», dermiş Rahmätüllâh. Keyin
muâzzinniñ âvâzi eşitilibdi: «Âllâhu akbâr!» Rahmätüllâh Makkäi mukärrämädä
ekänidä bazän şu azân tâvüşini eşitib uyğânärdi. Subhı sâdıqdä yañrägän azân âvâzi
uniñ ruhıgä madäd berär, yaxşı bir kayfiyätdä başını yâstıqdän kotärärdi. Hâzir ham
quş uyqusidän şu hâldä uyğandı. Qulâğıgä azân tâvüşü başqa eşitilmädi. Özini
Kabätüllâhdä emäs, yanä sassıq baräkdä korib, yurägi ezildi. Komissärniñ
«Bölaqâlıñlar», degän âvâzini eşitdi. Qızıl komandır bir ıñrâb, ornidän turdı.

— Taqsir bilän xayrlaşâylik, — deb pıçirlädi Mırhâsil.

— UyQâtmäñ, bilmägäni maqul. Sâtib qoyışı mumkin.

Şivirləb aytilgən gap qılıçgə aylənib, Rahmätüllähniñ tanäsini qıymäləb taşlägändäy boldi. Xäinlik koçäsidadn otış mumkinligini xattâ xayâl qılmägän âdäm uçün bundäy gumân eñ yâmân haqârätdän ham battär edi. Komissärgä esä aynän şu keräk edi. Sonğı yoqlävdä u «Qandäy bolmäsin Mulläni âlib çıqasän», degän qatıy tâpşırıq âlgän, oyläy-oyläy Rahmätüllähniñ cığığa tegişni recä qılğän edi. Recäsi amäl berdi — Rahmätülläh ornidadn turib ulärgä ergäşdi. «Şülärgä qoşilib cän beriş yazuğımdä bolsä, na çärä», deb oylädi.

7

Başlıq qârânğu xänädä, deräzä âldidä yârdämçisi bilän turärdi. Toqqızınçı baräk eşigi açilib, hâvlidä âdäm qâräsi koriñaç, mamnün cılmäyib koydi.

— Umrimdägi eñ marâqli âv şu bugün bolädi, — dedi-dä, şarpälärgä sınçıkläb tıkdı: — Kimni suyäb yurişibdi, sudräläyâtğän kim?

— Keçä sizdän adälät taläb qilib kelğän âdäm.

— İkkitä tepkili hâli bär ekänmi? Şu ahvâldä komändirlik qılğän ekänmi, e ânäsini... — Başlıq sokinib, yänigä tupürdi. — Nimä qılardı sudrüb, olsä şu yerdä ham oläverärdi.

— Sır açilib qälmäsin, deb qorqdi.

— Ha, bopti. Buläri — señä. Mullä — meñä.

— Bulär degäniñiz... Komissär hammi?

— Umi?.. Bugünçä tegmäy qoyä qâl uñä. Yanä keräk bolib qälär. Uni keyinrâqqa âlib qoyäsän. Özigä oxşägän uç-törttâ maymünbaşäräni topläysän. Xuddi maymün ävlägändek bolämiz. Taygädä maymün âvi! Zor bolädi, a?

— Zor narsälärni oyläb tâpäsiz-a, — deb Yârdämçi uñä xuşâmäd qilib qoydi.

Qızışib âlmâq uçün ıstākānlärni toldirib arâq sıpqarışdi. Yârdämçi labini kafti bilän artib, taşqarigä çıqdi. Dam otmäy sâqçılär oq uzib «Qaçdı! Qaçdı!» deb baqırıp qalışdi. Şundän son Başlıq xuddi kattâ işni qâyil qilib qoyğändäy Ğaz yuriş bilän xänäsidadn çıqdi.

Hävligä tuşgän zahâti sâqçibâşi yugürüb kelib, hısâb berdi: — Mahbuslâr qâçgâni anıqlândi.

— Közlärin qayâqdâ edi, sâqçilärin ğaflât bâsib uxlâb qâlibdimi? — deb baqırdı Başlıq. — Neçtä ekân qâçgâni?

— Torttä.

— Qaysi barâkdân?

— Anıqlâyâpmiz. Sâqçilâr ızdân quvişgä şay.

— Sen şu yerdä qâl. Özim bârämân ızlâridân.

Şü payt tıkânli sımtör ârtidân buğuniñ okırığı eşitilib, hammâ huşyâr târtıdı.

Başlıq qâçâqlârni quvişgä şaşilmâyâtgân edi. Aynıqsâ, buğuniñ okırığıdân soñ koñlidâ «Men çıqmây qoyâ qâlsâm-çı?» degân fıkır ham paydâ boldi. Bu fıkrniñ umri qısqa edi. «Miş-mişlârgä işânüvçi qorqâq âdâmgä aylânyâpmânmi?» degân ikkinçi fıkr birinçisini boğıb oldirdi. Başlıq âyâqlârini kerib, qollârini ârqaşigä qılĝân hâldâ bir âz turdı. Keyin papirâs tutâtıdı. U bundây turışni sâbıq komândirigä taqlid qılıb orgâñân edi. Garçi hâzir âq zâbitlârni korârgä közi bolmâsâ-dâ, özi sezmâgân hâldâ ulârniñ kop âdâtlârini özigä sıñdırgân edi. Xusûsân, manâ şu turışı, ikki gapniñ biridâ «ânâñ-ni», deb sokinib qoyışı, sokinâ turib tupürışı zâbitlârdân uñâ merâs bolib otĝân. Turkistân olkâşigä ilk martâ kelĝânidâ, hali yıgıt çâĝidâ undâ bundây âdâtlâr yoq edi. Dalâdâ qoş haydâb yurgân yıgıt bu ıssıq olkâlârgä kelib âdâm oldirârmân, deb oylâmâgân ham edi. Dastlâb qözĝâlânçilârni âtişdâ qollâri qaltırâb tepkini bâsâ âlmâgân edi. Bir u emâs, yânidâgilâr ham şu hâlgä tuşışĝândi. Oşâ manzârâni u tez-tez esläydi. «Şûnaqañi galvârs ekânmänâ», deb özidân-özi kulâdi. Oşândâ yıgirmâgä yaqın qözĝâlânçi âtişgä hukm bolĝân edi. Ulâr car boyidâ, âtüvçilârgä ârqa ogirib turışârdi. «Âtilsin» degân buyruq yañrâşi hamân başlârini burib qarâşârdi. Ulârniñ mayüs közlârini korgân askârlâr mılıtq tepkisini bâsâ âlışmâs edi. Anâ oşândâ âtdâ otirĝân zâbit şart qılıçini yalâñĝâçlâb qözĝâlânçilârgä yaqınlâşĝân, ulârniñ kallâsini bir-bir uzib taşlâĝân edi. Askârlâr maşq paytidâ xâdâçâlârgä yâpiştirilĝân lây kallâlârni şundây uzişârdi. Zâbit soñgi kallâni uzĝaç, moylâvini burâĝân, askârlârni avvâl sokib, soñ buñâ qanâât qılmây, qamçılâb xumârdân çıqqan edi. Ârâdân yıllâr otib, Başlıqniñ dıydâsi qâtıdı,

qoli qaltirämäydidän boldi. Uniñ qılıçı ham taläy kallälärni beärmän uzdi. Çâpân kiyib, sallâ oräğänlärni korgändä qoli qılıç dastäsigä bärädigän bolib qalgän edi. Tâñ âtişi bilän başlanacak âv oşâ orgäñän koñilniñ ortänişi tufäyli edi. Uniñ koñli qançalik ortänmäsin, şaşilmädi. Çunki qaçâqlärniñ bärär cäyläri tayin — Komissär belgilänän anıq yol boyıça başläydi ulärni. Ormânzârgä çıqıb, duç kelgän taräfgä qaçışsâ, başqa gap edi. Buniñ ustigä, çalacân âdämni sudrâb yurişläri qıyın. Sal nari ketişsin. Yugürüb, sudrâlib, lâygä belänib hâldän täyişsin. Aft-başarälärini butälär tırnâb azâb bersin. Anä undän keyin âvni başläsâ bolädi — Başlıqniñ recäsi şundäy edi.

8

«Nahât sezdimäy otdik?! Nahât, qaçıb qutılış nasib etgän bolsä?!» Simtikândän uzâqlaşışgäni sayın ulärni umid hıssı tábärä çulğab bärär edi. Hattâ Rahmätüllâhdä ilinc uyğänä başlägändi.

Dästläb tez-tez yurişdi. Qızıl komändirgä ham quvvät kirgändäy boldi. Olimni emäs, âzâdlikni oylâb, qadämini ıldäm taşlaşgä haräkät qıldı.

Bädänidägi âğrıqlärniñ toxtägäniğä özi ham acäbländi. Qamâqxânä tāmāndä mılıqlârdän oq uzildi. «Sezib qalışdı», deb oylâşdı barävärigä. Oq âvâzläri ulärni yanädä tez yurişgä macbur etdi. Âyâqläri kolmäklärgä tuşıb, sırğanıb yıqılışsâ ham, tızäläriğäçä cıqqa hol bolsä ham, ıldäm yurişdi. Bir zamân buğuniñ okırığı eşitildiyü oq âvâzläri butünläy tındı. Buğuniñ okırığını eşitişi bilän Rahmätüllâh toxtädi. Oşâ zahâti uniñ qulâqläri âstidä muâzzinniñ tanış âvâzi yañrâdi. «Bu ne sınâât boldi?» deb oylädi Rahmätüllâh.

— Dâmlä, toxtämän, — dedi Komissär. Çındän ham toxtâb, oy surädigän vaziyät emäs edi. Tâñ bözärä başlägänidä ulär qamâqxânädän on beş-yigirmä çaqırım uzâqlaşdıq, deb molcäl qılışdı. Bunçalik kop uzâqlaşışmägänini, balki yol ılânizi qilib âliñäni uçun şundäy tuyülgänini faqat Komissär bilärdi. Tâñdä molcäldägi manzilgä yetib kelişgäç, dam âlişgä ruxsät berdi.

Yâmğır suvini bokib içib, xamirdek kopçib qâlgân yergä çözülişdi. Tez yurib badänläri qızib ketgänidän, hâldän tâygänläridän, yerniñ zaxini sezmädilär. Yer bir neçä daqıqa yumşâq korpädek tuyülib, râhatländilär. Badänläri sâvügäç, zax öz kuçini korsätä başlädi. Eñ avvâlâ, Qızıl komandır tepki azâblärini yanâ hıs qıldı. Bir neçä sâât xâli qoygân bu azâb endi haqını undirişgä qasd qılğändäy zabtigä âldi. Suyäkläri zırqırâb, câni halqumigä kelib qâlgändäy boldi.

Komissär qaddini kotärib, daräxtgä suyänib otirdi. «Väzifäm bıtdı hısâb, — deb oylädi u. — Hâzir kelib qalışädi. Komandır azâbläridän birätölä qutülädi. Manâ bulär bir-birläriniñ safsätälärini eşitişdän qutülädilär». Komissär ulärgä açınğändäy bolib, bir-bir qaräb çıqdı. Rahmätüllâh uniñ xavâtir zuhur bolgân nıgâhını ılgadı. «Nimägä otirib âldi, nimägä şaşirmäyäpti?» deb oylädi. Mırhäsildä bundäy sınçâvlik yoq, u özini tamâmân âzâd hıs qilib, surürli bulütlär ustidä suzmâqdä edi. Komissär bir neçä ây hamtâvâq bolgân yurtdaşläriniñ olim bilän âlişüvläri başlänişini bilärdi. U faqat öz qısmätiniğinä bilmäs edi. «Bulärniñ nimä bolışlări tayın, — deb oylädi u. — Men-çi? Daydı oq olimgä yaqın turgân Komandırğä emäs, meñä tegsä-çi?» Şu fıkır xayâligä kelib seskändi. «Bâşlıq âv tugägändän soñ qaytäsän, devdi. Nimä uçün âv tugâşını kutişim keräk? Tayınlâgân manzili şu yer. Men tâpşırığını uddälädim Bulärni çalgıtıb ızimgä qaytämân endi. Bâşlıq oşqırsä, «Gäpiñizni yaxşı anlämäbmän», dermän. Tepsä, bir-ikki tepär. Ursä, bir-ikki urär. Oqdän korä muşt yegän maqulrâq». Şu qarârgä kelib, u ornidän turdi.

— Cilämizmi? — dedi Rahmätüllâh ham ornidän turib.

— Yoq-yoq, — dedi Komissär çoçib. — Sizlär otirä turıñlär. Men yolni qaräb keläy.

— Men birgä bäräy. Yâki Mırhäsil bårsın. Yâlgız yurmägäniñiz maqul.

— Xavâtirlänmän, dâmlä, tezdä qaytämân. Komissär şundäy deb atrâfgä alänläb, yolni molcäl qılğân bolib, soñ âhistä yurib ketdi. Rahmätüllâh tık turgân hâlidä uniñ ızlärini nıgâhı bilän taqıb etdi. Azâbniñ temir barmâqläri âräsidadä ezilâyâtgân Qızıl komandır uniñ ketgänigä etibâr bermädi.

— «Yäbnä Âdämä! İzä lam tasdahı minni famäl ma şıtä ya miskinü...» Rahmätüllâhniñ pıçirläb aytgân gapläri Mırhäsilniñ şırın xayâllärini tözitdi.

— Taqsir, bir nimä dediñizmi?

— Komissär ketdi.

— Ha, yolni qarab kelädi.

— Komissär ketdi,— deb yanä qaytardı Rahmätülläh.

Mırhâsil acäblänib, ornidän turdi.

— Taqsir, uñä hali ham ıññmâyäpsizmi?

— Men har qançä yaxşı gumandä bolmayın, u ketdi. Haräkätimizni qılâylik.

— Şaşılmäñ, şubhanız nâörin.

Şu payt yanä oq âvâzlâri eşitildi. Dam otmây buğuniñ okırğı yañrâdi.

— Qayâqqa bârämiz? — dedi Mırhâsil xavâtir ıññ kipriklâri pırpirätib.

Rahmätülläh Qızıl komândirgä qarâdi. U közlâri çirt yumib âlgän, bulârniñ taşvişigä şerik bolâ âlmäs edi. Rahmätülläh eñäşib, uniñ peşânäsigä kaftini qoydi.

— Olyäpti, bayaqş, — dedi Mırhâsilgä qarab. Yanä multıq âtildi. Mırhâsil oq âvâzlâri qay tarâfdän kelâyâtğanini bilâlmây alâñlâdi. Tosâtdän baş kotârgän qorquv uni telbâ hâligä tuşirâyâtğan edi. Qızıl komandır âğrıqqa dâş berâlmây baqırıp yubârdi. Bu nâğâh qıçqırıqdän ikkâvi ham çoçib tuşdi.

— Astağfirülläh! — dedi Qızıl komandır bu safâr pastrâq âvâzdä. Soñ kalimä qaytardı.

— Taqsir? — Mırhâsil «Eşitdiñizmi?» degändäy hamrâhıgä qarâdi. Rahmätülläh eşitdi, ammâ Mırhâsil kabi acäblänmädi. Çunki «Ey âdâm farzândi, qaçân balâ va musibâtgä yolıqsañ, meni yâdgä âlâsân. Lekin qaçân u balâni sendän kotârsâm, meni heç tanımas kişidek esdän çıqarıp yubâräsân», degän kalâmniñ hayâtdägi tasdığını kop korgän edi.

— Fırävnni bekâr eslämäğän ekän, — dedi Rahmätülläh.

9

Komissär şeriklâridän çamâsi uç yuz qadâm uzâqlaşgâç, dâirä yasâb, ârqagä qaytâ başlâdi. Qamâqxânâ şu tāmândä bolsä-dä, sezib qalışmâsin, deb atâyin qarâmağarşı

yolni tanlāgān edi. Bılışgā-kü, bari birbılışādi, qarğaşādi, lanāt oqışādi. Lekin bu paytdā ulārniñ hayāti qıl koprik ustidā, Komissārnikı esā āmānlikdā bolādi. Ulārniñ qarğışlāri, lanātlāri yāmğır tāmçisi kabi yergā sınıb ketādi. Komissār şundāy bolışigā ışānārdı.

U butālārni şıtlırlātmāy yurişgā harākāt qıldı. Endi şaşılmās, kolmāklārni çetlāb otār, dam-bādām toxtāb, atrāfgā qulāq tutār edi. Şeriklāridān ançā uzāqlāşib, molcāldāgi yolgā tuşib ālgāç, oq āvāzlārini eşitib yanā toxtādi. Oq āvāziniñ qay tāmāndān kelāyātğānini çamālāyātğānidā buğuniñ okırıǵı eşitilib, özi kutmāgān hāldā yurāgigā qorquv ārālādi. U oq ātilāyātğān yerni aylānib otiş uçūn āvāz kelāyātğān tāmānnı anıqlāmāqçı edi. Buğuniñ okırıǵı uniñ recāsini parākāndā qılāyāzdi. U ormānzārdā oq otmās buğu bārligini, buğu qandāydir ılāhıy kuçgā egā ekānini eşitğān, endi ham oq ātāyātğānlārni, ham buğuni çetlāb otişgā macbur edi.

Nimā uçūn qorqıb ketğānini özi ham bilmādi. Avvāligā qorquvni otkinçi deb oylādi. Yoq, qorquv uni tark etmādi. Yurāgi qnıdān çıqqudāy bolib, tez-tez urā bāşlādi. Qandāydir kuç uni ārqagā, şeriklāri yānigā undādi. «Qayt, — dedi oşā nāmālüm kuç, — ulārni yanādā uzāqrāqqa bāşlā. Balki qutūlib ketişār... Axır, sen ham insānsān-kü? Keyin vıcdāniñ qıynālmāydımi?...»

«Vıcdān... vıcdān... — deb pıçirlādi Komissārniñ lablāri. — Qanı, kimdā bār oşā vıcdān?! Men umrimni tıkkān ğāyāmğā sādıqmān! Bulār — duşmān! Men tuhmāt qurbānimān. Ertāmi-keçmi, meñā oxşāğānlārniñ dādi ortāq Stālinā yetādi. Bulār-çi? Qāçışmāqçı bolışdı... Nādānlār... Duşmān duşmānligini qılādi. Bari birolimgā mahküm edi ulār. Hukmni men çıqarmādim. Özlārigā özlāri çıkarişdı. Bulār bari bir olādi. Qamāqdā olğānidān korā āzādlikdā olğāni yaxşı emāsmı?.. Men aybdār emāsmān. Vıcdānim pāk. Āqlānib çıqqanimdān keyin ulārniñ uylārigā bārāmān. Āzād hāldā cān bergānlārini aytāmān...»

«Olişmāsā-çi? Qāçib qutūlişsā-çi? — dedi oşā nāmālüm kuç. — Heç bolmāsā bittāsi qāçib qutūlsāçi?...» Komissār bu savālgā darrāv cavāb qaytarā ālmādi. «Qutūlib ketiş qıyın», — deb özigā özi daldā bermāqçı ham boldı. Ammā bu cavābdā qatiylik yoq edi. U nāmālüm kuç bilān bahslāşışni bas qılışgā özidā kuç tıpdi-dā, tavākkāl qilib qamāqxānāgā ālib bārişi mumkin bolğān eñ qısqa yolni tanlādi. Bu safār

qadimini tezlätädi. Vucüdini tark etməyâtğan qorquv, tezrâq cân saqlaş qasdidägi hâvlıqış unıñ zıyrâklığını mahv etgân edi. U tábârâ telbâ âdâm hâligä kirib bârärdi. Endi közigä kolmäklär ham, yuzğolini tırnâvçı butälär ham korinmäs edi. Hâzir unıñ panâh tâpädigän câyi — qamâqxânâ. Oy-xâyâli bir— oşâ yergä tezrâq yetib âliş... birmahal sayâz tuyûlgän kolmäkkä âyâq qoydi-yu, munkib, yuztübän yıqıldı. Avvâligä heç nimäni sezmadı. Darrâv ornidän turib, yuzigä yâpişgän lâyni yeñi bilän sıdırıb, bir-ikki qadâm taşlädi-yu, çap âyâğıdâ uyğâñän âğrıqqa dâş berâlmäy baqırıp, yanâ yıqıldı. Bu safâr tez turmadı. Topıǵı atrâfidägi âğrıq avvâl bâldirigä çıqdı, keyin hammâ yağı zırqırâb âğrıy başlädi. «Eti uzıldı şekilli», deb oylädi u. Astâ qaddini kotärdi. Ehtiyâtlık bilän qadâm bâsmâqçı boldi. Âğrıq uni yanâ yuztübän qulätädi. birâz huşini yoqâtdı, huşigä kelib, sudrälâ başlädi. «Yaqın qâldı, sudrâlsäm ham biramälläb yetib âlâmän», deb oylädi. Ust-bâşı bokib ketdi. Mıyâsi qızıy başlädi. Âğrıq kuçâyâ bardı. birkolmâk yânidâ toxtâb, yuzini yuvdı. Sal yeñil târtgändäy tuyüldi. Yanâ sudrâlmâqçı bolgänidâ butäniñ şıtirlägänidän çoçib, atrâfgä alâñlädi: şâxlär âräsidâ mltıq mlini kordı.

— Âtmâñlär, bu menmân! — dedi cânhalätdä. — Komissärmän, ätmâñlär. Tâpşırıqni bacärdim.

Şâxlär ikkigä ayrilib, qamâqxânâ başlıǵınıñ yârdämçisi, keyin biraskär yıgit çıqıb kelişdi.

— Ha, Komissär, bu yerdä nimä qilib yâtıbsân? — dedi u mltıqni yelkäsigä âsär ekän.

— Âyâğım qayrılib ketdi, yurâlmäy qâldim.

— Başqalär qani?

— Oşâ yerdä. Başlıq aytgän câydä.

— Sen komändiriñ bilän birgä bolışiñ keräk edi?

— Unıñ ahvâli âğırlaşdı. Huşsiz yâtıbdı.

— Başlıq sen bilän Komändirni meñâ hadyâ etgän edi. Qayerdän qıdırsäm ekän, deb başım qâtib turüvdim. Âyâq âstidän sudrâlib çıqdıñ-a. Marâqlänib âv qilâmänmi,

devdim. İşni buzdiñ, sen maráz. Bugün çuvälçän átadigän kunim ekän-dä. — Yárdämçi mltıqni yanä qoligä álib, Komissärgä qarätđi.

— Átmän, axir tápşırıqni bacardım.

— Bacärgän bolsän, yanä yaxşı, — u şundäy deb qondâqni yelkägä tıräb, Komissärni nışâñä áldi. U Başlıqniñ tápşırıgını buzmâqçı emäsdi. Başlıq «Komissär tırık qâlsın», dedimi, demäk tırık qâlâdi. Faqat paytı kelgänidä uni biroynätib, tāmâşâ qılsä çakki bolmäs. Yárdämçi tıpirçiläb yâlbârâyâtgän Komissärdän birqadäm naridägi daräxtni molcälläb tepkini bâsdi. Oq âvâzi daräxtlärneñ yalängäç tanäsigä urilib aks-sädâ berdi. Komissär cānhâlätđä birsakrädiyü, yergä qapışgāniçä qımirlāmāy qâldi. Uniñ bu qılıgını korgän askär yıgıt kulib yubardı.

— Tur! Komissär, öziñü olgāñä sâlmä. Senä oq tegmädi. Birinçisi xatâ ketdi.

Komissär başını kotardı. Ammâ qaddini râstlāmādi.

— Axir, men sizlärneñ xızmetiñizni qılyāpmān-kü? — dedi u yıglāmsirāb.

— Sen şerikläriñgä xâinlik qıldıñ.

— Ulär şeriklärim emäs, xalq duşmānläri...

Hammän birgorsän... Ulär duşmān bolsä, sen duşmāndän çıqqan xâinsän, ulärdän ham battärrâqsän. — Yárdämçi yanä tepkini bâsdi. Oq Komissärniñ şundäyginä yānidägi yerni tıtib taşlādi.

— Átmän! — U Yárdämçi tāmān emäklādi.

— Árqañgä qayt! — deb baqırdı Yárdämçi. Komissär tız çokkän hâlidä uñä nacât közläri bilän bāqıb, tâşdek qâtdi. Yárdämçi yanä oq uzdi. Komissärniñ qulāgıgä endi oqniñ aks-sädâsi emäs, balki ayâl kişiniñ nālâsi urilgāndäy boldi.

«Sen bizni yerimizdän haydāb çıqaryāpsānmi, seni qarā yer ham bağrigä âlişdän hazār qilādi. Casādiñ birqulāç lahadgä zār bolādi. Murdän qumürsqalärgä yem bolādi hali...» Bu nālâni eşitib, Komissärniñ etläri cımirlāşib ketdi. Atrāfgä telbälärçä alāñlādi. Âvāz egäsini qıdırdı. Yárdämçi undägi özgärişni sezib, «Nimä qilärkin», deb kutdi. Komissär bu âvāzni birmartä eşitgän, keyin oşā zahâtiyāq unütib yubārgän edi.

Qārəkölçi báyınñ áiläsini koçiräyätgänidä uniñ keksäyib qalgän zavcäsi şundäy nälä bilän qarğagän edi.

Komissär oşandä ham, undän äldin ham buyruqni bacärgän edi. Dastläb bu xänädanğa bástirib kirib, barça báylikläрни tártib álišdi. Báy ätä zarräçä qarşilik qılmädi. Faqat birçekkägä acratib qoyilgän terilärgä tegmäslükni sorädi. «Bulärni zakât uçün acratib qoygän edim», deb yalindi. «Zakât bilän Xudäni aldäysiz, xalqni aldäy älmäysiz», dedi Komissär. Báy ätä indämädi. «Hây yigit, sen ham, ätä-änäñ ham tuzimdän tâtgänsizlär. Seni ädäm bolär, deb oqıtib edim, muhtäclärni qolimdän kelgäniçä suyädim. Hac safärigä ketär çağımdä butün mahallä ahlını yarım yıl bāqadigän mulk qāldirdim...», demädi. Mınnät qılışdan qorqdi. Komissär esä uniñ şu gapläriñi aytışını kutgän, şunğa yaräşä«Sen bu mulkni xalq qānını sorib tāpgānsān», degän cavābni tayyārlāb qoygän edi.

Komissär birhaftädän keyin eşitdi — Báy ätä olibdi. Komissär canāzägä u yāqdä tursin, hāl sorāb ham kirmädi. Änäsi kop yalindi, kir, deb, yoq, kirmädi. Ärädän birneçä yıl otib, yanä kirdi bu xänädanğa. Hammäsini koçirdi...

Oşandä şundäy näläni eşitgän edi.

«Nahāt u cādügärniñ qarğışı urgäni çın bolsä?» deb oylädi.

birmahal Yärdämçi mıltıgını yelkäsigä äsdi.

— Yarım sāt vaqt berämän. Lagergä yetib älsän — yetib äldiñ, bolmäsä, naq sassıq āğziñdän ātāmän.

Bu gapdän Komissär huşigä kelib, ornidän turmaqçı, yugürüb ketmaqçı boldi. Lekin çap āyāgını bāşişi bilän cān azābidä baqırıp, yıqıldı. Yärdämçi, battär bol, dedi-dä, çontägidän papirās çıqarib, tutätädi. birneçä nafäs haräkätsiz yātgan Komissär sudrälä başlädädi. Bu sudrälışdä yarım sāt emäs, yarım kundä ham qamāqxānägä yetib ālālmäs edi. Buni bilärdi, lekin «çıqmāgän cāndan ümid» degänläridäy, hāzirginä eslägän qarğışını ham unütib, ālğa ıntilärdi. U birāz sudrälgäç, ustigä şāx-şābbä taşlāññan orägä duç keldi. Oräni birneçä yıl muqaddäm āvçılär ayıq tutış uçün qazışgän, qamāqxānā qurilgäç, bu yerlärgä kelmäy qoyışgän edi. Çırıp qalgän şāx-şābbä

Komissärni kotärä älmädi. Komissär çuqurlığı biryarım ädäm boyı kelädigän orägä quläb, huşidän ketdi.

10

Kün yârışdı.

Başlıq yänigä avvälgi ävlärdä ham birgä bolgän, sınılgän askärlärdän torttäsini älib, yolgä tuşdı. Qamâqxânädän pıçä uzâqlaşışgäç, yârdämçisigä bittä askärni berib, «Sen onđan yur», dedi. Özi qâçâqlär dam älib otirgän cäygä tıkkä yurib çıqmâqçı boldi. Yarım sâätlär çamäsi yol yurgäç, ropärädägi butälär qattıq şıtırlädi. Başlıq toxtäb toppânçasını qoligä äldi-dä, yoğän daräxt panäsigä otdi. Uniñ ışaräsi bilän askärlär ham özlärini panägä äldilər. Şıtırlaş ävâzi kuçäyib, dam otmäy bahaybät şäxli, bahaybät gavdäli buğu korindi.

«Oq otmäs buğu şumi?» deb oylädi Başlıq. Buğu toxtäb, başını ğäz tutgäniçä cım turdi. Başlıq unä qaräb közläri çoğdek qıpğızil ekänini, özidän ğaläti yağdü tarätäyätgänini kordi. «Qani, koräylikçi, râstdänäm oq otmäs ekänmi?» deb şu közni molcälgä älib, tepkini bäsdi. Oq ızsız ketgändek boldi — buğu qılt etmädi.

— Ätiñlär! — deb baqırdı Başlıq. — Közini nışañä äliñlär, közini!

Askärlär palä-pärtiş oq uzä başlädilär. Buğu «Qani, hunäriñü korsätib qäl», degändäy biräz cım turdi. Soñ tumşuğını äsmän sari çözüb okirdi. Bu okırığdän Başlıqniñ qulâğı qâmätgä keldi. İkki askär mılıqlärini yergä taşläb, ârqağä qâçä başlädilär. Başlıq toppânçasidägi oqlärni ätib tugätädi. Buğu yanä çözüb okirdi. Başlıq şaşilib top-pânçanı qaytä oqlädi. Ammâ ätişgä ulgürmädi. Buğu başını xıyäl eggän hâldä unä daf qılgäniçä yaqınläşä başlädä. Başlıq beixtiyâr tısäridi. Buğu uni şäxigä ılib, çetgä ulâqtirib yubârışgä qasd qılgän, birâq maqsädini amälgä âşirişgä şaşılmäs edi.

Uçinçi askär ham allaqaçän ğäyib bolgän, buğuniñ ropäräsidä faqat Başlıq qälgän edi. «Nimägä faqat meni taqıb qılyäpti?» Nimä uçün askärlärgä parvâ qılmädi?» deb oylädi Başlıq. Buğu uni şunçäki taqıb qılmäs, balki dam oñ, dam sol tāmāñä otib, özi istägän yoldän yurişgä macbur etärdi. Başlıq birneçä martä yıqılıb, balçıqqa beländi, afti, qollärini şäx tilib yubardı. birneçä daqıqadä u ham qâçâqlär hâligä tuşdı. Heç

kutilmägändä buğu keskin sapçidi-dä, uni şaxığa ılib aldı. İkki-uç qadām bāsgāç, başını qattıq sılķib, tıpirçilâyâtğān Bāşlıqni itqıtıb taşladı. Bāşlıq yumşāq şax-şābbā ustigā tuşğāndāy boldi. Tık qazılğān orā ustigā taşlāñān şax-şābbā uni kotārā ālmādi. Bāşlıq orā tubidā huşidān ketdi.

11

— Nimä, şundāy turāverāemizmi? — dedi Mırhāsil.

— Qayāqqa yurāylik? — dedi Rahmātullāh. — Yolni Komissār bilārdi.

— Taqsir, hāzir pıçinūñ ornimi?

Rahmātullāh bu gapni toğri manādā aytğān bolsā ham Mırhāsil undān rancidi. Qızıl komāndir közlāriñi açdı. Garāñsib turgān şeriklārigā qarādi-dä, ıñraq āvāzdā:

— Bu yāqqa yurmāñlār, — dedi Komissār ketğān tāmāñni korsätib.

— Oq āvāzi şu yāqdān eşitilyāpti. Komissār yā qolgā tuşdı, yā oqqa uçrādi. Bolmāsā, şu paytgāçā qaytārdi. Dāmlā, men muddāāmgā yetdim. Endi mendā hayātdān umid yoq. Erkinlikdā tāpşirāmān cānimni. Sizlār meñā qarāmāñlār. Ketāverinlār...

Atrāfdā şarpā sezilib, uççāvlāri ham pusib qālışdı. birāzdān soñ avvāl qamāqxānā bāşlığınñ yārdāmçisi, soñ esā askār yigit korindi. Ulārñiñ ust-bāşlāri kotārdi-yu lāygā belānmāğān, yuzlāridā esā çarçāq sezilmās edi. Yārdāmçi Bāşlıqñiñ bu yergā yetib kelmāğānidān avvāligā acāblāndi. Soñ oq āvāzlāri, buğuniñ okırğını eslāb «Buğu āvlāşğā kirişib ketğān şekilli?» deb oylādi. Keyin koñligā birşumlik kelib, özidān özi quvāndi. «Bāşlıqni birqāyil qilāy», degān xayāldā ogirilib, askār yigitgā qarādi:

— Bulār eplāb qāçışni ham bılışmāydi. Yalpāyib yātişini qarā, — dedi Qızıl komāndirni imlāb korsätib. — Yanā bittālāriñ qani?

Qızıl komāndir cavāb bermāy közlāriñi yumdi. Yārdāmçi Mırhāsilgā yaqın keldi:

— Yanā bittāñ qani deyāpmāñ?

«Demāk, Kāmiscārni uşlaşmābdi», deb oylādi Mırhāsil.

— Biz uç kişimiz.

— Komissärläriñ qani? — dedi Yârdämçi Rahmätüllâhgä qarâb.

— Net pânimâş...

— Tuşüntirib qoyäymi?

Şündäy deb Rahmätüllâhgä muşt tuşiriş qasdidä qol, közi uniñ nıgâhıgä tuşgâç, qolini qandäydir kuç sıltâb taşlâgändäy bolib, urâlmädi. Sır bây bermäslik uçün kulimsirädi:

— Xop, tuşünmäsän tuşünmäbsän. Qani, âldimgä tuşläriñ!

Mırhâsil Qızıl komändirni suyâb turğazdi. Ulärniñ qıynälâyâtğanini korib, Rahmätüllâh ham Qızıl komändirniñ qoltıgıdän âldi. Askär yığıt âldindä, Yârdämçi ârqadä bârdi. birçaqırım yol bâşişgâç, askär toxtâb, ârqasıgä qarädi. Yârdämçi uñä, çetrâq ot, deb ımlâb, mahbuslärgä buyürdi:

— Toğrigä yurläriñ!

Ulär yanä beş qadâm bâşişgâç, âğzi oprilib yâtğan orä labigä kelişdi.

— Ha, yurmäysänlärimi? — dedi Yârdämçi toxtâb. — YÂ tanış âdâmni korib qâldiläriñmi?

Mırhâsil eñäşib, behuş yâtğan Komissärni kordi.

— U sizläрни ârzıqıb kutyäpti.— Yârdämçi şundäy deb askärni ımlâb çaqırdı-dä, şıvırlädi: — Ortädägisi señä, sânidän ât. İkki çetdägisi meñä. Ehtiyât bol, oldirib qoymä. Bâşlıq teriñü şilädi-ya!..

Ulär nimä bolğanini bilmäy ham qâldilər. Mıltıq âtilib, avvâl qızıl komändir sapçib tuşdi. Keyiñi oqdän Mırhâsil orägä qulädi. Âradän birnafäs ham otmäy Rahmätüllâh sânidän qattıq âğrıq sezib, çokkälâb qâldi. Keyin boynigä mıltıq qondâğı zarb bilän urilgâç, u ham orägä yıqıldı.

— Sen olim raqsini heç korgänmisän? — dedi Yârdämçi askärdän. Soñ orä labigä kelib, çonqayıb otirdi: — Qarâb tur, koräsän. Hâzir huşläri özigä kelsä bâşlâşädi.

Askär yığıt ham Yârdämçi yânidän cây âldi. Oq âvâzläri ham, buğuniñ okırığı ham eşitilmäy qâldi.

«Äv tugädi şekilli?» deb oylädi Yärdämçi. Ançägäçä ormân sukünät qarigä çomdi. «Äv tugädi. Başlıq balâ, buğuni tınçitmây qoymâydi, — degän qatıy xuläsägä keldi u. — Endi Başlıq qıdırıb âvârâ bolsä aççıqlanışı mumkin». Yärdämçi şu toxtämğä kelib, askärgä buyürdi:

— Uçınçı kvädrätğä qaräb yur. Başlıqnı tâpib, şu yergä âlib kel!

Askär buyruqqa itâät etib, ornidän turgän cäyidä qâtib qâldi:

— Buğu! — dedi u cänhâlätä. — Oq-otmäs buğu!

Yärdämçi oyläb ham otirmây Buğuni nışânğä âlib, mıltıq tepkisini bâsdi. Askär esä mıltıq âtiş lâzımligini ham unütib, qâçdi. Yärdämçi yanä biroq âtdi-dä, u ham qâçä başlädı... Buğu lâpilläb yugürgäniçä uni taqıb etdi. Başlıqnı qandäy quvlägän bolsä, buniñ ham dam oñ, dam sol tāmāniğä otib, özi ıstägän yol boyläb quvdi. Yärdämçi ağzi opirilgän orä labigä kelgänidä taqqa toxtädi. Pastğä egilib qaräşğä qorqdi. Ārquasigä ogirilgänidä başını eggäniçä şıtâb bilän yugürüb kelâyâtğän buğuni kordi. Özini çetğä âlişğä ulgürmädi. Buğuniñ qattıq şâxi uniñ kokrâgini teşib yubârgändäy boldi...

12

Yanä yâmğır saväläy başlädı.

Orädägilär birin-ketin huşlârigä kelişdi. Komissär ulärniñ yarälänjännäridän bexäbär, xâmüş baqayâtğän közlärdä aybnâmä oqıgändäy bolib, talväsägä tuşdı:

— Men yol qıdırıb yurgän edim. Qâçdi, deb oylädiläriñmi? Ha, bulär oylämäsä ham siz oylägänsiz, — dedi Rahmätüllâhğä tıkilib. Rahmätüllâh uñä cavâb bermädi. Mırhâsil esä uñä qaräb turib, xastä âvâzdä dedi:

— «Tâñlärniñ sırlâri torni keñ yâygändä,

Biz — ġâfıl, uyquniñ qaridä qâlâemiz.

Tölgän ây koklârdä suzilib bârgändä.

Biz — qopâl, tâñlärniñ qahridä qâlâemiz... Derlärki: «Äylärniñ nuridä vafâ yoq!»

Demäslär ulärki: «Ayb bizdä, biz buzuq»...

— Anıqrâq gapirin, nimä demâqçisiz?!

— Komissär... — Qızıl komandır sonğı kuçını yığıb, gap başladı: — Komissär, sizni heç kim ayblâyâtğani yoq. Siz yol tâpgäniñizdä ham bari birqolgä tuşıb, olib ketärdik. Dâmlä, aytiñ buñä: olim — haq. Heç kim tırık qâlmâydi bu dünyädä. Şuniñ uçün olimdän qorqmäslik keräk. Ibädät qılğänlär ham, qılmägänlär ham vaqti kelib, cänläriñi tâpşirişädi. Komissär, biz yaräläñänmiz. Bu yerdän tırık çıqışımız amri mahâl. Siz haräkät qilib koriñ. Heç bolmäsä birkişi tırık qalışı, qaçân bolmäsın yurtgä qaytib, bizniñ duşmân emäsligimizni yetkăzişi keräk. Har birimiz yurtni özimizçä sevdik, özimizçä xızmat qıldik. Har birimiz bircäydä qâqıldik, biryerdä adaş yolgä kirdik...

Qızıl komandırniñ keyiñi sözlärini añlaş muşkül boldi. Pıçirläb, yamläb aytilâyâtğän sözlär tındi. Yarım açıq közlär yumildi. Sarıq kipriklär qävüşdi. Mırhâsil savâl nazäri bilän Rahmätüllähgä qarädi. Rahmätülläh uniñ nıgâhını sezmägändäy cım otiräverdi. Tildän qâlgän Qızıl komandır endi gapini xayâlän davâm ettirär, dam bulütlär ustidä sarxüş uçib, dam qattıq yergä quläb azâblänärdi. Közläri yumuq bolsä-dä, tutqun hamrâhlärini korib turgändäy tuyülärdi. birmahal tutqunläрни äppâq bulüt bağrigä yutdi-yu, korinmäy qalışdı. Bulüt tarqalgändä ulärniñ ornidä közläri oyib âliñän oşâ âqsâqâl turär edi. Uniñ ikki qoli âldiñä çözilgän, ikki kaftidä ikki köz sâqqası turär edi...

— Ma, âl bu közlärni, — dedi Äqsâqâl.

— Keräkmäs, — dedi Qızıl komandır. — Özimniñ közlärim bär.

— Közlärniñ kormäydi. Korsä edi, dost kim, duşmân kim, farqlär ediñ.

— Vaqt otdi endi... Yarämğä tuz sepmän.

— Qışlâqqa kirgäniñ esiñdämi?

— Esimdä. Qışlâq kimsäsiz edi.

— Qışlâqdä faqat men qâlgän edim. Közim kor bolğäni uçün uydä yâlgız meniñä qâlgändim. Közim nimä uçün oyib âliñänini aytmädim, a, oşandä? Sendäy nârgül yığıt edim. Muhammäd Amin eşân qanâtigä kirib, ğazâtğä qoşilğänim uçün oyışğän

közlərimni. Cudə kop ʔdāmni oldirişdi. «ʔllāh», degān tillərini kesişdi. Sen u damlārni bilmāysān... Sen oşālārgā qarşı ʔt surişiŋ kerāk edi.

— Bu gapni aytgānsiz...

— Ha, aytgānmān. Yurāgim zardābgā tolib aytgānmān. Oşā kuni dāşnāqlār kelib «Bāsmāçi yolini tosāmiz, handaq qaziŋlār», deb keksäyü yāşni qırgā haydādi. Şāmgā yaqın na birām qaytdi. Dır-dir tıtrāydi. Qorqıb ketgān ekān beçārā. Barçāni qılıçdān otkāzıb, özləri qazigān handaqqa komişibdi. ʔllāhniŋ marhamāti bilān na birām qāçişgā ulgūribdi. Nimā bolgānini aytdi-yu, oldi. Yurāgi yārilib oldi. Keyin sen askārləriŋ bilān keldiŋ. Daşnāqlārni quv, dedim. Sen beklārgā qarşı ʔt surdiŋ...

— Eslātmāŋ u damni. Adāşgānmān. Men ham Xudāniŋ birgunāhkār bandāsimān. Armān bilān tāpşirāyāpmān ʔmānātimni. Cānimniŋ qıynālişi ham şundāndir.

— Sen xun ʔlmādiŋ.

— ʔlālmādim...

— Endi kim ʔlādi? Ruhımız çıqrırab4 qālāverādimi?

— ...

— Gapir.

— Meni qıynāmāŋ.

Şü payt ʔqsāqāl yānidā Komissār paydā boldi. Qolidā çegālāŋān kāsādā zafārān suv.

— Komissār, kelgāniŋiz yaxşı boldi. İçim yānyāpti. Yurāgimdāgi armānlārim çoqqa aylāŋāŋā oxşāydi. Suvni meŋā ʔlib keldiŋizmi, rahmāt.

— Suv sizgā, ammA bittā şartim bār: Xudā yoq, deb aytiŋ, payğambār aldāqçi, deb aytiŋ.

— Komissār, qoyiŋ bu gaplārni. Men heç qaçān bundāy demāgānmān.

— Demāgān bolsāŋiz, endi aytiŋ. Suvni içiŋ. Taşnālikni bāşiŋ. ʔrām ʔliŋ. Suvni içsāŋiz qöziŋiz açilādi, şıfā tāpāsiz.

— Bālām, bu şaytāniŋ gapigā kirmā, — dedi ʔqsāqāl.

Komissär uni nari itärdi. Taläbini yanä qaytardı. Şu damdä Qızıl komändir Rahmätüllähniñ ävâzini eşitdi, anıq eşitdi:

— La ılaħa ıllälläh...

Rahmätüllähniñ ävâzi eşitilişi bilän Komissär ğâyib boldi.

«Süv» dedi Qızıl komändir.

Uniñ ävâzini yänidägilär eşitmädi. Bittäginä yamğır tāmçisi labigä tuşib, cāni rāhatlandı. Çuqur-çuqur nafs āldi-dä, cımib qāldi. Burün katakları kerildi. Çañäk bolib turgān āyāqlārini uzātđi. Rahmätülläh surilib, Mırhāsıl bilän cāy almāşdidä, Qızıl komāndirgä yaqınlāşdı. Uniñ nafs ālışı yanä tezlāşdı, keyin birdān susāyā başlādı. Rahmätülläh kaftini uniñ cağıgä qoyib, dānā-dānā qilib kalimā keltirä başlādı. Qızıl komāndir közlārini açib, nimānidir qıdırib ālāzārāk boldi. Rahmätüllähni korib, cılmāydi. Şu alpāzdä köz qārāçığı ham qātđi. Nafsı ham oçdı. Rahmätülläh bir kafti bilän uniñ cağını uşlāğanıçā ikkinçi kafti bilän açiq közlārini yumdı.

Mırhāsıl iç koylāgini yırtđi. Marhumniñ cağını, āyāqlārini bağlāb qoyışdı. Qızıl komāndirniñ ustidägi kaltā tonni yeçib, yuzigä yāpişdı. Komissär qunişib otirgāniçā ulārniñ ışığā arālāşmādi. Rahmätülläh devārni tırnāb casādniñ ustigä tupraq tokmāqçı boldi. birneçā martā tatālāgāndān soñ tırnāqları ārāsıdān qān çıqđi. Sānidān āqayātğān qān hāldān ketkāzđi. Pıçirlāb «Tābārāk»ni oqıy başlādı. Soñgi āyatlārni oqıyātğānidä tepädä şaxdār buğuniñ qārāsi korindi. Rahmätülläh duā qılāyātğānidä u okirdi. Rahmätülläh başini kotārib, tepāgā qarādı. Qulāğıgā muāzzinniñ şırālī ävâzi urildi — «Āllāhu akbār!» Rahmätülläh ävâz çıkarib tasbeh aytdi. Buğu yanā çözib-çözib okirdi. Rahmätülläh qulāğıgā muāzzin tasbeh aytgāndāy boldi.

Buğu pastgä tuşışğā intilgāndāy tıpirçilāb, orā atrāfidä aylānā başlādı.

— Tuşmāqçıgā oxşaydı, — dedi Komissär uniñ harākätini kuzätib. — Tuşsä, hammāmizni bāsib oldirādı.

Buğu ham şuni oylābmi, pastgä tuşışğā harākāt qılmādi. Āld āyāqlārini bukib orā labigä çokkalādidä, başini egdi. Rahmätülläh ham, Mırhāsıl ham kop qān yoqātğānları sabābli orinlāridān qımirlāşğā macāllāri yoq edi. Komissär orā devārigä suyāñāniçā ornidān turđi. Tepāgā qolini çözdi. Qoli buğuniñ şaxigā yetāy-yetāy dedi. Yarım

qadām yāñā surilsä, murdä ustigä äyâq qoysä yetädi. Şuni xayâl qılğān damdä, Mırhâsil uniñ maqsâdini añlâb qâlib, surildi.

— Komissär, yelkämğä qoyıñ äyâğıñizni.

Mülâzimät uçün fursät yoq edi. Komissär sağ äyâğıni yığıtnıñ yelkäsigä qoyıb kotärildi-dä, buğuniñ şâxini mahkâm çañalladı. Buğu başını âsânlık bilân kotärib, uni orädän târtib âldi. Keyin yanä çokkälâb başını egdi.

— Ey cānivâr, bizni çıqarâ âlmäysän, — dedi Mırhâsil uñā qarâb. — Taqsir bilân qısmätimiz birekän. «Mänü tutqunlikkâ kirdimi olkâ, xayâldä pârlägän şamlärmi sondi?» Ağr gapimizgä tuşünâyâtğān bolsāñ, Komissärni qamâqxânägä eltib qoy. U bizni sâtdi.

— Sâtğānim yoq! — deb baqırdi Komissär otirğān yeridä.

— Sâtđiñiz, Komissär, olâyâtğān damdä toğri gapni aytib qâlây. Siz uzâq umr korişñiz keräk. Tâ olğüñizçä şu orāni esläysiz. Eslâb qıynäläsiz. Men uzâq umr korişñizni istäymän. Buğucân, uniñ hayâtini asrâ, olmäsin...

Buğu uniñ gaplärigä tuşünändäy boldi. Qaddini tıklâb, Komissärgä yaqınlâşdı-dä, başını egdi. Komissär avvâligä uniñ haräkätigä tuşünmädi. Keyin şâxigä âsildi. Buğu astâ yurâ başlâdi. Komissär ertäklärdäğini sâdir bolğüçi bu kutilmägän hâdisädän xursänd edi. Sudrälâyâtğān äyâğıdä ağrıq tursä ham koñli çarâğlänib bârâr edi. U olmây qâlgānigä çıppä-çin işândi. Buğu toxtämäsdän yurdi. Komissärniñ qolläri tâldi, ammâ çıdâdi. Ançâ yol bâsib otilgäç, buğu toxtâb, Komissär özini orâ ağzidä kordi. «Şü cāygä aylāntirib âlib keldimi yanä?» deb oylâb, şâşilğāniçâ pastğä qarâdi va... haräkätsiz yâtğān Başlıq bilân Yârdämçini kordi-yu, qorquvdän yurägi qınıdän çıqıb ketâyâzdı. Sudrâlib nari ketmâqçı edi, ulğürmädi. Buğu şâxi bilân surib uni orägä qulâtdi-dä, çözib-çözib okirib qoydı.

Komissär nazäridä orägä qulāmädi, balki yumşâq gilâm ustigä yumälädi, bu gilâm uni âsmāñā kotärib, suzib ketdi. Ançägäçä sarxüş kezdi. Soñ birtaniş âvâzni eşitdi:

— Seni oldirğān âdām toğri cannâtğä tuşâdi!

Kimniki edi bu âvâz? Ha... Bâý âtāniñ kencä oğliniki... Mulkläri musâdärä etilgäç, uç kundän keyin «Âtām çaqıryäptilär», deb kelğāndi. «Bärmäymän, — degän edi

Komissär. — Bâylär bilän gaplaşadigän gapim yoq». «Âtäm qân sıyib yâtibdilär. Sizgä aytär gapläri bär ekän». «Bilämän nimä deyişini âtäñûñ. Meni oqıtış uçun pul bergänini peş qilädi-dä. Tağın ham âsân qutıldılariñ. Bâylärniñ kuni bıtgän, âtäñgä aytib qoy».

Bâyniñ oğlı bu gapgä çıdây âlmäsdän uñä taşlänän edi. Toppânçäsi yänidä bolmägänidä Komissärni bu hırsdây yığıt boğıb oldirişi mumkin edi. Âsmâñä qarab biroq uzgänidä yığıt qaçdı. Qaçä turib aytgän edi bu gapini.

Ârädän yarım sâät otmây eşikläri âldidä arävä toxtädi.

— Bâý âtämnñ özläri kelibdilär, — dedi Komissärniñ ânäsi. — Cän bäläm, ulärniñ tuzini tâtgänmiz, âtäñ olgänläridä kafänlikni ham Bâý âtäm bergänläär. Tuz haqqı bu kişigä qattıq gap aytmä, rancitmä, cän bäläm...

Köçä eşigi qıyâ açilib, Bâý âtäniñ tongıç oğlı korindi.

— Heç bolmäsä şu âstänägä kelärsän? — dedi u dağal âvâzdä.

Komissär ânäsiniñ zori bilän âstänägä qadär bardı. Bâý âtä hâldän tâygän bolişigä qarämây, tırsägigä tıralib, qaddini sal kotardı.

— Bäläm, men sendän birnimä taläb qilib kelmädim. Sendän soräydigänim bittä — râzi bolgin. Esiñdämi, qımârdä yutqazib pul sorägäniñdä yuziñgä birtarsäki urgän edim. Haqqım yoq edi urişgä. Şuñä râzi bolgin, bäläm. Ayt, râzi boldiñmi? ...Ançä yıl burün bolgän edi bu vâqeä. Bâý âtä çındän ham tarsäki tuşirgän edi. Ammâ qarzni toläb, soñ uni oqışgä cäyläb qoygändi...

Komissärniñ ânäsi qulâğı âstidä şıvirlädi:

— Râzimän, degin, bäläm.

Komissär indämädi.

— Bâý âtä, bäläm miñdän miñ râzi, hammämiz râzimiz. Siz ham...

— Öz âğzi bilän aytsin.

Komissär indämädi. Bâý âtä başını yastıqqa qoydı...

Komissär şulärni eslädi-yu, köz oñidä Bâý âtä gavdäländi. Uni sonğı martä bemâr hâlidä, arävä ustidä tırsägigä suyänän hâldä korgän edi. Hâzir tâzä kiyimlär kiygän, xuşröy hâldä kordi.

— Bâý âtä, men oşändä macbur edim, — dedi Komissär.

Bâý âtä cilmäyib qoydi-yu, indämädi.

— Men sizdän râzi bolgänmän. Siz ham râzi bolıñ...

Bâý âtä yanä indämädi...

Komissär közlärini açdı. Orä ağzidä bulütli äsmänniñ birparçasiginä korinib turardı. Buğu korinmäs, uniñ âvâzi ham eşitilmäy qalgän edi.

Ornidän qözgâlmâqçı edi, belidä qattıq ağrıq turib, baqırıp yubardı. «Nimä balâ, belim sınibdi-mi? — deb oylädi. — birâz dam âläy, keyin çıqışgä urinib korämän. Manä bulärni ustmä-ust qoysäm, çıqıb ketämän. Bu orä pastrâqqa oxşaydı... Bulär tırıkmi yâ olikmi?...»

Däm otmäy ulär ham qımirlaşdı. Avvâl Yârdämçi, sonğ Başlıq közlärini açdı.

— Senmisän? — deb acäbländi Başlıq yârdämçisini korib. Sonğ Komissärgä acäblänib qarädi: — Bu qayerdän kelib qâldı?

— Hayrânmän, başqa orädä edi.

Başlıq yelkäsini orä devârigä tıräb turmâqçı boldi. Ammâ kokrâgidä kuçli ağrıq turib yanä yıqıldı.

— Sen anävi maräznäniñ ustigä çıq, — dedi Başlıq yârdämçisigä.

Yârdämçi u aytgändäy qıldı. Başlıq tışını tışigä qoyib, ağrıqqa çıdäb, çap âyâğını Komissärniñ yuzigä, oñ tızzäsini Yârdämçiniñ yelkäsigä qoyib kotärlilmâqçı boldi. Birâq, qaddini kotärä älmädi. İkkinçi martä urinişdä ağzidän qân keldi.

— Tamâm, — dedi Yârdämçi. — Çıq, ustigä.

Komissär sudrâlib Başlıqnıñ casädi ustigä çıqdı. Yârdämçi ornidän turişgä urindi. Uddäläy älmädi. birneçä daqıqadän sonğ u ham cân berib azâblärdän qutıldı.

Komissär ulärni ustmä-ust qoyışgä haräkät qıldı-yu, uddäläy älmädi. Tábärä hâldän tâyäverdi...

13

Buğu Rahmätüllâh bilän Mırhâsil tuşib qâlgän orä tepäsigä birneçä martä keldi. Atrâfni ayländi. Bâşini egdi. Nâçârlikdän ezilgändäy toxtâvsiz ökiridi.

Pästdägilär bu cänivärniñ sıridän bexäbär, bu cumbâqni yeçişgä haräkät ham qılä älmäs edilär. Buğu uçinçi martä kelgänidä yuqârigä qarâşgä macâlläri yetmädi. Mırhâsil köz onidä ustâzi gävdlänän, uni bağrigä mahkäm bâsib «Körişämiz degän edim-kü, manä, korişdik. Seniñ korgänläriñ birtuş edi... birtuş edi...», deydi.

Rahmätüllâh esä xayâlän Kabätüllâh atrâfidä zikr aytib yurärdi. Makkäi mukärrämäniñ ılıq havâsi tanäsidadı muzni haydâb çiqarib, badänigä harârät berär edi. Muâzzin âvâzi eşitildi. «Ällâhgä şukr, subhgä yetdik», deb oylädi Rahmätüllâh. Şu oy fikrini yâritdiyü cäni uzildi...

Buğu orä labidä uzâq vaqt qımir etmäy turdi. Soñ şâxläri bilän lây tırnâb, oräni komä başlädı. Keyin Komissär yâtgän orägä bârib uni ham komib taşlädı.

Sâqçibâşi rahbärligidägi askärlär ertäsigä qorqa-pisä ormânä çıqdılar. Uzâq qıdırışgä yuräkläri betlämäy ârqağrigä qaytdılar. Şu vâqeädän soñ buğu qamâqxânä sâqçilärini bezâvtä qılmäy qoydı.

ÖTTİZ BEŞ YILDÄN SOD...

Bu yâruğ âlämdä tasâdif ilä yuz bergüçi vâqeälär kop. Bazän yetti uxlâb birtuşdä kormäydigän, öz köziñiz bilän korib ham işäñiz kelmäydigän hâdisälärniñ guvâhı boläsiz. Endi bayân etilgüçi vâqeä ham şulär sırasidän. Oq otmas buğu şâxi bilän yer tırnâb, tutqun hâlidä cän bergänläрни dafn etgänidän keyin âläm neçä bâr turländi. Rahmätüllâh yâtgän yerdän maysälär unib çıqdı. Ormânzârdä daydib yurüvçi buğu bazi-bäzidä bu yergä kelib, uzâq vaqt mayüs korinişdä turär edi. Soñ Başlıq yâtgän yergä bârib unib çıqmâq ilincidägi maysälärni depsib taşlârdı. Bu hâl yıllar âşä takrâr boläverdi. Şu tarzda âradän ottiz beş yıl otdı. Buğu endi uzâqlärgä ketä älmäydigän bolib qâldı. Uniñ okırığı ham ormânni larzägä sâlädigän daräcadä emäsdi. Buğunıñ uzâqlärgä ketä älmäyâtgäni faqat umr şâmi yaqınlâşâyâtgänidän emäs, balki bu atrâfdä

âdamlärniñ kopäyib qalgäni, narä tärtib işlävçi texnikäniñ ormân sukünätini buzişi ham sabäb bolâyâtgän edi. Ormânniñ qâq belidän temir yol otişi lâzımlıgı, bu qurılış BAM deb yuritilişi, bu qurılışgä Rahmätüllâhniñ yurtidän ham âdamlär kelgäni, şubhasız, buğu uçün nâmälüm edi. Yıgirmä yılınıñ naryâğıdä, qamâqxânä başqa yergä koçirilgäç, uniñ orni xarâbâzârgä aylânğan edi. Qurılış başlanıb, qalgän-qutgän bınälär tamir etildi, ıdârägä, yâtaqxânägä aylantırıldı va peştâqıgä «Ştäb» deb yâzib qoyıldı. Bu yer garçi «Kâmsâmâl zarbdâr qurılışı» degän nâmdä zıkr etilsä ham, aslidä undä âğır cazâsi yeñilläştirilib, macburiy mehnätgä hukm qılınğanlar ter tokişärdi.

Uç kun ezib yâqqan yâmğır tundä tınıb, ertäläbgä yaqın bulüt çâkläri sokildi. Älä çalpâq bulütlär âräsidadän quyaş koriñändä «Ştäb» hali uyqudä edi. İkki kun burün markâzdän kelgän Vakil koñıl xumârini yâziş maqsädidä bu yerdä tuni bilän muhim tad birotkâzgän edi. Äqşâmdä başlanğan maclis zarbdâr qurılışdä kâmsâmällärniñ vazifälärini muhâkämä qilib âlgäç, zıyâfät başlanğan, soñ sarxüş Vakil istägi bilän qartä oyiniğä otirişgän edi. On tıyindän tıķib başlanğan oyun avciğä mındi. Qurılışniñ kattä-kıçık yetäkçiläri qımârgä uquvsız edilärmı, har hâldä ikki-uç miñdän yutqazib, motäbär mehmân âldidä «uyälib» qalışdı. Yutuq tuğyâñä keltirdimi yâ içilgän arâq mıqdâri meyârdän âşdimi, Vakil ustä qımârbâz ekänigä özi ham işänib, «Lägerniñ zorini âlib keläsän», deb turib âldi. Uzün boyli, qâmäti kelişgän, saçläri ârqagä tarälgän, közläri kibr bilän bâquvçi Vakilniñ istägi mezbân — kâmsâmâl zarbdâr qurılış âtryädiniñ Komissäri uçün amri vâcib edi. Mezbân ham, mehmân ham şu bahârdä ottiz beşgä tolgän edilär. Şundänmi, yuriş-turişdä ham, gap-sözdä ham, xurmäçä qılıqdä ham bir- birläriğä oxşâb ketärdilär. Komissär Vakilniñ istägi yaxşilik bilän tugämäsligini bilib, u aytgändäy «zör»ni emäs, zorlär âräsidadägi Dastyârni çağırtirib keldi. Dastyâr Vakilni yarım sâätdäyâq şilib âlişi mumkin edi. Komissärniñ ımâ-ışâräläriğä itâät etib, oyinni tânâtârgä qadâr çözdı. Soñ «Bu oyun hazıl edi», deb yutgänlärinı taşläb çıqıb ketdi. Anä şu marâqli tundän soñ Vakil ham, Komissär ham hârdıq çıqarişärdi. «Zärbdâr» quruvçılar nânüştä qilib, iş-işläriğä tarqasğänidä ham «Ştäb» uyğänmägän edi. Komissär peşinä yaqın lanc hâldä turdi. Qabulxânäsıgä çıqıb kerişdi. Eti cuncikib, qollärini bir- birigä işqadi. Şundäginä eşik yänidä mominlik bilän turgän yıgitgä közi tuşdı.

— Ha, keldiñmi? — dedi mensimägän tarzdä.

Yigit salâm berdi-yu, uñä yaqınlâşıǵǵa curât etmädi.

— Keç qâldıñmi? Endi nimä qılâımız?

Yigit boynini qısib, qalin qâğâz qutilärgä qarädi.

— Nimä bu?

— Nâz-nemâtlär...

— Öziñ keldiñmi?

— Akâm birgä keldilär.

— Akäñmi? Akäñ nimä iş qılädi?

— Aytüvdim-kü... bazädä...

— Çaqır akäñü...

Yigitniñ akäsi eşik ârqaşidä turgân edi, birzumä Komissär ropäräsidä paydâ boldi. U ukäsigä oxşab ıymänib turmäsdän, çaqqân kelib Komissär bilän qoşqollab soräşdi.

— Ukäñ beş kun keçikib keldi. Buniñ uçün nimä bolışini biläsänmi? Yanä beş yıl qoşib berişsä BAM bıtğünçä şu yerdä mâğârlab yuräverädi, — Komissär şundäy deb âğzini barällä açib esnâb, kerişdi.

Beş yıl qoşib berilişi haqıdâ bepisändlik bilän aytilgân gapni eşitgân Yigit ham, uniñ akäsi ham çoçib ketişdi.

— Hazil qılmäñ, akäxân, — dedi Akä cılmäyışǵa haräkät qilib.

— Hazil ânäñüñ uyidä bolädi. Bu yer davlätniñ ıdâräsi.

— Beş kunniñ birılâcını tâpsä bolär, gunâhni yuvärmiz. Akäxân, har hâldä âşnä-âğaynilärimiz qarab turışgäni yoq.

— Sen çıqıb tur, — dedi Komissär Yigitgä. Yigit buyruqni bacärgäç, Akägä qarädi.

— Gunâhni yuviş âsân emäs, buni biläsänmi?— Bilâımız, akäxân, biz ham koçä korgân âdämlärmiz.

— Koça korgänmiş... Koça korgän ädäm ukäsini qamätib qoymäydi.

— Ha, endi ğaflätdä qaldik. Tuhmät boldi-dä...

— Tuhmätmi?.. Nimä, sävet tuzümi faqat tuhmätçilärdän ıbărätmi? Şunday demäqçimisän?

— Yoğ-ye, akäxân, unaqa niyätim yoq. Men sıyäsätgä tuşünmäydiğän âmi ädämmän. Çot qaqıb yurgän ädämdä bunaqa fıkır qayâqdän bolsın?

— Gapni çözmäy çotiñû qâq. Uygä bârib kelişgä berilgän ruxsät, beş kun keçikiş... xo-xöş... Ağăr xâhläsän, muddätini qısqartırış imkânı ham bâr. Maskâvdän vakıl kelgän, şuni xursänd qılış keräk.

— Hammäsığä tayyârmız.

— Tayyâr bolsän, anä pıdcägim. Ottiztâni çontägigä sâl. Xânämgä ukäj âlib kirsın.

Komissär şunday deb ıçkärigä kirdi. Akä u bilän savdäläşişgä curät qılâ âlmädi. Pulni sanädi-dä, ilğıçdägi havâräj pıdcäkni âlib, çontägigä aväyläb sâldi. Soñ ukäsini çaqırdi.

Komissär ıçkärigä kirgäç, divändä yâtgän Vakıl közlärini açdı.

— Şampän tâpsän-çi, Komissär, — dedi u esnâb.

